

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

А.МУХТАРОВ, А.БОБОЕВ

М А Н Т И Қ
фанидан ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ - 2014

Ушбу ўқув қўлланмада “Мантиқ” фани бўйича давлат таълим стандарти ва ўқув дастурида назарда тутилган барча асосий масалалар аниқ ва тушунарли шаклда кўриб чиқилган. Мавзуларни яхши ўзлаштиришга ёрдам берадиган машқ ва масалалар келтирилган.

Мазкур қўлланма фан юзасидан асосий билимларни тез ўзлаштириш ва синов ҳамда имтиҳонларга пишиқ-пухта тайёрланишга имкон беради. Талабаларнинг тафаккури тўғри, фикрлаш қобилияти аниқ бўлишига ёрдам беради.

Олий ўқув юртлари бакалавр, магистратура, изланувчи ва тадқиқотчилар ҳамда ушбу соҳа билан қизиқувчилар учун тавсия этилади.

1. МАНТИҚ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УНИНГ ИЛМІЙ БИЛИМ ТИЗИМИДАГИ АҲАМИЯТИ

“Мантиқ” (логика) атамаси грекча “logos” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “фикр”, “сўз”, “ақл-идрок”, “қонуният” маъноларини англатади ва ҳозирги вақтда учта асосий мазмунда қўлланилади. Биринчидан, у воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро боғланишидаги ҳар қандай объектив қонуниятни, масалан, “фактлар мантиғи”, “буюмлар мантиғи”, “тарих мантиғи” ва шу кабиларни ифодалаш учун ишлатилади. Иккинчидан, у фикр ривожига қонуниятни, масалан, “фикрлар мантиғи”, “фикрлаш мантиғи” ва шу кабиларни ифодалаш учун қўлланилади. Учинчидан, тафаккур қонунлари ҳақидаги фан ҳам мантиқ деб аталади. Биз мантиқни тафаккур қонунлари ҳақидаги фан сифатида кўриб чиқамиз.

Тафаккурни кўпгина фанлар: психология, кибернетика, физиология ва бошқалар ўрганади. Мантиқнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, тўғри фикрлаш шакллари ва усуллари унинг предмети бўлиб ҳисобланади. Фан тарзидаги мантиқ формал мантиқ, диалектик, рамзий, модал мантиқ каби ва бошқа бўлимларни ўз ичига олади. Биз формал мантиқни кўриб чиқамиз.

Шундай қилиб, мантиқ – бу тўғри фикрлаш шакллари ва усуллари ҳақидаги фандир. Фикрнинг қурилиши, яъни унинг таркибий қисмларининг боғланиши усули аниқ бир фикрнинг мантиқий шакли ҳисобланади. “Фикрлаш шакли” тушунчасининг моҳиятини мисол орқали изоҳлайлик. Иккита гапни: “Ҳамма одамларнинг ўлими муқаррар” ва “Барча дарёлар денгизга қуйилади” гапларини олайлик. Уларнинг бири тўғри, иккинчиси эса нотўғри. Лекин шаклига кўра улар бир хилдир. Уларнинг ҳар бирида бошқа буюм ёки ҳодиса ҳақидаги фикр ўз тасдиғини топади. Агар биз Р ҳарфи билан S ҳарфи орқали аталадиган буюмнинг хусусиятини ифодаладиган бўлсак, унда шундай фикр шаклини оламиз: S - Р дир; унга турлича мазмунни жо қилиш мумкин. Формал мантиқда тафаккурнинг асосий шакллари: тушунча, ҳукм ва ҳулоса, шунингдек уларнинг асосий қоидалари ҳақиқий бўлгани ҳолда тўғри ҳулосаларни олишга имкон берадиган ўзаро боғланиш қонунлари кўриб чиқилади. Мантиқий шакл ёки фикрлаш шакли – бу фикр элементларининг боғланиш усули, унинг қурилиши бўлиб, ушбу қурилиш туфайли мазмун амал қилади ва воқеликни акс эттиради.

Реал фикрлаш жараёнида фикрнинг мазмуни ва шакли ажралмас бирликда амал қилади. “Соф”, ўз шаклига эга бўлмаган мазмун йўқ, “соф”, мазмунсиз мантиқий шакллар бўлмайди. Бироқ биз махсус таҳлил мақсадида фикрнинг аниқ мазмунидан четга чиқиб, унинг шаклини ўрганиш предмети қилиб олишга ҳақлимиз.

Одамларнинг кўпинча грамматика қоидаларини билмасдан туриб, тилда ўз фикрларини ифодалагани сингари мантиқ қоидаларини билмай туриб ҳам мантиқан фикр юритиш мумкин. Инсон ҳазм жараёнини билмаса ҳам, у амалга ошади. Аммо у ёки бу овқатнинг ошқозонда қандай ҳазм бўлишини билсак ва амал қилсак, муаммо бўлмайди, жараённи онгли равишда бошқариш мумкин бўлади. Фикрлашда ҳам ҳудди шундай. Мантиқни билиш фикрлаш маданиятини оширади, мулоҳазанинг аниқ, изчил ва далил-исботли бўлишига ёрдам беради, нутқнинг

маънодорлиги ва ишончлилигини таъминлайди. Айниқса янги билимларни эгаллаш жараёнида мантиқ асосларини билиш муҳимдир, у одамларнинг оғзаки нутқи ва ёзма манбалардаги мантикий хатоларни аниқлаш, бундай хатоларни рад қилишнинг энг қисқа ва тўғри йўллари топиш, ўзининг бундай хатоларга йўл қўймаслигига қўмаклашади.

Мантиқ шахснинг ўзини ўзи англаши, интеллектуал ривожланишига қўмаклашиб, унда илмий дунёқарашнинг шаклланишига ёрдам беради.

Фаолияти одамларнинг тақдирига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари ва тиббий ходимларнинг мантиқни билиши айниқса муҳимдир.

2. Мантиқ ривожининг асосий тарихий босқичлари

Мантиқ тарихи жамият тараққиёти тарихи билан узвий боғлиқдир. Одамларнинг меҳнат-моддий-ишлаб чиқариш фаолиятининг ривожланишига қараб уларнинг фикрлаш қобилиятлари ҳам такомиллашганки, бу тафаккурнинг ўзи, унинг шакллари ва қонунларининг тадқиқот объектига айланишига олиб келди.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, айрим мантикий муаммолар эрамиздан илгариги I минг йилликда олдин Қадимги Ҳиндистон ва Хитой, сўнгра Қадимги Греция ва Римда вужудга келган. Улар секин-аста изчил билимлар тизими, мустақил фан бўлиб шакллана бошлаган.

Фанлар ва нотиклик санъатининг ривожланиши мантиқнинг вужудга келишида асосий сабаблар бўлган. Фан хулосалар ва далилларни назарда тутадиган назарий фикрлашга асосланади. Шу тариқа билимнинг шакли сифатидаги тафаккурнинг ўзини тадқиқ қилиш зарурияти келиб чиқади. Нотиклик санъати, аввало, кўп сонли аудитория суд мажлисларида ақл-идрокни ларзага соладиган, тингловчиларни у ёки бошқа фикр томонга оғишга мажбур қиладиган ишонтирувчи куч сифатида намоён бўлган. Мантиқ нутқларнинг ушбу мажбурловчи кучи сирини очиб беришга уриниш тарзида пайдо бўлади.

Қадимги Грецияда мантиқни Парменид, Зенон, Демокрит, Сукрот, Платон ишлаб чиқишган. Антик даврнинг энг буюк мутафаккири, Платоннинг шогирди – Аристотель (эрамиздан илгариги 384-322 йиллар) эса мантиқ фанининг асосчиси ҳисобланади. У мантиқ бўйича бир қатор асарларни ёзган бўлиб, бу асарлари кейинчалик “Органон” (билим қуроли) деган умумий ном остида тўплам ҳолига келтирилган. Аристотель ўз асарини аналитика деб атаган, “мантиқ” атамаси эса илмий муомалага кейинроқ, эрамиздан илгариги IV асрда кириб келган.

Қадимги Грецияда мантиқни Аристотелдан кейин стоиклар ишлаб чиқишган. Қадимги Римлик сиёсий арбоблар Цицерон ва Квинтилиан, араб тилида ижод қилган олимлар – Ал-Фаробий, Ибн Рушд, ўрта асрлардаги Европалик схоластлар – У.Оккам, П.Абеляр ҳам мантиқ ривожига катта улуш қўшишган.

Янги замон даврида фан ривожини янги туртки олдики, бу, ўз навбатида, мантиқ соҳасидаги тадқиқотларни кенгайтиришга имкон берди. Таниқли олим ва файласуф Ф.Бекон (1561-1626) “Янги Органон” номи остидаги ўз тадқиқотини эълон қилдики, бу билан у ушбу асар Аристотелнинг “Органон”ини тўлдириб, инсоннинг билим

шакллари ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради, деб гипотеза қилади. Бу асарда индуктив услублар асослари жамланган бўлиб, улар кейинчалик Д.С.Милл (1808-1873) томонидан такомиллаштирилди ва ҳодисалар ўртасидаги сабабий алоқаларни белгилаш услублари деган ном олди (Бекон-Милл услублари).

1662 йилда кейинчалик машҳур бўлиб кетган “Пор-Рояль мантиғи” деган дарслик нашрдан чиқди. Унинг муаллифлари П.Николь ва А.Арно Р.Декартнинг (1596-1650) методологик тамойилларига асосланган мантиқий таълимотни яратишди.

Аристотель таълимоти асосида яратилган мантиқ XX аср бошигача амал қилиб келди. XX асрда немис олими ва файласуфи Лейбниц (1646-1716) ғоясига асосланган, фикрларни ҳисоблашларга олиб келиш мумкинлиги ҳақидаги рамзий (математик) мантиқ пайдо бўлди. Бундай мантиқ XIX аср ўрталарида шакллана бошлади. Унинг ривожчи Ж.Буль, А.М.Де-Морган, Ч.Пирс, Г.Фреге, рус мутафаккирлари П.С.Порецкий ва Е.Л.Буницкий ва бошқалар номлари билан боғлиқдир. Б.Рассел ва А.Уайтхеднинг 1910-1913 йилларда босилиб чиққан 3 жилддан иборат *Principia Mathematica* асари рамзий мантиқ бўйича илк капитал асар бўлди. У мантиқда кескин бурилиш ясади.

Диалектик мантиқ ғоялари антик ва қадимги Шарқ фалсафасига бориб тақалади, лекин уни фақат немис классик фалсафаси вакиллари: Кант (1724-1804), Фихте (1762-1814), Шеллинг (1775-1854) ва айниқса диалектиканинг асосий қонун категория, ғояларини объектив идеализм нуқтаи назаридан изчил узил-кесил ифодалаб берган Гегельгина (1770-1831) такомилига етказди.

3. Айният қонуни ва унинг тафаккурга талаблари

Тафаккур қонуни ёки мантиқий қонун – бу хулоса жараёнида фикрларнинг зарурий, муҳим боғланишидир.

Тафаккур қонунлари инсоннинг иродаси ва хоҳиш-истагидан қатъи назар шаклланади. Воқеликдаги предметларнинг нисбий барқарорлиги, сифат жиҳатдан аниқлиги, ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги уларнинг объектив негизини ташкил этади.

Мантиқ кўплаб мантиқий қонунлар орасидан тўртта асосий, мантиқий тафаккурнинг туб хусусиятларини ифодаладиган қонунлар – унинг аниқлиги, зиддиятсизлиги, изчиллиги ва асослилигини ажратиб кўрсатади. Булар – айният, (зиддият, учинчиси истисно ва етарли асос қонунларидир. Улар қандай мантиқий шаклда кечишидан ва қандай мантиқий операцияни бажаришидан қатъи назар ҳар қандай муҳокамада амал қилади.

Айният қонуни. Хулоса жараёнида ҳар қандай фикр муайян, барқарор мазмунга эга бўлиши керак. Тафаккурнинг ушбу туб хусусиятини айният қонуни ифодалайди: **хулоса жараёнида ҳар қандай фикр ўзи ўзига айнан ўхшайдиган бўлиши керак** (а дегани а дир ёки $a = a$ дир, бунда а деганда ҳар қандай фикр тушунилади).

Айният қонуни $p \rightarrow p$ (агар p бўлса, унда p дир) формуласи орқали ифодаланиши мумкин, бунда: p – ҳар қандай фикр, $\rightarrow$ импликация белгиси.

Айният қонунидан шундай маъно келиб чиқади: турли фикрларни айнан бир хил деб билмаслик керак, айнан бир хил фикрларни айнан ўхшаш бўлмаган фикрлар деб қабул қилмаслик лозим. Хулоса жараёнида ушбу талабнинг бузилиши кўпинча тилда айнан бир хил фикрнинг турлича ифодани бериши билан боғлиқдир.

Бошқа томондан олганда, кўп маъноли сўзларнинг ишлатилиши турлича фикрларнинг хатога йўл қўйиб айнан бир хиллаштиришга олиб келиши мумкин. Масалан, жиноят ҳуқуқида “жарима” сўзи орқали Жиноят кодексида назарда тутилган жазо чораси ифодаланади, фуқаролик ҳуқуқида эса бу сўз маъмурий таъсир кўрсатиш чорасини ифодалайди. Шубҳасиз, бундай сўзни бирдек маънода ишлатиш мумкин эмас.

Турли фикрларнинг айнан бир хиллаштирилиши кўпинча касб-ҳунар, таълимда ва шу кабилардаги тафовутлар билан боғлиқдир. Мутахассислар айрим тушунчаларни аниқ маънода қўлламасалар, бу кўпинча чалкашликка, ноаниқликка олиб келиб, иш моҳиятини аниқлашни қийинлаштиради.

Турли тушунчаларнинг айнан бир хиллаштирилиши мантикий хатодан – англаб етилмаган ва атайлаб қилинган тушунчанинг алмаштирилишидан иборат бўлади.

Айният қонуни талабларига риоя қилиш тушунчаларни уларнинг аниқ маънода ишлатишни тақозо этадиган ишида муҳим аҳамиятга эгадир.

4. Нозидлик қонуни ва унинг инсон фаолиятидаги аҳамияти

Мантикий тафаккур нозидлик (нозиддият) билан тавсифланади. Зиддиятлар фикрни бузиб, билиш жараёнини қийинлаштиради. Тафаккурнинг нозидлиги талаби формал-мантикий нозидлик қонунини ифодалайди: **иккита бир-бирига мос келмайдиган ҳукмлар айти бир вақтда чин бўлиши мумкин эмас; жуда бўлмаганида, уларнинг биттаси албатта хато бўлади.**

Ушбу қонун қуйидаги тарзда шакл топади: а нинг а эмаслиги нотўғри (биттаси иккинчисини рад қиладиган иккита фикрнинг ҳақиқий бўлиши мумкин эмас). У шундай формула: $\neg(p \wedge \neg p)$ билан ифодаланади (p ва $\neg p$ эмас нинг айти бир вақтда чинлиги хато). p деганда ҳар қандай фикр, $\neg p$ деганда эса – p фикрнинг рад қилиниши тушунилади, бутун формула олдидаги $\neg$ белгиси – $\wedge$ конъюнкция белгиси билан бирлашган иккита фикрнинг раддиясидир.

Нозидлик қонуни барча бир-бирига мос келмайдиган ҳукмларга нисбатан амал қилади.

Шуниси тушунарлики, агар ҳукмлардан бирида предметга бир белгининг мансублиги тасдиқланиб, бошқасида – ушбу предметга мазкур белгининг мансублиги рад қилинадиган бўлса (1) ва агар гап турли предметлар тўғрисида борадиган бўлса (2), унда ҳукмлар ўртасида зиддият бўлмайди.

Анъанага мувофиқ ушбу қонунни зиддият қонуни деб аташ қабул қилинган. Бироқ – нозидлик қонуни – деган номи унинг ҳақиқий маъносини аниқроқ ифодалайди.

Агар биз турли вақтларда ҳамда (ёки) ҳар хил вазиятларда кўриб чиқадиган бир предмет хусусида ниманидир тасдиқлаб, яна шунинг ўзини рад қиладиган бўлсак, унда зиддият бўлмайди.

Бизнинг фикримизни банд қилган айтиш бир предмет ҳар хил муносабатларда кўриб чиқиши мумкин. Масалан, талаба К. ҳақида унинг билимлари институтга ўқишга кирадиган шахсларга қўйиладиган талабларга жавоб берадиган бўлса, уни немис тилини яхши билар экан, деб айтиш мумкин. Бироқ таржимон бўлиб ишлаш учун бу билимлар етарли бўлмайди. Бундай ҳолда биз: “К. немис тилини яхши билмас экан”, деб айтишга ҳақлимиз. Икки ҳукмда К.нинг немис тилини билиши ҳар хил талаблар нуқтаи назаридан кўриб чиқилаптики, бинобарин, бу ҳукмлар ҳам бир-бирига зид эмас.

Нозидлик қонуни мантикий тафаккурнинг асосий хусусиятларидан бири – тафаккурнинг зид келмаслиги, изчиллиги хусусиятини ифодалайди. Уни онгли равишда қўллаш ўзининг ва ўзгаларнинг фикрларидаги зиддиятларни аниқлаш ва бартараф этишга ёрдам бериб, фикрлар ва ҳаракатлардаги ҳар қандай ноаниқлик, ноизчилликка нисбатан танқидий муносабатни юзага келтиради.

5. Учинчиси истисно қонуни ва унинг билишдаги роли

Нозидлик қонуни барча бир-бирига мос келмайдиган ҳукмларга нисбатан амал қилади. Ҳукмларнинг биттасини албатта хатодир, деб белгилайди. Иккинчи ҳукм ҳақидаги масала очиқлигича қолаверади: у чин ҳам, хато ҳам бўлиши мумкин.

Учинчиси истисно қонуни фақат бир-бирига зид келадиган (контрадиктор) ҳукмларга нисбатан амал қилади. У қуйидаги тарзда шакл топади: иккита бир-бирига зид келадиган ҳукмлар айтиш бир вақтда хато бўлиши мумкин эмас, уларнинг бири чин бўлиши зарур: а ёки b, ёхуд b эмас бўлади. Муайян фактнинг тасдиғи ёки унинг раддияси чин бўлади.

Иккита ҳукмдан бирида ҳар бир предмет ҳақида муайян кўплик тасдиқланадиган (ёки рад қилинадиган), бошқасида эса – ушбу кўпликнинг муайян қисми ҳақида раддия бериладиган (тасдиқланадиган) ҳукмлар бир-бирига зид келадиган (контрадиктор) ҳукмлар дейилади. Бундай ҳукмлар айтиш бир вақтнинг ўзида чин ҳам, хато ҳам бўлиши мумкин эмас: агар уларнинг бири чин бўлса, унда бошқаси хато бўлади ва аксинча. Масалан, агар: “Ўзбекистоннинг ҳамма фуқароларига хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқи кафолатланади» деган ҳукм чин бўлса, унда: “Ўзбекистоннинг айрим фуқароларига хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқи кафолатланмайди» деган ҳукм хатодир. Шунингдек бир предмет ҳақидаги иккита ҳукмнинг биттасида ниманидир тасдиқланиб, бошқасида худди шу нарсанинг ўзи рад этиладиган ҳукмлар ҳам бир-бирига зид келадиган бўлади. Масалан: «П.Фалсафадан имтиҳон топширди» ва «П. Фалсафадан имтиҳон топширмади». Ушбу ҳукмларнинг бири албатта чин бўлиб, бошқаси албатта хато бўлади.

Ушбу қонунни шу тарзда ёзиб қўйиш мумкин: $p \vee \neg p$.

Нозидлик қонуни сингари учинчиси истисно қонуни ҳам тафаккурнинг изчиллиги, зид келмаслигини ифодалаб, фикрларда зиддиятларга йўл қўймайди. Шу билан бирга у фақат бир-бирига зид келадиган ҳукмларга нисбатан амал қилиб, иккита бир-бирига зид келадиган ҳукмнинг нафақат айтиш бир вақтда чин бўлмаслигини (нозидлик қонуни кўрсатганидек), у билан бирга айтиш бир вақтда

хато бўлмаслигини ҳам белгилайди: агар уларнинг биттаси хато бўладиган бўлса, унда бошқаси албатта чин бўлиши керак, учинчи вариант бўлиши мумкин эмас.

Албатта, учинчиси мустасно қонуни ушбу ҳукмларнинг айнан қайси бири чин бўлишини кўрсатиши мумкин эмас. Бу масала бошқа воситалар орқали ҳал этилади. Қонуннинг аҳамияти шундан иборатки, у чин фикр қидириб топишдаги йўналишни кўрсатади: масаланинг фақат иккита ечими бўлиши мумкин ва бунда уларнинг биттаси (ва фақат биттаси) чин бўлади.

Учинчиси истисно қонуни аниқ, муайян жавобларни талаб қилиб, айтиб бир саволга айнан бир хил маънода: “ҳа” ва “йўқ” деб жавоб бериш мумкин эмаслигини, қандайдир бир нарсани тасдиқлаш билан айтиб шу нарсанинг ўзини рад қилиш ўртасида қандайдир ўртача ҳолат бўлмаслигини кўрсатади.

Ушбу қонун масаланинг қатъиян ечими талаб қилинадиган барча фаолиятда муҳим аҳамият касб этади. Ходим ишни “ёки – ёки” шакли бўйича ҳал қилиши лозим. Мазкур факт ё аниқланган, ё аниқланмаган. Режа бажарилди, режа бажарилмади. Ёки бажарилди, ёки бажарилмади. Учинчи йўли йўқ.

6. Етарли асос қонуни ва унинг билишдаги роли

Бизнинг қандайдир факт, ҳодиса, воқеа ҳақидаги фикрларимиз чин ёки хато бўлиши мумкин. Биз чин фикрни билдиришда унинг чинлигини асослаб беришимиз, яъни унинг воқеликка мослигини исботлашимиз керак. Масалан, иқтисодий якунлар ҳақида ҳисоб бераётган ходим далилларни келтириши, ўз тасдиғининг чинлигини асослаши лозим. Акс ҳолда ҳисобот асоссиз бўлади.

Етарли асос қонуни фикрнинг исботлангани, асосланганлигига доир талабни ифодалайди: **ҳар қандай фикр агар етарли асосга эга бўлса, унда у чин деб эътироф этилади.** Агар *b* мавжуд бўлса, унда унинг асоси *a* ҳам мавжуддир.

Инсоннинг шахсий тажрибаси фикрларнинг етарли асоси бўлиши мумкин. Айрим ҳукмларнинг чинлиги уларни воқеликдаги фактлар билан бевосита таққослаш йўли билан тасдиқланади. Масалан, жиноятнинг гувоҳи бўлган киши учун у ўзи гувоҳ бўлган жиноят фактининг ўзи “Н. жиноят содир этди”, деган ҳукмнинг чинлигини асослаш бўлади. Лекин шахсий тажриба чеклангандир. Шунинг учун инсон ўз фаолиятида бошқа кишиларнинг тажрибасига, масалан, у ёки бошқа ҳодиса гувоҳларининг кўрсатмаларига таянишига ҳам тўғри келади.

Илмий билимларнинг ривожланиши туфайли инсон бутун инсониятнинг қонунлар ва фан аксиомаларида, кишилиқ фаолиятининг ҳар қандай соҳасида амал қиладиган тамойиллар ва қоидаларда мустаҳкамлаб қўйилган тажрибасидан ўз фикрларини асослаш сифатида тобора кенгроқ фойдаланмоқда.

Қонунлар, аксиомаларнинг чинлиги инсоният амалиёти томонидан тасдиқланган ва шунинг учун улар яна янгидан исбот қилинишга муҳтож эмас. Қандайдир хусусий ҳолатни тасдиқлаш учун уни шахсий тажриба ёрдамида асослаб ўтиришга зарурат бўлмайди. Агар, масалан, бизга Архимед қонуни (суюқликка ботирилган ҳар бир жисм ўз вазнида ўзи сиқиб чиқарган суюқлик вазнига тенг бўлган вазнини йўқотади) маълум бўлса, унда қандайдир буюмнинг қанча вазн йўқотишини аниқлаш учун уни суюқликка солиб ўтиришга ҳеч қандай ҳожат

қолмайди. Архимед қонуни ҳар қандай хусусий ҳолатни исботлаш учун етарли асосдир.

Биз ўз қонунлари ва тамойилларида инсониятнинг ижтимоий-тарихий амалиётини мустаҳкамлаб қўядиган фан туфайли ўз фикрларимизни асослаш учун ҳар сафар ҳам уларни текширишга мажбур бўлмаймиз, балки уларни белгилаб қўйилган қоидаларга таяниш йўли билан мантиқий жиҳатдан асослаймиз.

Шундай қилиб, ҳар қандай бошқа, илгари текширилган ва белгилаб қўйилган ҳамда ушбу фикрнинг ҳақиқийлигини асослайдиган фикр қандайдир фикр учун етарли асос бўлади.

Агар a ҳукмнинг ҳақиқатлиги b ҳукмнинг ҳақиқийлиги учун асос бўладиган бўлса, унда a b учун асос бўлади, b эса – ушбу асоснинг оқибати бўлади.

Асосланганлик – мантиқий тафаккурнинг ғоят муҳим хусусиятидир. Биз ниманидир тасдиқлайдиган, бошқаларни нимагадир ишонтирадиган барча ҳолларда ўз ҳукмларимизни исботлашимиз, ўз фикрларимизнинг ҳақиқатлигини тасдиқлайдиган етарли асосларни келтиришимиз керак. Илмий тафаккурнинг ноилмий, исботланмаслиги, ҳар хил қоидалар ва ақидаларни ишонарли деб қабул қилавериши билан тавсифланадиган тафаккурдан туб фарқи ана шундан иборатдир. Бу эътиқодга таянадиган диний тафаккурга айниқса хосдир.

Етарли асослилиқ қонуни турли хил хурофот ва бидъатларга асло мос келмайди. Мазкур қонун муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. У диққат-эътиборни илгари сурилган қоидаларнинг ҳақиқатлигини асослайдиган ҳукмларга қаратиш билан чинни хатодан ажратиб олиш ва тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Етарли асос қонунининг амалиётдаги аҳамияти, жумладан, қуйидагилардан иборат. Суд ёки терговнинг ҳар қандай хулосаси асосланган бўлиши керак. Масалан, айбланувчининг айби ҳақидаги тасдиқни ўз ичига оладиган ҳар қандай ишга доир материалларда айблов учун етарли асос бўладиган маълумотлар бўлиши керак. Акс ҳолда айблов тўғри деб эътироф этилиши мумкин эмас. Ҳеч истисносиз барча ҳолларда суднинг далилланган ҳукми ёки қарорининг чиқарилиши процессуал ҳуқуқнинг ғоят муҳим тамойили бўлиб ҳисобланади.

7. Тушунча тафаккур шакли сифатида

Тушунча – бу тафаккурнинг предметларни уларнинг энг муҳим белгиларида акс эттирадиган шаклидир.

Предметларни бир-бирига ўхшаш қилиб турадиган ёки уларни бир-биридан фарқлайдиган нарса предметнинг белгиси дейилади. Предметни у ёки бошқа тарзда тавсифлайдиган, уни бошқача предмет эмас, балки айнан шу предмет сифатида кўриб чиқишга имкон берадиган жамики нарсалар инсон учун белги (яъни, предметнинг кўрсаткичи, белгиси, эътироф этиш воситаси) бўлиб хизмат қилади.

Предметнинг белгилари ғоят турли туман кўринишга эга бўлиши мумкин. Улар умумий ва ягона, муҳим ва номуҳим, зарурий ва тасодифий бўлиши ҳам мумкин. Тушунчаларга умумий, муҳим ва зарурий белгилар асос бўлади. Тушунча предметли тусга эга бўлади, яъни у одамларнинг моддий ёки маънавий

фаолиятидаги аниқ буюмлар, жараёнлар, ҳодисалар, уларнинг хусусиятлари, муҳим белгилар, алоқалари ва муносабатларини акс эттиради. Айтиб ўтиш керакки, тушунчалар нисбий мустақилликка ҳам эга бўлади. Предмет йўқ бўлиб кетиши, унинг тушунчаси эса - сақланиб, авлоддан авлодга ўтавериши мумкин. Инсон фаолиятининг ўзгариши билан янги тушунчалар пайдо бўлаверади.

Тушунчалар сўзларда, сўз бирикмаларида мустақамлангани ва ифодалангани. Тушунча билан сўзнинг бирлиги уларнинг тўлиқ мос келишини аниқлатмайди. Тушунчалар бир маъноли, сўзлар эса кўпинча кўплаб маъноларга эга бўлади. Ҳар қандай тилда омонимлар ва синонимлар амал қилади. Омонимлар – бу жаранглаши ва шакли бўйича бир-бирига мос келадиган, лекин ҳар хил маъноларни ифодаладиган сўзлардир (масалан, “от” сўзи ҳайвоннинг бир турини, исми, ҳаракатни “отиш” ва бошқаларни аниқлатади). Синонимлар – булар маъносига кўра бир-бирига яқин ёки айнан ўхшаш, лекин жаранглаши бўйича турлича сўзлардир (масалан, ватан ва диёр, ҳасталик ва касаллик, юридик фан – ҳуқуқшунослик ва бошқалар).

Турли миллий тилларда айнан бир тушунча ҳар хил сўзлар билан ифодалангани.

Тушунчалар инсоннинг олами маънавий ўзлаштиришининг энг муҳим усуллари билан бири бўлиб хизмат қилади. Улар иккита асосий функцияни бажаради.

Биринчиси – билишга доир. Тушунча предметларнинг энг умумий хусусиятларини аниқлаш натижасида ҳосил қилинади, яъни тушунча ўзининг шаклланиши жараёнидаёқ предметларнинг умумий хусусиятларини идрок этиш, демак уларнинг моҳиятини билиб олишга ёрдам беради. Тушунчалар инсоннинг предметни тушунча ҳолига етказишга доир мантикий операция ёрдамида дунёни шундан кейин ҳам билиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалан, модда тушунчаси атроф оламдаги предметларнинг умумий хусусиятларини ажратиш кўрсатиш натижасида ҳосил қилинган. Шундан кейин у янги ҳодисаларга ҳам тегишли бўлиб, улардаги инсонга маълум бўлган хусусиятларни ажратиш кўрсатишга имкон берган.

Иккинчиси – коммуникатив функция, у тушунчанинг мулоқот воситаси бўлиб ҳисобланишидан иборатдир. Одамлар ўз билимларини тушунчалар шаклида мустақамлаб, сўнгра мулоқот жараёнида бир-бири билан улар билан алмашилиши, шунингдек уларни кейинги авлодларга етказишади. Бу билан билимларнинг ижтимоий мерос қилиб қолдирилиши амалга оширилиб, авлодларнинг маънавий давомийлиги таъминланади.

8. Тушунчаларни ҳосил қилишнинг мантикий усуллари

Тушунчанинг ҳосил қилиниши – бу воқеликдаги предметларнинг гўёки оддий бир кўзгу орқали акс этирилиши эмас, балки ғоят мураккаб диалектик жараёндир. У тадқиқотчининг фаоллигини назарда тутди ва кўплаб мантикий усуллари ўз ичига олади, таҳлил ва синтез, таққослаш, мавҳумлаштириш ва умумлаштириш уларнинг энг муҳимларидир.

Белгиларнинг ажратиб кўрсатилиши предметларнинг унинг таркибий қисмлари, жиҳатлари, унсурларига фикран бўлиниши билан боғлиқдир. **Предметнинг унинг таркибий қисмларига фикран бўлиниши таҳлил дейилади.**

Предметни таҳлил ёрдамида ажратилган унсурлари, жиҳатлари, белгилари ягона бир яхлитликка бирлаштирилиши керак. Бунга таҳлилга тескари бўлган – синтез усули ёрдамида эришилади.

Синтез – бу мантикий усул бўлиб, предметнинг таҳлил воситасида қисмларга ажратилган аъзоларини фикран бирлаштириш унинг ёрдамида амалга оширилади.

Таққослаш – бу бир предметнинг бошқа предмет билан фикран қиёсланиши, у ёки бошқа жиҳатдан ўхшашлик ёки фарқланиш белгиларининг аниқланишидир.

Мавҳумлаштириш – бу предметлардаги айрим белгиларни ажратиб кўрсатиш ва бошқаларини четлатиш йўли билан уларнинг фикран соддалаштирилиши бўлиб, ушбу жараённинг натижасидир.

Умумлаштириш – бу бир хилдаги предметларнинг фикран бирлаштирилиши, уларнинг у ёки бошқа умумий белгилари негизида гуруҳлаштирилишидир. Умумлаштириш туфайли айрим предметларда аниқланган муҳим белгилар ушбу тушунча тегишли бўладиган барча предметларнинг белгилари сифатида кўриб чиқилади.


Шундай қилиб, предметлар ўртасидаги ўхшашликни (ёки тафовутни) белгилаш (**таққослаш**), ўхшаш предметларни унсурларга ажратиш (**таҳлил**), муҳим белгиларини ажратиб кўрсатиш билан ва номуҳим белгиларидан четлашиб (**мавҳумлаштириш**), муҳим белгиларини бирлаштириб (**синтез**) ва уларни жамики бир хилдаги предметларга тегишли қилиб (**умумлаштириш**), биз тафаккурнинг асосий шаклларида бири – тушунчани ҳосил қиламиз.

9. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми

Тушунча – бу тафаккурнинг энг содда шаклидир, бироқ у мураккаб тузилмага эга, яъни муайян тарзда ўзаро бир-бири билан боғланган унсурлардан иборат бўлади. Тушунчада **мазмун** ва **ҳажм** фарқланиб туради.

Предметнинг ушбу тушунчада фикрланадиган муҳим белгилари мажмуи тушунчанинг мазмуни дейилади. Масалан, “одам” тушунчасининг мазмунини қуйидагилар ташкил этади: онгга эғалиги, меҳнат қилиш (ишлаб чиқариш), ижтимоий муносабатлар шароитида шаклланиши ва бошқалар. Тушунча мазмунини чизмали равишда шундай ифодалаш мумкин: $A(BCD)...$, бунда: A – умуман ҳар қандай тушунча, $BCD...$ эса - предметларнинг унда фикрланадиган белгилари.

Тушунчада фикрланадиган предметларнинг кўпчилиги тушунчанинг ҳажми дейилади. “Одам” тушунчасининг ҳажми жами одамларни ўз ичига камраб олади, чунки улар умумий муҳим белгиларга эгадир. Тушунча ҳажми график равишда шу тарзда тасвирланади:



бунда: А – ҳар қандай тушунчадир.

Тушунча ҳажмига кирадиган предметлар **синф** ёки **кўплик** дейилади. Синф кичик синфлар ёки кичик кўпликлардан иборат бўлади. Масалан, “ҳуқуқ” тушунчаси ўз ичига қамраб оладиган ҳодисалар синфи ҳуқуқнинг тарихий шакллари сифатидаги – қулдорлик, феодал, буржуа ва шу кабиларни, унинг турли тармоқлари – меҳнат, фуқаролик, жиноят ва шу каби кичик синфларни (кичик кўпликларни ўз ичига олади).

Предметлар синфига мансуб бўлган алоҳида предмет унсур дейилади. Масалан, жиноят, фуқаролик, меҳнат ҳуқуқи “ҳуқуқ” синфининг элементлари ҳисобланади.

Универсал синф, ягона синф ва нуллик ёки бўш синф фарқланади. Тадқиқ қилинаётган соҳанинг барча унсурларидан ташкил топган синф универсал синф дейилади, масалан: Қуёш тизими сайёралари синфи, дунё шаҳарлари, академиялар ёки олий ўқув юртлари синфи.

Ягона синф – бу бир предметдан иборат бўлган синфдир: Ер сайёраси, Тошкент шаҳри ва ҳоказо.

Бўш (нуллик) синф биронта ҳам предметни ўз ичига олмайди (кентавр, абадий двигателъ, доиравий квадрат).

10. Тушунча мазмуни билан ҳажми ўртасидаги тесқари муносабат қонуни

Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўзаро бир-бири билан узвий боғланган. Тушунчанинг муайян мазмунига ўзининг муайян ҳажми мос келади ва аксинча. Уларнинг ўзаро муносабатида шундай қонуният кузатилади: тушунчанинг ҳажми камайиши билан унинг мазмуни бойийди, чунки ундаги белгилар сони кўпаяди ва, аксинча, ҳажм ошиши билан белгилар сони камаёди. Бундай қонуният **тушунчанинг ҳажми билан мазмуни ўртасидаги тесқари муносабат қонуни**, деган ном олган. Мазкур қонуниятнинг таъсири иккитасидан биттаси кичик синф ёки бошқасининг унсури бўладиган тушунчаларга тегишли бўлади ва тушунчаларни умумлаштириш ва чегаралаш каби мантиқий операциялар жараёнида намоён бўлади.

Биз “давлат” тушунчасининг мазмунини унга янги белги – “замонавий” деган белгини қўшиш йўли билан кўпайтириб, камроқ ҳажмга эга бўлган “замонавий давлат” тушунчасига ўтамыз. “Давлат ва ҳуқуқ назариясига доир дарслик” тушунчасининг мазмунини кўпайтириб, камроқ мазмунга эга бўлган “дарслик” тушунчасига ўтамыз, чунки у давлат ва ҳуқуқ дарслигини тавсифлайдиган белгиларни ўз ичига олмайди.

“Китоб” ва “бадий китоб” тушунчаларида ҳам ҳажм билан мазмун ўртасида шунга ўхшаган муносабат мавжуддир (биринчи тушунча ҳажмига кўра каттароғу,

лекин мазмуни бўйича кичикдир), бош иқтисодчи ва иқтисодчи: бунда биринчи тушунча ҳажмига кўра кичикроғу, лекин мазмунига кўра кенгрокдир.

11. Тушунчаларнинг турлари

Тушунчаларни ҳажми ва мазмунига кўра таснифлаш мумкин. Ҳажмига кўра аввало **бўш ва бўш бўлмаган** тушунчалар ажратиб кўрсатилади. **Ҳажми нулга тенг бўлган тушунчалар бўш тушунчалар дейилади.** Уларга мифологик тусга эга тушунчалар (кентаврлари, қородам), вақти келиб илмий асоссизлиги аниқланган тушунчалар (теплород, флогистон, абадий двигателъ), шунингдек реал мавжуд бўлмаган, лекин эҳтимол тутилган нарсалар ҳақидаги тушунчалар (ердан ташқаридаги цивилизация, бошқа сайёраликлар) киради. “Ўзбекистон президенти” деган тушунча ҳам яқин вақтгача шундай тушунчаларга мансуб эди.

Бўш бўлмаган тушунчалар энг камида битта реал предметни ўз ичига оладиган ҳажмга эга бўлади. Бўш бўлмаган тушунчалар **ягона** ва **умумий** тушунчаларга бўлинади.

Агар тушунчанинг ҳажми фақат битта предметдан иборат бўлса, унда у якка тушунча дейилади, масалан: Қуёш, Ер, Ўзбекистон ва ҳоказо. Предметлар мажмуида тегишли бўлган ва бундай мажмуа ягона яхлитлик сифатида фикрланадиган тушунчалар ҳам якка тушунчалар дейилади: Қуёш тизими, инсоният, БМТ ва бошқалар.

Умумий тушунчалар ўз ҳажмида предметлар гуруҳини қамраб олади, бунда улар ушбу гуруҳнинг ҳар бир унсурига тегишли бўлади (юлдуз, сайёра, давлат). Умумий тушунчалар **қайд қилинадиган** ва **қайд қилинмайдиган** бўлади.

Ўз ичига қамраб олган фикрланадиган унсурларнинг миқдори аниқ бўлган тушунчалар қайд қилинадиган тушунчалар, дейилади, масалан: “Қуёш тизими сайёралари”, “Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари”, “ТДИУнинг талабалари” тушунчалари. Қайд қилинадиган тушунчалар пировард ҳажмга эга бўлади.

Унсурларнинг ноаниқ сонига тегишли умумий тушунча қайд қилинмайдиган тушунча дейилади. Масалан, “инсон”, “файласуф, иқтисодчи”, “фармон” тушунчаларида уларда фикрланадиган унсурларнинг аниқ ҳисобга олинмайди, уларда жами одамлар, файласуфлар, иқтисодчилар, ўтмишдаги, ҳозирги ва келгусидаги фармонлар фикрланади. Қайд қилинмайдиган тушунчалар чексиз ҳажмга эга бўлиши мумкин..

Мазмунига кўра тушунчалар тўртта гуруҳга бўлинади.

- **Ижобий ва салбий**

Мазмуни предметга хос бўлган хусусиятлардан иборат бўлган тушунчалар ижобий тушунчалар дейилади. Масалан, саводли, тартиб, диндор.

Мазмуни предметда муайян хусусиятларнинг йўқлигини кўрсатадиган тушунчалар салбий тушунчалар дейилади. Масалан, саводсиз, тартибсизлик, динсиз. Ўзбек тилида бундай тушунчалар кўпинча “но” олд қўшимча, ёки “сиз” олд қўшимчалари билан ифодаланади. Чет тиллардан кириб келган сўзларда: улар салбий олд қўшимчаси – а- орқали бўлади: аноним, асимметрия..

- **Тўпланма ва умумий**

Унсурларнинг ягона яхлитликни ташкил этадиган қандайдир мажмуи белгиларига кўра фикрланадиган тушунчалар жамловчи тушунчалар дейилади, масалан, жамоа, полк, бурж. Жамловчи тушунчанинг мазмунини тушунчанинг ҳажмига кирадиган ҳар бир алоҳида унсурга тегишли қилиб бўлмайди, у унсурларнинг жами мажмуига тегишли бўлади. Масалан, жамоанинг муҳим белгиларини (умумий иш, умумий манфаатлар билан уюшган шахслар гуруҳи) жамоадаги ҳар бир алоҳида аъзога ҳам тегишли қилиб бўлмайди. Жамловчи тушунчалар умумий (жамоа, полк, бурж) ва ягона (институтимиз жамоаси, Катта Айиқ буржи) бўлиши мумкин.

Тушунчанинг ҳар бир унсурига тегишли бўлган белгилар фикрланадиган тушунчалар умумий бўлган тушунчалар дейилади (юлдуз, давлат, туман).

Муҳокама жараёнида умумий тушунчалар айирувчи ва жамловчи маънода ишлатилиши мумкин. Масалан, “Инсон фазони ўзлаштирмоқда” деган гапдаги “инсон” тушунчаси жамловчи аҳамиятга эга, чунки у алоҳида тарзда ҳар бир кишига дахлдор бўлмайди, “Киши фуқаролик ҳуқуқига эгадир” деган гапда эса “киши” тушунчаси айирувчи маънога эга, чунки у ҳар бир кишига дахлдордир.

- **Конкрет ва мавҳум тушунчалар**

Предмет ёки предметлар мажмуи қандайдир мустақил амал қиладиган нарсасифатида фикрланадиган тушунча конкрет тушунча дейилади (китоб, гувоҳ, давлат). Конкрет тушунчалар умумий ва ягона бўлиши мумкин.

Предметнинг белгиси ёки предметлар ўртасидаги муносабат фикрланадиган тушунча мавҳум тушунча дейилади (дадиллик, маъсулият, поклик, дўстлик, воситачилик). Конкрет тушунчалар умумий (воситачилик, поклик) ёки ягона (Эйнштейннинг гениаллиги) бўлиши мумкин.

- **Нисбатсиз ва нисбатдош боғланишли тушунчалар**

Алоҳида тарзда мавжуд бўлган предметларни акс эттирадиган ва уларнинг бошқа предметлар билан муносабатларидан ташқарида фикрланадиган тушунчалар нисбатсиз тушунчалар дейилади (китоб, давлат, қонун).

Бир тушунчанинг бошқа тушунчага муносабатини кўрсатадиган белгиларга эга бўлган тушунчалар нисбатдош тушунчалар дейилади (ота-оналар – болалар, бошлиқ – бўйсунувчи ходим, даъвогар – жавобгар).

Тушунчалар турларини билиш – тафаккур аниқлигини таъминлайдиган зарурий шартлардан биридир. Тушунчани ишлата билиш учун нафақат унинг мазмуни ва ҳажмини аниқ билиш, шу билан бирга унга мантикий тавсифнома бера билиш ҳам зарур. Масалан, файласуф – умумий (қайд қилинмайдиган), конкрет, ижобий, нисбатсиз тушунчадир.

12. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар

Тушунчалар ўзаро бир-бири билан муайян муносабатларда бўлинади. Мазмунига кўра тушунчалар ўртасида фақат икки турдаги муносабат: таққосланувчанлик ва таққосланмаслик бўлиши мумкин. **Мазмунига кўра бир-биридан узоқ, умумий белгиларга эга бўлмаган тушунчалар таққосланмайдиган тушунчалар дейилади** (масъулиятсизлик ва ип, романс ва ғишт). Улар ўртасида мантикий муносабатлар бўлиши мумкин эмас.


Таққосланадиган тушунчалар – бу ўз мазмунида умумий, муҳим белгиларга (улар шунга кўра таққосланади) эга бўлган тушунчалардир. Масалан, ҳуқуқ ва ахлоқ, юрист ва адвокат. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар чизмалар – Эйлер доиралари ёрдамида тасвирланади.

Таққосланадиган тушунчалар ўртасида ҳажмига кўра икки турдаги муносабатлар бўлиши мумкин: бир-бирига мослик ва бир-бирига мос келмаслик, ўзаро нисбат бериладиган тушунчаларнинг ўзи эса **бир-бирига мос келадиган ёки бир-бирига мос келмайдиган** тушунчалар, дейилади.

Бир-бирига мос келадиган тушунчалар – булар ҳажмлари бир-бирига тўлиқ ёки қисман мос келадиган тушунчалардир. Бир-бирига мос келадиган тушунчалар ўртасида қуйидагича муносабатлар шаклланади:

1 – тенг ҳажмлилик

Мазмунига кўра фарқланадиган, лекин ҳажмлари бир-бирига мос келадиган тушунчалар тенг ҳажмли ёки тенг аҳамиятли тушунчалар дейилади. Масалан, “А. Қодирий” – А ва “Ўтган кунлар” романи муаллифи” – В. Айнан ўхшаш тушунчалар ҳажмлари тўлиқ бир-бирига мос келадиган доиралар билан тасвирланади.




2- Қисман мослик

Ҳажмлари қисман бир-бирига мос келадиган тушунчалар қисман мос тушунчалар дейилади, масалан, “талаба” ва “спортчи”, “юрист” ва “ёзувчи”. Улар кесишиб ўтадиган доиралар тарзида тасвирланади. Иккита доиранинг кесишиб ўтган қисмида спортчи бўлган талабалар фикрланади. Доиранинг чап қисмида спортчи бўлмаган талабалар, ўнг қисмида эса – талаба бўлмаган спортчилар фикрланади.

А – Талаба

В – Спортчи




3–бўйсунуш

Тушунчалардан бирининг ҳажми бошқа тушунчанинг ҳажмига тўлиқ кириб борган, лекин уни истисно этмайдиган тушунчалар бўйсунуш (субординация) муносабатида бўлади. Бу тур – В ва жинс – А нинг муносабатидир (сутэмизувчи ва мушук).

А – сут эмизувчи


В – мушук



Ҳажмлари бир-бирига мос келмайдиган тушунчалар бир-бирига мос келмайдиган тушунчалар дейилади. Бир-бирига мос келмайдиган тушунчалар ўзаро қуйидагича муносабатда бўлиши мумкин.


1 – биргаликда бўйсунлиқ

Ҳажмлари бир-бирини истисно этадиган, лекин қандайдир бирмунча умумийроқ жинс билдирувчи тушунчага тегишли бўлган тушунчалар биргаликда бўйсунлиқ (мувофиқлаштириш) муносабатида бўлишади. Масалан, “арча” – В, “қайин” – С, “қарағай” – Д – “дарахт” – А тушунчаси ҳажмига тегишлидир. Улар битта умумий доиранинг ичида бир-бири билан кесишмайдиган алоҳида доиралар шаклида тасвирланади. Булар айнан битта жинснинг турларидир.




2 – қарама-қаршилиқ

Белгилари бир-бирига зид келадиган, улар ҳажмлари йиғиндиси эса жинсли тушунчани истисно этмайдиган иккита тушунча қарама-қаршилиқ (контрарлик) муносабатида бўлади (оқ бўёқ – қора бўёқ, жасурлик – қўрқоқлик).



3 – зиддият

Айни бир жинс турлари бўлган ва бунда бир тушунча айрим белгиларни кўрсатадиган, бошқаси эса бундай белгиларни бошқа ҳеч қандай белгилар билан алмаштирмасдан рад қиладиган, истисно этадиган иккита тушунча зиддиятли (контрадикторлик) муносабатида бўлади. Агар бир тушунчани А (масалан, оқ бўёқ) билан ифодалайдиган бўлсак, унда унга зид муносабатда бўладиган бошқа тушунчани А (яъни, оқ бўёқ эмас) билан ифодалаб бўлмайди. Бу ҳолда Эйлер доираси қоқ яримга бўлинади (А ва А эмас) ва улар ўртасида ҳеч қандай учинчи тушунча бўлмайди.



13. Тушунчаларни умумлаштириш ва чегаралаш

Тушунчанинг мазмуни билан ҳажми ўртасидаги тескари муносабат қонунига асосланган тушунчаларни умумлаштириш ва чегаралашга доир мантикий операциялар тафаккурда аниқликка эришиш учун катта аҳамият касб этади.

Тушунчани умумлаштириш дегани – кичик ҳажмли ва кенг мазмунли тушунчадан катта ҳажмли ва кичик мазмунли тушунчага ўтиш демакдир. Масалан, биз “шаҳар суди” тушунчасини умумлаштириш билан “суд” тушунчасини оламиз, бунда янги тушунчанинг ҳажми бошланғич тушунчаникидан кенгроқ, чунки уларнинг биринчиси иккинчисига турнинг жинсга нисбатан муносабат қилиши тарзида бўлади. Шу билан бирга янги тушунчанинг мазмуни камаяди, чунки биз унинг турга оид белгиларини истисно этдик. Тушунчани умумлаштириш кўп босқичли бўлиши мумкин, масалан, “Махмуд – талаба, ёш - инсон”. Бирок тушунчаларни умумлаштириш чексиз кечавермайди. **Категориялар – жуда кенг ҳажмли тушунчалар** умумлаштиришнинг чегараси бўлиши мумкин: материя, онг, ҳаракат, хусусият ва ҳоказо. Категориялар жинсли тушунчага эга бўлмайди.

Тушунчанинг чегараланиши уни умумлаштиришга тескари операциядир. Тушунчани чеклаш – бу катта ҳажмли ва кичик мазмунли тушунчадан кичик ҳажмли ва катта мазмунли тушунчага ўтиш демакдир. Масалан, “олим, файласуф олим, файласуф ўқитувчиси, файласуф ўқитувчиси Валиев”. Якка тушунча тушунчани чеклашнинг охириги чегараси бўлади.

Тушунчаларни умумлаштириш ва чеклашга доир мантикий операциялар тафаккур амалиётида кенг қўлланилади: бир ҳажмли тушунчадан бошқа ҳажмли тушунчага ўтиш билан биз ўз фикримиз предметини аниқлаштирамиз, ўз тафаккуримизни янада аниқроқ ва изчилроқ қиламиз.

Тушунчаларни умумлаштириш ва чеклашни қисмдан бутунга фикран ўтиш ва қисмни бутундан ажратиб олиш билан аралаштирмаслик керак. Масалан, сутка соатларга, соат минутларга, минутлар секундларга бўлинади. Ҳар бир кейинги тушунча бундан олдинги ўз навбатида жинсли тушунча тарзида ҳам кўриб чиқилмайдиган тушунчанинг тури бўлмайди. Шунинг учун “соат” тушунчасидан “сутка” тушунчасига ўтиш умумлаштириш эмас, балки қисмдан бутунга ўтиш бўлади.

14. Тушунчани таърифлаш. Таъриф - турлари

Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми унинг ғоят муҳим мантикий тавсифномалари бўлади. Лекин улар кўпинча тушунчанинг сўзлардан иборат пўстлоғи орқасида яширинган бўлади ва уларни махсус операциялар: **таъриф ва бўлиш** ёрдамида очиш зарур.

Тушунчанинг мазмунини очиб берадиган мантикий операция таъриф дейилади. Мазмунни очиб берадиган ҳукм эса дефинициядир.

Ҳар қандай таъриф ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғланган иккитаунсур: **таърифланувчи ва таърифловчи**дан иборат бўлади.

Мазмунини очиш керак бўладиган тушунча таърифланувчи (Dfd - дефиниендум); таърифланувчи тушунчанинг мазмунини очиб берувчи тушунча –

таърифловчи тушунча (Dfn - дефиниенс) дейилади. Рамзий тарзда таъриф шундай формула билан ифодаланади: $Dfd = Dfn$.

Таъриф - турлари

Таърифлар билиш жараёнида бажарадиган функцияларга кўра номинал ва реал таърифларга бўлинади.

Янги номни жорий қилишда воситачи бўладиган таъриф номинал (лотинча *nomen* – (ном) дан олинган) таъриф дейилади, у гўёки муайян предметнинг ушбу атама билан номланишига доир талабини ифодалайди. Масалан, “Юридик” атамаси ҳуқуқшуносликка тегишли, ҳуқуқий деган маънони билдиради”. Бундай таъриф самарадорлик, мақсадга мувофиқлик нуктаи назаридан тавсифланиши мумкин.

Предметнинг муҳим белгиларини очиб берадиган, қандайдир объектни баён қиладиган таъриф реал таъриф дейилади. Масалан, “товар – сотиш мақсадида ишлаб чиқарилган махсулотдир”. Реал таърифлар предметни ишончли тарзда акс эттириши керак, уларни чиннуктаи назаридан тавсифлаш мумкин.

Баъзан номинал таъриф билан реал таъриф ўртасидаги тафовутни белгилаш осон кечмайди. Тасдиқ бир жиҳатдан олганда реал бўлиб туюлади, бошқа жиҳатдан олганда эса – номинал таъриф функциясини бажаради. Қандайдир объектларни баён қиладиган реал таъриф баъзан унга нисбат бериладиган тушунчани қай тарзда ишлатиш кераклигига доир талаб тусига эга бўлади. Номинал таъриф баёнчилик тусига эга бўлиши ҳам мумкин.

Тушунчанинг мазмунини аниқлаш усулига кўра таърифлар **аниқ ва ноаниқ** таърифларга бўлинади. **Аниқ таърифлар предметнинг муҳим белгиларини очиб беради, уларда таърифланувчи билан таърифловчи ўртасидаги тенглик, эквивалентлилик муносабати ўрнатилади.**

Энг яқин жинс ва турга оид фарқи орқали таърифлаш энг кўп оммалашгандир. Масалан, “ўғирлик ўзганинг мулкани махфий равишда эгаллашдир”. “Ўғирлик” тушунчаси энг яқин жинсга оид тушунча - “ўзганинг мулкани эгаллаб олиш”, деб асосланмоқда, сўнгра ана шу жинс доирасида ўғирликнинг бошқа ўғирлик турлари: талончилик, босқинчиликдан фарқли белгиси, унинг махфий ўғирлик эканлиги аниқланади. Таърифлар ушбу турининг тузилиши қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$A = Bc,$$

бунда: A – таърифланаётган тушунча; B – жинс; c – турга оид фарқи.

Таърифларнинг ушбу тури қуйидагича хилма-хилликларга эга:

а) генетик таъриф. Унда предметнинг келиб чиқиши очиб берилади. Масалан, “Урф-одат – бу уни узоқ вақт давомида амалда қўлланиш оқибатида қарор топган феъл-атвор қоидадир”.

б) моҳиятга оид таъриф (ёки предмет сифатининг таърифи). Унда предметнинг моҳияти, унинг табиати ёки сифати очиб берилади. У барча фанларда кенг қўлланилади.

в) функционал таъриф. Унда предметнинг мақсади, роли ва функциялари очиб берилади. Масалан, “Термометр – бу ҳароратни ўлчайдиган асбобдир”.

г) тузилмавий таъриф (ёки таркибига кўра таърифлаш). Унда тизимнинг унсурлари, қандайдир жинс турлари ёки бутуннинг қисмлари очиб берилади. Масалан, “Сиёсий тизим – бу давлат ва нодавлат, партия ва партиясиз ташкилотлар ва муассасалар мажмуидир”.

Жинс ва турга доир фарқ орқали таърифлаш чеклангандир. У жинсиз категориялар ва якка тушунчаларга нисбатан қўлланилмайди, чунки улар учун турга доир фарқини кўрсатиш мумкин эмас. Категорияларни таърифлаш учун ўзаро нисбатли таърифлар ишлатилади (қарама-қаршилик орқали таърифлаш). Масалан, “Эркинлик – бу идрок этилган заруратдир”.

Якка тушунчалар учун одатда ноаниқ таърифлар қўлланилади, уларга: баёнлар, тавсифномалар, қиёслашлар, контекстуал, остенсиив (кўрсатиш ёрдамидаги) ва бошқа таърифлар киради.

15. Тушунчаларни таърифлаш қоидалари

Таърифнинг тўғрилиги тушунчанинг мантикий қоидалар орқали тартибга солинадиган тузилмасига боғлиқ бўлади.

1) Таъриф мутаносиб бўлиши керак

Таърифланаётган тушунчанинг ҳажми таърифловчининг ҳажмига тенг бўлиши, яъни улар тенг ҳажмли бўлиши керак – $A = Bc$. Масалан, “Мантиқ – тўғри фикрлаш, қонунлари ҳақидаги фандир”.

Ушбу қоида бузилганида икки турдаги хато юз бериши мумкин. Агар таърифловчи тушунча таърифланувчига нисбатан анча кенгрок ҳажмга эга бўлса, унда бу ҳаддан ортиқ кенг таъриф хатоси дейилади ($A < Bc$). Масалан, “Мантиқ фандир”.

Агар таърифловчи тушунча ўз ҳажмига кўра таърифланувчига нисбатан торроқ бўлса, унда бу ҳаддан ортиқ тор таъриф хатоси дейилади ($A > Bc$). Масалан, “Мантиқ – тушунча шакли ҳақидаги фандир”.

2) Таърифда қайтариқ бўлмаслиги керак

Агар тушунчани таърифлашда биз, ўз навбатида, биринчи тушунча ёрдамида таърифладиган бошқа тушунчани қўлламоқчи бўлсак, унда бундай таъриф ўз ичига доирани қамраб олади. Масалан, ҳуқуқнинг мавжуд ҳуқуқий тартиботни қўриқлаш вазифасини бажарадиган нормалар тизими сифатида хато таърифланиши, ҳуқуқий тартиботнинг эса, ўз навбатида, ҳуқуқ тушунчаси орқали таърифланиши.

Тавтология (грекчадаги – худди шундай сўздан олинган) – таърифловчи сўз таърифланувчини такрорлайдиган хато таъриф таърифдаги доиранинг бир туридир. Масалан, “Эҳтиётсизлик оқибатидаги жиноят – бу эҳтиётсизлик натижасидасодир этилган жиноятдир”.

3) Таъриф аниқ бўлиши керак

У таърифта муҳтож бўлмаган ва икки хил маънони англатмайдиган маълум белгиларни кўрсатиши керак. Агар тушунча белгилари маълум бўлмаган ва ўзи таърифта муҳтож бўлган бошқа тушунча орқали таърифладиган бўлса, унда бу номаълумни номаълум орқали таърифлаш ёки х ни у орқали таърифлаш, деб аталадиган хатога олиб келади. Масалан, “Индетерминизм – бу детерминизмга тескари бўлган фалсафий концепциядир”. “Индетерминизм” тушунчасини таъриф-

лашдан олдин “детерминизм” тушунчасини таърифлаш керак бўлади. Аниқлик қоидаси таърифни, гарчи предмет ҳақида тасаввур шакллантиришгага ёрдам берсада, лекин унинг муҳим белгиларини очиб бермайдиган истиоралар, қиёслашлар ва шу қабилар билан алмаштириб қўйишдан огоҳ қилади.

4) Таъриф инкор шаклида бўлмаслиги керак

Инкор шаклида предметга тегишли бўлмаган белгиларни кўрсатадию, лекин предметга мансуб бўлган белгиларни кўрсатмайди. Масалан, “Кит – балиқ эмас”, “Қиёслаш – бу далил эмас”.

16. Тушунчаларни бўлишнинг мантикий операцияси. Бўлиш турлари

Тушунча ҳажмини очиб берадиган мантикий операция бўлиш дейилади. Бўлиш ушбу тушунча тегишли бўладиган предметлар доирасини аниқлашга имкон беради, бу жинснинг турларга бўлинишидир. Жинсли-турли муносабатлар шу билан тавсифланадики, жинс ҳақида айтиш мумкин бўлган нарсани тур ҳақида ҳам айтиш мумкин бўлади. Масалан, “Конституция” тушунчасини федератив давлат Конституциясига ва унитар давлат Конституциясига бўлиш мумкин. Бу тушунчалар ҳам жинсли тушунча эга бўлган барча белгиларга эга бўлади.

Бўлишни фикран аъзоларга ажратишдан фарқлаш лозим. Аъзоларга ажратиш бутун билан қисмнинг ўзаро муносабатига тегишлидир. Масалан, Конституция “Конституция” тушунчаси белгиларига эга бўлмайдиган моддалар ва параграфларга ажратилади.

Бўлиш қуйидаги ҳолларда зарурдир.

1) Нафақат моҳиятни, шу билан бирга унинг намоён бўлиши шакллари ҳам очиб бериш зарур бўлганида;

2) Тушунчанинг қўлланилиши соҳасини тавсифлаш керак бўлганида;

3) Атама кўп маъноли бўлганида.

Бўлиш ўз тузилмасига эгадир. Унда қуйидагилар фарқланади:

Бўлинувчи – бу ҳажми уни ташкил этадиган турлар орқали очиб бериладиган жинсли тушунчадир (бизнинг мисолда – бу конституция);

Бўлиш аъзолари – жинсли тушунчанинг операция натижасида олинган турлари (федератив давлат конституцияси, унитар давлат конституцияси);

Бўлишнинг асоси – ушбу операцияни ўтказишга асос бўладиган белги (ёки белгилар) (бизнинг ҳолатда – бу давлат қурилиши тури).

Бўлишнинг икки тури: белгининг тури ўзгариши бўйича бўлиш ва дихотомик бўлиш фарқланади.

1 – бўлишга асос қилиб олинган белги турининг ўзгариши бўйича бўлиш. Масалан, жамики одамларни турли белгиларга: ирқий, ижтимоий, касбий, жинси ва ёши, ҳудудий ва бошқа белгиларга кўра гуруҳларга ажратиш мумкин. Ушбу ҳолларнинг ҳар бирида бўлиш аъзолари турлича бўлади. Бўлишнинг бу тури фанда ва амалиётда тез-тез қўлланилади. Бироқ ушбу бўлиш турининг камчилиги: бўлинадиган жинсли тушунчанинг ҳажми чексиз бўлишидадир.

2 – дихотомик бўлиш (грекча: *dicha* – икки қисмга ва *tome* – кесиш сўзларидан олинган) **бўлинадиган тушунча ҳажмини иккита бир-бирига зид тушунчаларга бўлишдан иборатдир.** Масалан: табиат жонли ва жонсиз табиатга,

кимёвий элементлар металллар ва нometалларга бўлинади ва ҳоказо. Ушбу бўлиш турининг афзаллиги шундаки, бўлинадиган тушунча ҳажми тўлиқ истисно қилинади, унинг камчилиги эса салбий тушунча соҳасининг анча ноаниқ бўлиб қолишидадир.

Баъзан аралаш бўлиш ҳам ишлатилади. Масалан, фуқаролар юридик салоҳиятли ва юридик салоҳиятсиз фуқароларга, сўнгра юридик салоҳиятли фуқаролар, ўз навбатида, тўлиқ ва қисман юридик салоҳиятли фуқароларга бўлинади.

17. Бўлиш қоидалари

Таъриф сингари бўлиш операцияси ҳам алоҳида қоидаларга бўйсунди.

1) Бўлишни фақат бир асос бўйича бажариш керак. Бундай талаб шуни англатадики, аввал-бошда асос сифатида танланган алоҳида белги ёки белгилар мажмуини бўлиш жараёнида бошқа белгилар билан алмаштирмаслик лозим. Масалан, иқлимни совуқ, мўътадил ва иссиқ иқлимга бўлиш тўғридир. Уни совуқ, мўътадил, иссиқ, денгизники ва қитъавий иқлимларга бўлиш тўғри бўлмайди: бўлиш олдиниға йилдаги ўртача ҳарорат бўйича, сўнгра эса – намлик бўйича бажарилди. Бундай хато чапаста ёки чалкаш бўлиш дейилади.

2) Бўлиш мутаносиб ёки истисно этадиган бўлиши керак, яъни бўлиш аъзолари ҳажмларининг суммаси бўлинган тушунча ҳажмига тенг бўлиши лозим. Бундай талаб бўлинадиган айрим аъзоларнинг қолдириб кетилишидан огоҳ қилади. Агар, масалан, жиноятларни ижтимоий хавфлилиқ туси ва даражасига қараб бўлишда унчалик оғир бўлмаган жиноятлар, ўртача оғирлиқдаги жиноятлар ва оғир жиноятларга бўлинса, унда мутаносиблик қоидаси бузилади, чунки бўлишнинг яна бир аъзоси – алоҳида хавфли жиноятлар кўрсатилмаган. Бундай бўлиш нотўлиқ бўлиш дейилади.

Агар бўлишнинг ортиқча аъзолари, яъни ушбу жинснинг турлари бўлмаган тушунчалар кўрсатилса ҳам мутаносиблик қоидаси бузилади. Масалан, агар “жиноий жазо” тушунчасини бўлишда барча турлардан ташқари яна жиноят қонунчилигида жазо чоралари рўйхатига кирмайдиган, лекин маъмурий жазо тури бўлган огоҳлантириш ҳам кўрсатиладики, бу ортиқча аъзолар билан бўлиш дейиладиган хато бўлади.

3) Бўлиш аъзолари бир-бирини истисно қилиши керак. Улар фақат бир-бирига мос келмайдиган, биргаликда бўйсунадиган тушунчалар бўлиши мумкин. Масалан, қуйидагича бўлишлар нотўғри бўлади: ўқувчилар аълочилар, қолоқлар ва ўзлаштирувчиларга бўлинади десак хато бўлади. чунки аълочи тушунчаси ва ўзлаштирувчи тушунчаси бир-бирини истисно этмайди; жиноятлар қасддан содир этилган, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган ва ҳарбий жиноятларга бўлинади, чунки ҳарбий жиноятлар айна бир вақтда қасддан содир этилган ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлиши ҳам мумкин.

4) Бўлиш изчил ва узлуксиз бўлиши керак. Жинсдан энг яқин турларга, сўнгра улардан – энг яқин кичик турларга ўтиш керак бўлади. Агар бундай қоида бузилса, мантикий хато – бўлишдаги сакраш келиб чиқади. Масалан, агар биз ҳуқуқни олдиниға тармоқларга – меҳнат, жиноий, фуқаролик ҳуқуқларига, сўнгра

фукаролик ҳуқуқини – мулкчилик ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, мерос ҳуқуқига бўлсак, бу тўғри, изчил ва узлуксиз бўлиш бўлади. Лекин агар меҳнат, жиноий ҳуқукдан кейин дарҳол мерос ҳуқуқини айтадиган бўлсак, бу бўлишдаги сакрашдан иборат бўлади.

18. Таснифлаш

Таснифлаш – бўлишнинг алоҳида тури бўлиб, у предметларни ҳар бир синф ўзининг доимий, муайян ўрнига эга бўлган гуруҳлар (синфлар) бўйича тақсимлашдан иборат бўлади. Таснифлаш бир қатор хусусиятларига кўра фарқланади.

Биринчидан, бу бўлиш ёки назарий ва амалий вазифани ҳал этиш учун муҳим бўлган белгилар нуқтаи назаридан амалга оширилган изчил бўлишлар тизимидир. Масалан, ишлаб чиқариш усули асосида ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг таснифланиши ўтказилган. Атом вазни негизида Менделеевнинг элементларнинг даврий тизими яратилган. Таснифлашни ўтказишда унинг мақсадини ҳисобга олиш, яъни унинг қандай вазифалар ечимига кўмаклашишини кўрсатиш муҳимдир.

Иккинчидан, таснифлашда предметларни гуруҳлар бўйича шундай тақсимлаш керакки, уларнинг таснифлашдаги ўрни бўйича хусусиятлари ҳақида ҳукм чиқариш мумкин бўлсин (масалан, кимёвий элементнинг Менделеевнинг элементларнинг даврий тизимидаги ўрни бўйича унинг хусусиятлари ҳақида ҳукм чиқариш мумкин).

Учинчидан, таснифлаш натижалари жадваллар ёки чизмалар шаклида тақдим этилади ёки, жуда бўлмаганда, тақдим этилиши мумкин.

Таснифлашларни яратишда уларнинг нисбий тусини ҳисобга олиш муҳимдир, чунки таснифлаш кўпинча воқеликнинг қўполлаштирилиши бўлиши, у ҳодисанинг ўткинчи шакллари ҳисобга олмаслиги ҳам мумкин. Бундан ташқари, воқелик ривожланади, ўзгаради ва таснифлаш эскириши мумкин.

Кўриб чиқилган илмий таснифлаш деб аталадиган таснифлашдан ташқари сунъий таснифлаш деб аталадиган таснифлаш, яъни предметларнинг номуҳим белгилари бўйича синфларга тақсимланиши ҳам қўлланилади. Масалан, фамилияларнинг алифбе тартибида тақсимланиши ана шундай таснифлаш ҳисобланади.

М А Ш Қ Л А Р

1-машқ. Якка ва умумий тушунчаларни кўрсатинг; қайси умумий тушунчалар бўлинган, қайсилари тўплама тушунча эканлигини аниқланг.

Намуналар: 1. «Тошкент давлат Иқтисодиёт унверситети» - якка тушунча.

2. «Олий ўқув юрти» - умумий (бўлинмаган) тушунча.

3. «84-гуруҳ» - якка тўплама тушунча.

1.1. Юридик шахс.

1.5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг

1.6. Фан.

Олий мажлиси.

1.7. ТДИУ талабаси.

1.3. «Халқ сўзи» газетаси.

1.8. Тошкент шахри.

1.4. Ёшлик.

1.9. Адам Смит.

- 1.10. Иқтисодчи.
- 1.11. Товар.
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг депутаты.

- 1.13. Мусобақа.
- 1.14. «Адолат» социал демократик партиясининг устави.
- 1.15. Ёзувчи Абдулла Қодирий.

2-машқ. Тушунчаларнинг конкрет ёки мавҳумлигини аниқланг.

Намуналар: 1. Талаба-конкрет тушунча. 2. Мустақиллик - мавҳум тушунча.

- 2.1. Касаллик.
- 2.2. Икки юзламачилик.
- 2.3. Партия.
- 2.4. Шахмат.
- 2.5. Лоқайдлик.
- 2.6. Юлдуз.
- 2.7. Фуқаровий бурч.
- 2.8. Демократик давлат.

- 2.9. Жиноят.
- 2.10. Ҳушёрлик.
- 2.11. Иқтисодчи.
- 2.12. Ватан.
- 2.13. Гўзаллик.
- 2.14. Гул.
- 2.15. Жасорат.

3-машқ. Ижобий ва салбий тушунчаларни ажратинг.

Намуналар: Қонуний – ижобий тушунча. Саводсиз – салбий тушунча.

- | | | |
|-----------------|----------------|------------------|
| 3.1. Ишонч. | 3.6. Назорат. | 3.11. Муносабат. |
| 3.2. Тартибсиз. | 3.7. Бетакрор. | 3.12. Чексиз. |
| 3.3. Гуманизм. | 3.8. Номаълум. | 3.13. Хунук. |
| 3.4. Касал. | 3.9. Тушунча. | 3.14. Сассиқ. |
| 3.5. Ўлик. | 3.10. Беҳабар. | 3.15. Китоб. |

4-машқ. Нисбадош ва нисбатсиз тушунчаларни аниқланг.

Намуналар: Халқ банки - нисбатсиз тушунча.

Ўқувчилар - нисбадош тушунча.

- | | | |
|--------------|--------------------------|----------------|
| 4.1. Сабаб. | 4.6. Сиёсат. | 4.11. Мусобақа |
| 4.2. Талаба. | 4.7. Тезланиш. | 4.12. Тарқоқ. |
| 4.3. Юқори. | 4.8. Билимдон. | 4.13. Юлдуз. |
| 4.4. Қизиқ. | 4.9. Муаммо. | 4.14. Харакат. |
| 4.5. Нусха. | 4.10. Иқтисодий назария. | 4.15. Қаттиқ. |

5-машқ. Қуйидаги тушунчаларга тўла мантикий тасниф беринг.


Намуналар: Иқтисодчи - умумий тушунча (бўлинмаган), конкрет, ижобий, нисбатсиз.

- | | |
|--|-------------------|
| 5.1 Олий Мажлис депутаты. | 5.9 Меҳр-оқибат. |
| 5.2 Давлат. | 5.10 Иродасизлик. |
| 5.3 Тинчлик. | 5.11 Қўрқоқлик. |
| 5.6 Адолат. | 5.12 Ўқитувчи. |
| 5.7 Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози. | 5.13 Катта. |
| 5.8 Ўғирлик. | 5.14 Кенглик. |
| | 5.15 Авторучка. |


6-машқ. Сиғишадиган тушунчалар ўртасидаги муносабат кўринишини аниқланг ва уни Эйлер айланасида ифодаланг.

Намуналар:


1. Товар (А) Сотиш учун ишлаб чиқилган маҳсулот (В) айният муносабати.



2. Талаба (А) спортчи (В)- қисман мослик муносабати.



3. Товар (А) қимматбаҳо товар (В). Бўй сунити муносабати.



6.1. Олий ўқув юрти, университет.

6.2. Иқтисодчи, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутаты.

6.3. Тошкент, Ўзбекистон пойтахти

6.4. Ўзбек ёзувчиси, «Ўткан кунлар» романининг муаллифи

6.5. Инқироз, иқтисодий инқироз.

6.6. Президент, Ўзбекистон Президенти

6.7. Мустақил Ўзбекистон Президенти, И.А Каримов.

6.8. Талаба, спортчи.

6.9. Олим, Ўзбекистон фуқароси

6.10. Мустақил давлат, Ўзбекистон.

6.11. Назария, иқтисодий назария.

6.12. Квадрат, ҳамма тарафи тенг тўрт-бурчак.

6.13. Фан, математика.

6.14. Олим, иқтисодчи

6.15. Китоб, бадиий китоб.

7-машқ. Қуйидаги тушунчаларга тенг (айний) тушунчалар топинг.

Намуна: Қиш - йилнинг энг совуқ фасли.

7.1. Конституция.

7.2. Иқтисодиёт назарияси фанининг асосчиси.

7.3. Биринчи космонавт

7.4. Қўл

7.5. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси

7.6. Ўқув юрти

7.7. Драма

7.8. Ислон дини

7.9. Сурхондарё

7.10. Квадрат

7.11. Астрономия.

7.12. Ҳашар.

7.13. Кўпқари.

7.14. Ой.

7.15. Фалсафа.

8-машқ. Қуйидаги тушунчаларни умумлаштиринг.

Намуна: Газета-даврий нашр.

8.1. ТДИУ талабаси.

8.2. Қиш.

8.3. Дарслик.

8.4. Футбол.

8.5. Электрон.

8.6. Тирик табиат.

8.7. Ректор.

8.8. Республика.

8.9. Фуқаро.
8.10. Иқтисодиёт фани.
8.11. Виждон.
8.12. Референдум.

8.13. Кўйлак.
8.14. Мушук.
8.15. Фалсафа кафедраси
ўқитувчиси.

9-машқ. Қуйидаги тушунчаларни чегараланг:

Намуна: Даврий нашр- газета

9.1. Хуқуқ. 9.2. Фан. 9.3. Тафаккур шакли. 9.4. Терроризм. 9.5. Дарслик 9.6. Партия
9.10. Қонун. 9.11. Инқироз. 9.12. Тараққиёт. 9.13. Жамият. 9.14. Дин. 9.15. Инсон.

10-машқ. Таърифлашнинг тури таърифланувчи ва таърифловчи тушунчаларни, уларда жинс тушунчаси ва тур белгиларини кўрсатинг.

Намуна: Мантиқ (А) - инсон тафаккурининг шакллари ва тўғри фикрлаш қонунлари (с) ҳақидаги фандир (В). Жинс тушунчаси ва тур белгилари орқали таъриф ($A=BC$).

- 10.1. Учбурчак уч тўғри чизик билан чегараланган геометрик текис шаклдир.
10.2. Акция – акционерлик жамиятига маълум сумма қўшганлигини тасдиқлайдиган ва дивидент кўринишида даромаднинг бир қисмини олишга ҳуқуқ берадиган қимматли қоғоз.
10.3. Метафора – кўчма маънода ишлатиладиган сўз.
10.4. Талончилик – давлат, жамоат ва фуқароларнинг шахсий бойлигини ошқора ўғирлаб олиш.
10.5. Жамғарма фонди – ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари учун фойдаланиладиган миллий даромаднинг бир қисмидир.
10.6. Меҳнат – кишиларнинг онгли, мақсадга мувофиқ фаолиятидир.
10.7. Стандартлаштириш – маълум соҳадаги фаолиятни тартибга солиш мақсадига маълум талаб, қоида ва нормаларининг белгиланишидир.
10.8. Иш вақти – ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши учун қонун асосида белгиланган вақтдир.
10.9. Шахсий мулк – индивидуал ёки оилавий эҳтиёжларни қондириш учун шахсий истеъмол предметларига эгалик муносабатида.
10.10. Ихтирочилик – конкрет техник вазифаларни ҳал қилувчи ижод жараён.

11-машқ. Қуйидаги таърифларнинг тўғрилигини аниқланг. Нотўғри таърифларнинг хатосини кўрсатинг.

Намуна: Талаба – ўқувчидир. Нотўғри таъриф. Кенг таъриф ($A < BC$)

- 11.1. Ўғирлик – жамоат мулкини атайлаб ўғирлашдир.
11.2. Миллат – кишиларнинг барқарор тарихий бирлигидир.
11.3. Туя – сахро кемасидир.
11.4. Кибернетика – санъат эмас.
11.5. Айтилган сўз – отилган ўқ.
11.6. Ҳаво – кислороддир.
11.7. Атом – энг майда заррачадир.
11.8. Шер – хайвонлар шохидир.

- 11.9. Имтихон – талаба билими мезонидир.
- 11.10. Мактаб – таълим олиш шаклидир.
- 11.11. Тушунча – буюм ҳақида фикр.
- 11.12. Кун – туннинг йўқлигидир.
- 11.13. Болалар – ҳаёт гули.
- 11.14. Ўсимлик – тирик мавжудотдир.

12-машқ. Тушунчаларни бўлишнинг тўғрилигини текширинг. Нотўғри бўлишларда қайси қоида бузилганлигини аниқланг.

Намуна: Меҳнат шартномаси: а) ноъмалум муддатга; б) 3 йилдан кўп бўлмаган маълум муддатга тузилади. Бўлиш нотўғри: бўлимнинг тенг ҳажмлилиги қоидаси бузилган. (маълум ишни бажариш вақтига ҳам меҳнат шартномаси тузиш мумкин)

- 12.1. Фанлар техник ва гуманитар фанларга бўлинади.
- 12.2. Жиноятлар онгли равишда, эҳтиётсиз ва хўжалик жиноятларига бўлинади.
- 12.3. Келишувлар икки томонлама, кўп томонлама ва шартнома асосида бўлиши мумкин.
- 12.4. Тиллар табиий, сунъий ва халқ тилларига бўлинади.
- 12.5. Товарнинг асосий хусусияти истеъмол қиймати ва нархидир.
- 12.6. Магазинда сут ва озиқ-овқат моллари сотилади.
- 12.7. Кинога 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар қўйилмайди.
- 12.8. Инқироз иқтисодий ва сиёсий инқирозга бўлинади.
- 12.9. Ўзбекистон Конституцияси фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди.
- 12.10. Давлат мустақил ёки нодемократик бўлиши мумкин.
- 12.11. Шахматчилар гроссмейстерларга ва чемпионларга бўлинади.
- 12.12. Ҳайвонлар гўштхўр ва уй ҳайвонларига бўлинади.
- 12.13. Онг ижтимоий, фалсафий, мифологик онгга бўлинади.
- 12.14. Кишилар эркак, бола ва миллатларга бўлинади.
- 12.15. Нутқ оғзаки, ёзма ва чалкаш бўлиши мумкин.

13-машқ. Ҳукмда ажратиб кўрсатилган сўзлар қавс ичидаги сўзлар билан алмаштирилса, ҳукм айнийлигини сақлаб қоладими?

- 13.1. Давлат жамият – синфларга бўлиниши натижасида вужудга келган (мамлакат).
- 13.2. Масалани муҳокама қилишда турли нукта назари намоён бўлди (қарашлар, фикрлар).
- 13.3. Товарнинг қиймати ошган сари нархи ҳам ошиб боради (баҳоси).
- 13.4. Талаба ўқув йили давомида ташаббускорлик кўрсатди (фаоллик).
- 13.5. Эр-хотинларнинг никоҳгача бўлган бойлиги унинг ўзиники бўлиб қолади (мулки).

14-машқ. Нозидлик қонунига асосланиб, қуйидаги жуфт ҳукмларнинг бир вақтда чин бўлиши мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқланг.

- 14.1. Бу гуруҳнинг барча талабалари мантиқ фанидан семинарга тайёрландилар. Бу гуруҳнинг ҳеч бир талабаси мантиқ фанидан семинарга тайёрланмади.
- 14.2. 1-гуруҳнинг барча талабалари тантанада иштирок этдилар.
- 1-гуруҳнинг айрим талабалари тантанада иштирок этмадилар.
- 14.3. Айрим миллий давлатлар бошқарувнинг монархик шаклини қабул қилдилар. Айрим миллий давлатлар бошқарувнинг монархик шаклини қабул қилмадилар.
- 14.4. Давлат ҳокимиятининг айрим органлари қонун чиқариш ҳуқуқига эгадир. Давлат ҳокимиятининг айрим органлари буйруқлар ва кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эгадир.
- 14.5. Ҳар қандай фикрлар ҳам исбот бўлавермайди. Айрим фикрлар исбот бўла олади.

15-машқ. Учинчиси истисно қонуни талаблари бузилган муҳокамани кўрсатинг.

- 15.1. Муҳаммад фалсафа фанини ўрганмоқда, чунки у талаба, барча талабалар эса фалсафани ўрганадилар.
- 15.2. Барча талабалар мантиқ фанини ўрганадилар. Сувонов мантиқ фанини ўрганмоқда, демак, у – талаба.
- 15.3. Ўнг кўзинг қичиса – қувонасан, чап кўзинг қичиса – йиғлайсан.
- 15.4. Талаба Н.га имтихон баҳосини қўйиш керак, чунки у мусобақага кетади.
- 15.5. Мени ишга қабул қилишингизни сўрайман, чунки дипломим бор.

16-машқ. Қуйидаги мулоҳазаларда мантиқнинг қайси қонунлари бузилган?

- 16.1. Ниманики йўқотмаган бўлсанг, у сенда бор. Сен шохингни йўқотмагансан. Демак, сенинг шохинг бор.
- 16.2. Ўқитувчи: “Бегона дафтардан кўчираётганингни бошқа кўрмайман, деб умид қиламан”.
- Ўқувчи: “Мен ҳам умид қиламан”.
- 16.3. “Мени Н.Н. билан ўзим иштирок этмаган ҳолда никоҳнинг бекор қилишингизни руҳсат беришингизни сўрайман, лекин мен розилик бермайман” (Халқ судига берилган ариза).

19. Ҳукм: унинг моҳияти ва билишдаги роли

Ҳукм – бу предметлар ўртасида қандайдир алоқалар ва муносабатлар мавжудлиги ёки йўқлигини очиб беришда асос бўладиган фикр шаклидир.

Ҳукмнинг фарқловчи белгиси – нимадир ҳақидаги қандайдир нарсани тасдиқлаш ёки рад қилишдир. Ҳукм чин ёки хато бўлиши мумкин. Ҳукмнинг чинлиги унинг воқеликка мувофиқлиги билан белгиланиб, у бизнинг унга нисбатан муносабатимизга боғлиқ бўлмайди ва объектив характерга эга бўлади. Оддий ҳаётий вазиятлар ҳақидаги ҳукмларнинг ҳақиқийлиги шубҳасиз бўлиб, махсус тадқиқотни талаб қилмайди. Фанда қандайдир ҳукмни тасдиқлаш ёки инкор этиш учун кўп йиллик қизғин меҳнат талаб қилинган. Бу турли амалиёт соҳаларига ҳам тегишлидир.

Барча илмий ҳақиқатлар ҳукмлар шаклида ифодаланади. Улар шунингдек одамлар ўртасидаги маънавий мулоқот, ўзаро ахборотлар билан алмашилишнинг универсал шакли бўлиб ҳам хизмат қилади. Одатда юридик қонунлар ва жамиятда одамларнинг феъл-атворини тартибга солиб турадиган бошқа норматив ҳужжатлар моддалари ҳукм шаклини қабул қилади.

Ҳар қандай ҳукм гапда ифодаланади, лекин ҳар қандай гап ҳам ҳукм бўлавермайди. Чин ёки хато сифатида тавсифланадиган қандайдир ахборотни билдирадиган гап, яъни фақат дарак гап ҳукм бўлиши мумкин.

Айни бир ҳукмнинг ўзи турлича гапларда ифодаланиши мумкин. Масалан, “Аристотель мантиқ фанининг асосчисидир” ва “Александр Македонскийнинг тарбиячиси мантиқ фанининг асосчисидир”.

Ўз навбатида, айни бир гап турлича ҳукмларни ифодалаш мумкин. Масалан, “Аристотель мантиқ фанининг асосчисидир”, деган гап қуйидагича ҳукмларни ифодалаш мумкин: “Аристотель (бошқа ҳеч ким эмас) мантиқ фанининг асосчисидир”; “Аристотель мантиқ фанининг асосчисидир (давомчиси эмас)”; “Аристотель мантиқ (физика ёки математика эмас) фанининг асосчисидир”.

Ҳукмнинг тузилиши турли тилларда ҳам бир хилда бўлади, гапларнинг тузилиши эса турлича бўлади.

20. Ҳукмларнинг мантиқий тузилиши

Ҳукмда қуйидаги унсурларни ажратиб кўрсатиш мумкин: субъект, предикат, боғловчи ва квантор.

Ҳукм предмети ҳақидаги тушунча, биз ҳукм чиқараётган нарса ҳукм субъекти ҳисобланади; у бошланғич билимга эга бўлади. Субъект S ҳарфи билан ифодаланади.

Ҳукм белгиси ҳақидаги тушунча, ҳукм предмети ҳақида гапириладиган нарса ҳукм предикати дейилади. Предикат предмет ҳақидаги янги билимни ўз ичига олади ва P ҳарфи билан ифодаланади. Субъект ва предикат **ҳукм атамалари** дейилади.

Боғловчи субъект билан предикат ўртасидаги муносабатни ифодалайди. **Боғловчи ҳукм атамаларини ягона яхлитликка бирлаштириб, белгининг предметга мансублиги ёки мансуб эмаслигини белгилайди.** Боғловчи бир сўз

(бор, моҳият, ҳисобланади) ёки сўзлар гуруҳи ёки тире ёхуд хусусиятларнинг оддий келишуви (“Ит хуради”, “Ёмғир ёғади”) билан ифодаланиши мумкин.

Квантор (“ҳаммаси”, “биттаси ҳам эмас”, “айримлари”) **ҳукмни унинг сони томонидан тавсифлайди, ҳукмнинг субъектни ифодалайдиган тушунчанинг бутун ҳажмига ёки унинг бир қисмига муносабатини кўрсатади.**

Гапнинг мантикий маъносини аниқлаш учун ундаги субъект ва предикатни топиш керак. Оддий ҳолларда улар эга ва кесимга тўғри келади. Мураккаб гапларда субъект эгалар гуруҳи, предикат эса – кесимлар гуруҳи орқали ифодаланиши мумкин. Масалан, “Жиноятдан фойда кўрган ҳар қандай шахс унинг содир қилинишида айбдордир” деган гапда эгалар гуруҳи: “Жиноятдан фойда кўрган ҳар қандай шахс” субъект бўлади, чунки бу – бошланғич ахборотдир, кесимлар гуруҳи: “унинг содир қилинишида айбдордир” – предикат бўлади, чунки бу янги ахборотдир.

Лекин субъектнинг эга билан, предикатнинг кесим билан мувофиқ келиши ҳар доим ҳам кузатилавермайди. “Шолохов буюк рус ёзувчиси ҳисобланади” деган гапда: “буюк рус ёзувчиси ҳисобланади” – субъект, “Шолохов” эса – предикатдир. Субъект ва предикат гапнинг бошқа аъзолари билан ҳам ифодаланиши мумкин.

Гапдаги субъект ва предикатни аниқлашнинг бир қатор усуллари мавжуд. Биринчидан, гапда эга бўлиб ҳисобланадиган ҳукм субъектини махсус ажратиб кўрсатиш мумкин. Масалан, “Адвокат Петров сўзга чиқадиган жой – бу суддир”. Ушбу гапда субъект эга ҳисобланади, бу кириш гап билан таъкидланади. Иккинчидан, гапдаги сўзлар тартиби шундай қоидага бўйсунити керак: ҳукмдаги жамики маълум нарсалар субъект томонига гапнинг бошига силжийди, предикат эса янгиликни элтувчи сифатида гап охирида қўйилади. Учинчидан, мантикий урғудан ҳам фойдаланиш мумкин. Оғзаки нутқда у товушнинг кучайиши билан, ёзма ишда эса – тагини чизиш билан ифодаланади. Ва, ниҳоят, алоҳида мушкул ҳолларда ёрдамга келадиган контекстни ҳам ҳисобга олиш муҳимдир.

21. Оддий ҳукмлар турлари

Бошқа ҳукмларни ўз ичига олмайдиган ҳукм оддий ҳукм дейилади. Улар объектив оламдаги битта-ягона алоқанинг ўз мазмунига кўра қандайлигидан қатъи назар шу алоқанинг акси бўлади. Масалан, “Бу – одам”; “Атиргулнинг хушбўй ҳиди бор” ва ҳоказо.

Оддий ҳукмлар ўз кўринишларига кўра хилма-хилдир. Улар мантикий белгилар бўйича турларга бўлинади: субъект ва предикат боғловчи кўриниши (сифати ва сони), субъект билан предикат ўртасидаги муносабат.

Субъект билан предикат ўртасидаги муносабат белгисига кўра ҳукмлар қуйидагиларга бўлинади:

а) атрибутив (лотинча: “хусусият”, “белги”дан) – предмет белгиси ҳақидаги ҳукмлар. Уларда предмет билан унинг белгиси ўртасидаги алоқа акс этади, бундай алоқа тасдиқланади ёки инкор қилинади. Атрибутив ҳукмлар шунингдек қатъий ҳукмлар, яъни аниқ, шубҳасиз ҳукмлар, деб ҳам аталади. Атрибутив ҳукмнинг мантикий чизмаси: S – P, бунда: S – ҳукм субъекти, P - предикат, “-“ – боғловчи. Масалан, “Адвокат айбланувчи билан учрашди”.

Қатъий ҳукмлар сифати ва сони бўйича бўлинади.

Сифатига кўра тасдиқ ваинкор ҳукмлар фарқланади. **Тасдиқловчи ҳукм предметга қандайдир хусусиятнинг хослигини, инкорҳукм эса – қандайдир хусусиятнинг йўқлигини ифодалайди, улар боғловчи сифатига кўра фарқланади.** Инкор предикатли, лекин тасдиқловчи боғловчи ҳукм тасдиқловчи ҳукм сифатида кўриб чиқилади, масалан, “суднинг ушбу қарори асоссиздир”.

Сонига кўра якка, хусусий ва умумий ҳукмлар фарқланади. Микдорий тавсифнома умумийлик квантори билан ифодаланади. **Бир предмет ҳақидаги қандайдир нарса тасдиқланадиган ёки рад қилинадиган ҳукм якка ҳукм дейилади.** Масалан, “Бу бино – меъморчилик ёдгорлиги”.

Айрим синфдаги предметларнинг бир қисми ҳақидаги қандайдир нарса: айрим, кўпгина, унчалик кўп бўлмаган, кўпчилик, камчилик, бир қисми сўзлари ёрдамида тасдиқланадиган ёки рад қилинадиган ҳукм хусусий ҳукм дейилади. Масалан, “Жиноятларнинг бир қисми иқтисодий жиноятларга тегишлидир”.

Айрим синфдаги барча предметлар ҳақидаги қандайдир нарса: ҳаммаси, ҳеч ким, ҳар қандай, ҳар бир сўзлари ёрдамида тасдиқланадиган ёки рад қилинадиган ҳукм умумий ҳукм дейилади. Масалан, “Ҳамма гувоҳлар кўрсатмалар беришди”, “Мажлисга ҳеч ким келмади”. Баъзан квантор кўрсатилмайди ва шунда у маънога кўра белгиланади, масалан, “Лоқайдлик таҳқирлайди”;

б) предметлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида (муносабат ҳукм деб аталадиган). Булар тенглик, тенгсизлик, маконга оид, замонга оид, сабабли-оқибатли ва бошқача муносабатлар бўлиши мумкин. Масалан: “А В га тенг”, “Қозон Москвадан шарқ томонда”, “Семен Сергейнинг отаси” ва ҳоказо. Муносабатли ҳукмларнинг қуйидагича рамзий ёзуви қабул қилинган: xRy , бунда: x ва y – муносабат аъзолари, улар предметлар ҳақидаги тушунчаларни ифодалайди; R – улар ўртасидаги муносабат. Ёзув шундай ўқилади: x R га нисбатан y га томон жойлашган. Инкор ҳукм ёзуви: $\neg(xRy)$ (x нинг R га нисбатан y га томон жойлашганлиги тўғри эмас).

в) **ҳукм предметининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги фактини ифодаладиган ҳукмлар мавжудлик ҳукми дейилади.** Масалан, “Статистик қонунлар мавжуддир”. Предметнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги тушунчалар ушбу ҳукмларнинг предикатлари бўлади.

22. Оддий ҳукмларнинг бирлашган таснифи

Атрибутив ҳукмлар микдорий ва сифатга оид тавсифномаларни бирлаштириб, тўрт гуруҳга бўлинади: умумий тасдиқ, умумий инкор жузъий тасдиқ ва жузъий инкор ҳукмлари.

Умумий тасдиқ ҳукм – бу сонига кўра умумий ва сифатига кўра тасдиқ ҳукмдир. Масалан, “Ҳар бир Ўзбекистон фуқароси мулкдор бўлишга ҳақлидир”. Бундай ҳукмнинг чизмаси – “**Ҳамма S R дир.**”, бунда “ҳаммаси” деган квантор сўзи ҳукмнинг сонини, “R дир” боғловчиси – унинг сифатини тавсифлайди.

Умумий инкор ҳукми – бу сони бўйича умумий ва сифати бўйича инкор ҳукмдир. Масалан, “Айби бўлмаган ҳеч бир шахс жиноий жавобгарликка

тортилмаслиги керак”. Бундай ҳукмнинг чизмаси – **“Ҳеч бир S P эмас”**. “Ҳеч бир” деган квантор сўзи ҳукмнинг сонини, “бўлмади” деган инкор боғловчи унинг сифатини тавсифлайди.

Жузъий тасдиқловчи ҳукми – бу сони бўйича жузъий ва сифати бўйича тасдиқ ҳукмидир. Масалан, “Суднинг айрим ҳукмлари айблов ҳукмлари бўлади”. Бундай ҳукмнинг чизмаси – **“Айрим S P дир”**. “Айрим” деган квантор сўзи ҳукмнинг сонини, “-дир” деган кўшимча билан ифодаланган тасдиқловчи боғловчи – унинг сифатини кўрсатади.

Жузъий инкор ҳукми - бу сони бўйича жузъий ва сифати бўйича инкор ҳукмидир. Масалан, “Суднинг айрим ҳукмлари айблов ҳукмлари бўлмади”. Бундай ҳукмнинг чизмаси – **“Айрим S P эмас”**. “Айрим” деган квантор сўзи ҳукмнинг сонини, “эмас” деган инкор боғловчи – унинг сифатини кўрсатади.

Мантиқда ҳукмларни уларнинг бирлашган таснифи бўйича қисқача ифодалаш қабул қилинган: А – умумий тасдиқ ҳукмлар; I – жузъий тасдиқ ҳукмлар; Е – умумий инкор ҳукмлар; О – жузъий инкор ҳукмлар.

Предикатлар мантиғи тилида кўриб чиқилган ҳукмлар қуйидаги тарзда ёзилади:

- А – (Ҳамма S P дир);
- Е – (ҳеч бир S P эмас);
- I – (айрим S P дир);
- О – (айрим S P эмас).


23. Ажратувчи ва истисно этувчи ҳукмлар

Ҳукмлар таснифида ажратувчи ва истисно этувчи ҳукмлар алоҳида ўрин тутади.


Ажратувчи ҳукмлар предикат ифодалайдиган белгининг фақат ушбу предметга тегишли бўлиб, бошқа ҳеч бир предметга тегишли бўлмаслиги фактини акс эттиради.

Ажратувчи ҳукмлар якка, хусусий ва умумий бўлиши мумкин. Масалан, “Фақат Зафар ҳодисанинг гувоҳидир” – якка ажратувчи ҳукмдир). У Зафарнинг ҳодисанинг ягона гувоҳи эканлиги ҳақидаги билимни ифодалайди. Ушбу ҳукмнинг субъекти ва предикати бир хилдаги ҳажмга эга бўлади.


S ва фақат S P дир



“Айрим шаҳарлар – давлатлар пойтахтларидир” – бу жузъий ажратувчи ҳукмга мисол бўлади (**айрим S ва фақат S P дир**). Фақат шаҳарлар ва бунда уларнинг фақат бир қисми давлатлар пойтахтлари бўлиши мумкин. Жузъий ажратувчи ҳукмнинг предикати субъект ҳажмига киради.



“Барча фуқаролар ва фақат улар маъсулиятларини ҳис этишлари керак” – бу умумий ажратувчи ҳукмга мисол бўлади (**барча S ва фақат S P дир**). Умумий ажратувчи ҳукм субъекти ва предикатининг ҳажмлари бир-бирига тўлиқ мос тушади.



Ажратувчи ҳукмларни ифодаладиган гаплар таркибига кирадиган “фақат”, “астиги” сўзлари субъект ва предикат олдида келиши мумкин (масалан, “Жиноий жазо фақат суд ҳукмига кўра қўлланилади”). Лекин улар умуман бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда ушбу ҳукмнинг ажратувчи ҳукм эканлигини аниқлаш учун мантикий таҳлил ёрдам беради.

Белгининг предметларнинг бир қисмидан ташқари ҳамма предметларга мансублигини (ёки мансуб эмаслигини) акс эттирадиган ҳукм инкор этувчи ҳукм дейилади. Масалан, “Бизнинг гуруҳдаги Бўриевдан ташқари барча талабалар имтиҳонларни топширди”. Инкор этувчи ҳукм “ташқари”, “мустасно”, “ундан ташқари”, “ҳисобга олмаганда” ва бошқа сўзлар қўшилган гаплар билан ифодаланади (**S’ дан ташқари барча S лар ва P дир**).

Ажратувчи ва инкор этувчи ҳукмларнинг аҳамияти шундан иборатки, ушбу ҳукмлар шаклида ифодаланган қоидалар аниқлиги билан тавсифланади, бу уларнинг бир хилда тушунилмаслигини истисно этади.

24. Ҳукмларда атамаларнинг тақсимланиши


Ҳукмларга эга мантикий операцияларда унинг атамалари – субъект ва предикатнинг тақсимланган ёки тақсимланмаганлигини белгилаш зарурати вужудга келади. **Агар атама тўлиқ ҳажмда олинган бўлса, унда у бўлинган, деб ҳисобланади. Агар атама ҳажмининг бир қисми олинган бўлса, унда у бўлинмаган, деб ҳисобланади.**

A, E, I, O ҳукмларда атамаларнинг қандай тақсимланганлигини кўриб чиқамиз.


A (**ҳамма S P дир**) ҳукми. “Бизнинг гуруҳдаги ҳамма талабалар (S) имтиҳонларни топширишди (P)”. Ушбу ҳукмнинг субъекти (“бизнинг гуруҳдаги ҳамма талабалар”) бўлинган, чунки у тўлиқ ҳажмда олинган: гап бизнинг гуруҳдаги

ҳамма талабалар ҳақида бораяпти. Ушбу ҳукмнинг предикати бўлинмаган, чунки унда фақат бизнинг гуруҳдаги имтиҳонларни топширган талабаларга мос келадиган шахсларнинг бир қисми фикрланади.


Ҳукмда атамаларнинг тақсимланганлигини доиравий чизмалар ёрдамида тасвирлаш қабул қилинган.



Шундай қилиб, умумий тасдиқловчи ҳукмларда S бўлинган, P эса бўлинмаган. Бироқ субъекти ва предикати бир хилдаги ҳажмга эга бўлган умумий тасдиқловчи ҳукмларда нафақат субъект, шу билан бирга предикат ҳам бўлингандир. Масалан: “Одам – онгли мавжудотдир” ҳукмида S ҳам P ҳам бир хил ҳажмга эга, тўлиқ ҳажмда олинган. Умумий ажратувчи ҳукмлар, шунингдек мутаносиблик қоида­сига бўйсунадиган таърифлар ҳам шундай ҳукмларга киради.




Е (ҳеч бир S P эмас) ҳукми. “Бизнинг гуруҳдаги ҳеч бир талаба (S) ўзлаштирмовчи бўлиб ҳисобланмайди (P)”. Субъект ҳам, предикат ҳам тўлиқ ҳажмда олинган. Бир атаманинг ҳажми бошқа атаманинг ҳажмидан тўлалигича истисно этилади: бизнинг гуруҳдаги ҳеч бир талаба ўзлаштирмовчилар қаторига кирмайди ва ҳеч бир ўзлаштирмовчи бизнинг гуруҳ талабаси бўлиб ҳисобланмайди. Бинобарин, умумий инкор этувчи ҳукмларда S ҳам, P ҳам бўлинган.




І (баъзи S P дир) ҳукми. “Бизнинг гуруҳдаги айрим талабалар (S) - аълочилардир (P)”. Ушбу ҳукм субъекти бўлинмаган, чунки унда бизнинг гуруҳдаги талабаларнинг фақат бир қисми фикрланади, субъект ҳажми фақат қисман предикат ҳажмига киради: бизнинг гуруҳдаги фақат айрим талабалар аълочилар қаторига киради. Лекин предикат ҳажми ҳам субъект ҳажмига фақат қисман киради: ҳаммаси эмас, фақат айрим аълочилар - бизнинг гуруҳ талабаларидир.


Бинобарин, умумий тасдиқловчи ҳукмда S ҳам, P ҳам бўлинмаган.



Предикати субъект ҳажмига тўлиқ кирадиган жузъий ажратувчи ҳукмлар ушбу қоидадан мустаснодир. Масалан, “Айрим ота-оналар ва фақат улар (**S**) кўп болали ота-оналардир (**P**)”. Бу ерда “кўп болали” тушунчаси тўлалигича “ота-оналар” тушунчаси ҳажмига киради. Бундай ҳукмнинг субъекти бўлинмаган, предикати эса бўлинган.



О ҳукми (**айрим S P эмас**). “Бизнинг гуруҳдаги айрим талабалар (**S**) – аълочилар эмас (**P**)”. Ушбу ҳукмнинг субъекти бўлинмаган (бизнинг гуруҳ талабаларининг фақат бир қисми фикрланади), предикат бўлинган, унда субъектдаги бизнинг гуруҳ талабаларининг фикрланадиган қисмига биттаси ҳам қирмайдиган жами аълочилар фикрланади. Бинобарин, жузъий инкор этувчи ҳукмда S бўлинмаган, P эса бўлинган.



Атамаларнинг тақсимланганлиги чизмасини келтирамиз:

Умумий тасдиқ ҳукмда - S бўлинган, P эса бўлинмаган.

Умумий инкор ҳукмда - S бўлинган ва P ҳам бўлинган.

Жузъий тасдиқ ҳукмда - S бўлинмаган ва P ҳам бўлинмаган.

Жузъий инкор ҳукмда - S бўлинмаган, P эса бўлинган.

25. Мураккаб ҳукмлар

Бир неча оддий, мантиқий боғловчилар билан боғланган ҳукмлардан иборат ҳукм мураккаб ҳукм дейилади. Мураккаб ҳукмларнинг қуйидаги турлари фарқланади: 1) бирлаштирувчи, 2) ажратувчи, 3) шартли, 4) эквивалент. Ушбу мураккаб ҳукмларнинг чинлиги уларни ташкил этадиган оддий ҳукмларнинг чинлиги билан белгиланади.

Бирлаштирувчи (конъюнктив) ҳукмлар

Бир неча оддий “ва” мантиқий боғловчиси билан боғланган ҳукмлардан иборат ҳукм бирлаштирувчи ёки конъюнктив ҳукм дейилади. Масалан,

“Ўғирлик ва товламачилик қасддан қилинган жиноятларга киради” деган ҳукм иккита оддий ҳукмлар: “Ўғирлик қасддан қилинган жиноятларга киради”, “Товламачилик қасддан қилинган жиноятларга киради” деган ҳукмлардан ташкил топган бириктирувчи ҳукмдир. Агар уларнинг биринчисини p билан, иккинчисини - q билан ифодаласак, унда бириктирувчи ҳукмни рамзий тарзда $p \wedge q$ сифатида ифодалаш мумкин, бунда: p ва q - конъюнкция аъзолари (ёки конъюнктлар), $\wedge$ эса - конъюнкция рамзидир.

Табиий тилда конъюнктив боғловчи “эса”, “лекин”, “шунингдек”, “каби”, “гарчи”, “бироқ”, “-га қарамасдан” каби ва бошқа ифодалар билан ҳам тақдим қилиниши мумкин. Масалан, “Суд томонидан қопланиши лозим бўлган зарар миқдорлари белгиланишида нафақат етказилган зарарлар (p), шу билан бирга зарарларнинг етказилишида мавжуд бўлган аниқ вазият (q), шунингдек ходимнинг моддий аҳволи (r) ҳам ҳисобга олиниши керак”. Ушбу ҳукмни рамзий тарзда шундай ифодалаш мумкин: $p \wedge q \wedge r$.

Бирлаштирувчи ҳукм учта тузилманинг биттаси билан ифодаланиши мумкин.

Иккита субъект ва битта предикат (S_1 ва S_2 P дир). Масалан, “Мол-мулкнинг мусодара қилиниши ва унвонларнинг бекор қилиниши қўшимча жиноий-ҳуқуқий санкциялар ҳисобланади”.

Битта субъект ва иккита предикат (S P_1 ва P_2 дир). Масалан, “Жиноят - бу ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа зид қилмишдир”.

Иккита субъект ва иккита предикат (S_1 ва S_2 P_1 ва P_2 дир). Масалан, “Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари бегоналаштирилмайди ва улар ҳар бир кишига туғилган вақтидан бошлаб тегишли бўлади”.

Бирлаштирувчи ҳукмнинг чинлиги унинг таркибига кирадиган оддий ҳукмларнинг чинлиги билан белгиланади. Бирлаштирувчи ҳукм фақат уни ташкил этувчи оддий ҳукмлар чин бўлганида чин бўлиб ҳисобланади. Агар мабодо биргина оддий ҳукм хато бўлса, унда умуман конъюнкция ҳам хато бўлади.

26. Мураккаб ажратувчи (дизъюнктив) ҳукмлар

Бир неча оддий ёки мантикий боғловчиси билан боғланган ҳукмлардан иборат бўлган ҳукм ажратувчи ки дизъюнктив ҳукм дейилади. Масалан, “Олди-сотди шартномаси оғзаки ёки ёзма шаклда тузилиши мумкин” деган ҳукм иккита оддий ҳукмлар: “Олди-сотди шартномаси оғзаки шаклда тузилиши мумкин”; “Олди-сотди шартномаси ёзма шаклда тузилиши мумкин” деган ҳукмлардан ташкил топган ажратувчи ҳукм ҳисобланади. Агар биринчисини p билан, иккинчисини эса - q билан ифодаляйдиган бўлсак, унда ажратувчи ҳукмни рамзий тарзда $p \vee q$ сифатида ифодалаш мумкин, бунда: p ва q - дизъюнкция аъзолари (дизъюнктлар), $\vee$ - дизъюнкция рамзидир.

Ажратувчи ҳукм икки ва кўп таркибли бўлиши мумкин: $p \vee q \dots \vee n$.

Тилда ажратувчи ҳукм учта мантикий-грамматик тузилмаларнинг биттаси билан ифодаланиши мумкин.

Иккита субъект ва битта предикат (S_1 ёки S_2 P дир). Масалан, “Йирик миқдордаги ўғрилиқ ёки шахслар гуруҳи томонидан содир этилган ўғирлиқ катта ижтимоий хавф туғдиради”.

Битта субъект ва иккита предикат (S P_1 ва P_2 дир). Масалан, “Ўғрилиқ ахлоқ тузатиш ишлари ёки қамоқ жазоси билан жазоланади”.

Иккита субъект ва иккита предикат (S_1 ва S_2 P_1 ёки P_2 дир). Масалан, “Сургун ёки бадарға қилиш асосий ёки қўшимча санкция сифатида қўлланилиши мумкин”.

Дизъюнкциянинг қуйидаги турлари фарқланади.

Қатъий бўлмаган ва қатъий дизъюнкция

“Ёки” боғламаси табиий тилда икки маънода - бириктирувчи-ажратувчи ва инкор этувчи-ажратувчи маъноларда ишлатилиши сабабли ажратувчи ҳукмларнинг икки типини фарқлаш керак бўлади: 1) (кучсиз) дизъюнкция ва 2) қатъий (кучли) дизъюнкция.

Кучсиз дизъюнкция - бу “ёки” боғламаси бириктирувчи-ажратувчи маънода ишлатиладиган ҳукмдир ($\vee$ рамзи). Масалан: “Тиғли қурол санчадиган ёки кесадиган бўлиши мумкин” - рамзий тарзда $p \vee q$. Бу ҳолда “ёки” боғламаси ажратади, чунки қуролнинг бундай турлари алоҳида ҳолида мавжуд бўлади ва бириктиради, чунки айни бир вақтда ҳам санчиладиган, ҳам кесадиган қурол ҳам мавжуд.

Қатъий бўлмаган дизъюнкция дизъюнкция аъзоларининг жуда бўлмаганда биттаси чин бўлса ва агар унинг иккита аъзоси ҳам хато бўлса, хато бўлади.

Қатъий дизъюнкция - бу “ёки” боғламаси ажратувчи маънода ишлатиладиган ҳукмдир (рамзи - иккиланган дизъюнкция). Масалан: “Қилмиш қасддан қилинган ёки эҳтиётсизлик билан содир этилган бўлиши мумкин”, рамзий тарзда $p \vee q$.

Қатъий дизъюнкциянинг альтернативалар деб аталадиган аъзолари айни бир вақтда чин бўлиши мумкин эмас. Агар қилмиш қасддан содир этилган бўлса, унда уни эҳтиётсизлик билан содир этилган, деб бўлмайди ва аксинча, эҳтиётсизлик билан содир этилган қилмишни қасддан содир этилган қилмишлар қаторига киритиб бўлмайди.

Қатъий дизъюнкция бир аъзо чин бўлиб, бошқа аъзо хато бўлганида чин бўлади; агар ҳар иккала аъзо ҳам чин ёки иккаласи ҳам хато бўлса, у хато бўлади. Шундай қилиб, бир альтернатива чин бўлганида қатъий дизъюнкция ҳукми чин бўлиб, альтернативаларнинг иккаласи ҳам айни бир пайтда хато ёки чин бўлганида бундай ҳукм хато бўлади.

Тилдаги ажратувчи боғловчи одатда “ёки”, “ёхуд” боғловчилари ёрдамида ифодаланади. Дизъюнкцияни альтернативали аҳамиятгача кучайтириш мақсадида кўпинча қўшалок боғловчилар ишлатади: “ p ёки q ” иборасининг ўрнига “ёки p , ёки q ” қўлланилади, “ p ёхуд q ” нинг ўрнига - “ё p , ё q ” ишлатилади. Грамматикада қатъий бўлган ва қатъий ажратиш учун бир маъноли боғловчилар йўқлиги сабабли баъзи матнларда дизъюнкциянинг типи ҳақидаги масала тегишли ҳукмларнинг мазмунли таҳлили билан ҳал қилиниши лозим.

Тўлиқ ва нотўлиқ дизъюнкция

Барча белгилар ёки муайян жинсдаги барча турлар санаб ўтилган дизъюнктив ҳукм тўлиқ ёки ёпиқ ҳукм дейилади.

Ушбу ҳукмни рамзий равишда шу тарзда ёзиш мумкин: $\langle p \vee q \vee r \rangle$. Масалан: “Ўрмонларда япроқли, игнабаргли ёки аралаш дарахтлар ўсади”. Ушбу ажратишнинг тўлиқлиги (рамзий ёзувда: $\langle \dots \rangle$ белгиси билан ифодаланади) кўрсатиб ўтилганларидан ташқари, бошқа ўрмон турлари бўлмаслиги билан белгиланади.

Барча белгилар ёки муайян жинсдаги барча турлар санаб ўтилмаган дизъюнктив ҳукм нотўлиқ ёки очик ҳукм дейилади. Дизъюнкциянинг нотўлиқлиги рамзий ёзувда кўп нуқталар билан ифодаланиши мумкин: $p \vee q \vee r \vee \dots$. Табиий тилда дизъюнкциянинг нотўлиқлиги қуйидаги каби сўзлар билан ифодаланади: “ва ш.к.”, “ва б.”, “ва шу кабилар”, “бошқалар” ва ҳоказо.

27. Шартли (имплекатив) ҳукмлар

Иккита оддий, “агар.., унда...” мантикий боғловчиси билан боғланган ҳукмлардан иборат бўлган ҳукм шартли ёки имплекатив ҳукм дейилади. Масалан: “Агарсим токка уланмаса, унда электр чироғи ўчади”. Биринчи ҳукм - “симтокка уланмаса” **антецедент (шундан олдинги)**, иккинчиси - “Электр чироғи ўчади” - **консеквент (кейинги)** дейилади. Агар антецедентни **p**, консеквентни - **q**, “агар.., унда...” боғламасини “ $\rightarrow$ ” белгиси билан ифодаласак, унда имплекатив ҳукмни рамзий тарзда (**$p \rightarrow q$**) тарзида ифодалаш мумкин.

Импликация барча ҳолларда чинбўлади-ю, бундан фақат бир ҳол мустасно: антецедент чин бўлиб ва консеквент хато бўлганида импликация ҳар доим хато бўлади. Чин антецедент, масалан, “Сим токка уланмаса”, ва хато консеквент - “Электр чироғи ўчмайди” - нинг биргаликда қўшилиб келиши импликациянинг хатолиги кўрсаткичидир.

Табиий тилда шартли ҳукмларни ифодалаш учун нафақат “агар.., унда...” боғловчиси, шу билан бирга бошқа боғловчилар: “ўша... жойда”, “шундай... бўлганида”, “чунки...” ва шу кабилар ишлатилади. Тилда шартли ҳукмлар шаклида объектив алоқаларнинг сабабли, функционал, маконга оид, замонга оид, ҳуқуқий, шунингдек семантик, мантикий ва бошқа боғлиқликлар каби турлари тақдим этилади. Баъзи матнларда шартли ҳукмлар шаклида кўпинча ҳуқуқий кўрсатмалар: рухсатномалар, таъқиқлашлар, мажбурлашлар қайд қилинади. “Агар.., унда...” боғловчисидан ташқари яна “... мавжуд бўлганида, ... керак бўлади”, “... бўлгани ҳолда, ... керак”, “... бўлганида, ... юз беради” ва бошқа сўз бирикмалари импликациянинг грамматик кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу билан бирга импликациялар конунда ва бошқа матнларда алоҳида грамматик кўрсаткичларсиз ҳам қурилиши мумкин. Масалан: “Ўзганинг мулкани ўғирлаш ... билан жазоланади” ёки “Жиноят содир этилгани ҳақидаги олдиндан маълум бўлган ёлғон чақув ... билан жазоланади” ва ҳоказо. Ушбу кўрсатмаларнинг ҳар бири: “Агар муайян ҳуқуққа зид қилмиш содир этилган бўлса, унда бунинг учун ҳуқуқий санкция қабул қилинади” деган имплекатив формулага эгадир.

28. Эквивалентли ҳукмлар (иккиланган импликация)

“Агар ва фақат агар..., унда...” деган мантиқий боғловчи билан ифодаланадиган иккиланган (бевосита ва тескари) шартли боғлиқлик билан боғланган иккита ҳукмни таркибий қисмлар сифатида ўз ичига оладиган ҳукм эквивалентли ҳукм дейилади. Масалан: “Агар ва фақат агар киши орденлар ва медаллар билан тақдирланган бўлса (**p**), унда у тегишли орден планкаларини тақиб юриш ҳуқуқига эгадир (**q**)”.

Ушбу ҳукмнинг мантиқий тавсифномаси шундан иборатки, мукофотланиш ҳақидаги тасдиқнинг чинлиги (**p**) орден планкаларини тақиб юриш ҳуқуқининг мавжудлиги тасдиғи чинлигининг (**q**) зарурий ва етарли шарти сифатида кўриб чиқилади. Худди шунга ўхшаб, орден планкаларини тақиб юриш ҳуқуқининг мавжудлиги тасдиғининг чинлиги (**q**) ушбу шахснинг тегишли орден ва медалъ билан тақдирланганлиги ҳақидаги тасдиқнинг (**p**) зарурий ва етарли шарти бўлади. Бундай ҳар иккала боғлиқликни иккиланган импликация: $p \leftrightarrow q$ билан рамзий ифодалаш мумкин, у шундай ўқилади: “Агар ва фақат агар **p**, унда **q**”. Эквивалентлилик бошқача белги: $p \equiv q$ билан ҳам ифодаланади.

Табиий тилда, шу жумладан, баъзи матнларда эквивалентли ҳукмларни ифодалаш учун шундай боғловчилар ишлатилади: “фақат ... шарти билан, ... бўлади”, “фақат ... бўлганида, ... бўлиши мумкин”, “фақат ... бўлса, унда...” ва ҳоказо.

$p \equiv q$ ҳукми ҳар иккала ҳукм айна бир вақтда чин, ё хато бўла туриб, бир хилдаги маънони қабул қилганида чин бўлади. Бу шуни билдирадики, **p** нинг чинлиги **q** ни ҳам чин деб эътироф этиш учун етарлидир ва аксинча. Улар ўртасидаги муносабат зарурий муносабат сифатида ҳам тавсифланади, **p** нинг хатолиги **q** нинг хатолигининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади, **q** нинг хатолиги эса **p** нинг ҳам хатолигини кўрсатади.

29. Оддий ҳукмлар ўртасидаги мантиқий муносабатлар


Ҳукмларнинг маъноси ва мантиқий аҳамиятларига (чинлиги ва хатолигига) кўра ўхшашлиги улар ўртасидаги муносабатларнинг асосини ташкил этади. Ана шундай муносабат сабабли ҳар қандай ҳукмлар ўртасида эмас, балки фақат қиёсланадиган, яъни умумий маънога эга бўлган ҳукмлар ўртасида муносабатлар ўрнатилади.

Турли субъектлар ёки предикатларга эга ҳукмлар қиёсланмайдиган ҳукмлар бўлади. Масалан, иккита ҳукм: “Фазогирлар орасида учувчилар ҳам бор”, “Ўқитувчилар орасида аёллар ҳам бор” ҳукмлари шундай ҳукмлардир.

Бир хилдаги субъектлар ва предикатларга эга ва боғловчиси ёки квантор билан фарқланадиган ҳукмлар қиёсланадиган ҳукмлар дейилади. Масалан: “Барча америкалик ҳиндулар резервацияларда яшаши”; “Америкалик ҳиндуларнинг айримлари резервацияларда яшамайди”.

Оддий ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар одатда мантиқий квадрат деб аталадиган чизма ёрдамида кўриб чиқилади. Унинг чўққилари оддий қатъий

ҳукмлар - А, Е, I, О ни; томонлари ва диагоналлари - ҳукмлар ўртасидаги муносабатларни рамзий ифодалайди.



Қиёсланадиган ҳукмлар орасида бир-бирига мос келадиган ва мос келмайдиган ҳукмлар фарқланади.

Айни бир вақтда чин бўлган ҳукмлар бир-бирига мос келадиган ҳукмлар дейилади. Бир-бирига мосликнинг уч тури: эквивалентлилик (тўла мослик), қисман мослик (субконтрарлик) ва бўйсунганлик фарқланади.

1. **Бир хилдаги мантиқий тавсифномалар:** бир хилдаги субъектлар ва предикатларга, бир типдаги - тасдиқловчи ёки инкор этувчи - боғловчига, квантор билан ифодаланган бир хилдаги микдорий тавсифномага эга ҳукмлар эквивалентли ҳукмлар бўлади. Оддий эквивалентли ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар мантиқий квадрат ёрдамида тасвирланмайди.

2. **Қисман мослик айни бир вақтда чинбўлиб, лекин айни бир вақтда хато бўла олмайдиган I ва O ҳукмлари учун хосдир.**

Уларнинг бири хато бўлганида бошқаси чин бўлади: $\neg I \rightarrow O$, $\neg O \rightarrow I$. Масалан, “Айрим ўтлар заҳарли бўлади” ҳукми хатобўлганида “Айрим ўтлар заҳарли бўлмайди” ҳукми ҳақиқий бўлади. Айни бир пайтда жузъий ҳукмлардан бири ҳақиқий бўлганида бошқаси ё, ё ёлғон бўлиши мумкин: $I \rightarrow (O \vee \neg O)$; $O \rightarrow (I \vee \neg I)$.

3. Бўйсунганлик А ва I, Е ва O ҳукмлари ўртасида мавжуд бўлади.

Умумий ҳукм чин бўлганида жузъий ҳукм ҳам ҳар доим чин бўлади: $A \rightarrow I$, $E \rightarrow O$. Масалан, “Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади” деган умумий ҳукм чин бўлганида - “Айрим ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади” деган хусусий ҳукм ҳам ҳақиқат бўлади. “Ҳеч бир кооператив давлат ташкилотлари қаторига кирмайди” ҳукми чин бўлганида “Айрим кооперативлар давлат ташкилотлари қаторига кирмайди” ҳукми ҳам чин бўлади.

Хусусий ҳукм хато бўлганида умумий ҳукм ҳам хато бўлади: $\neg I \rightarrow A$; $\neg O \rightarrow E$.

Бўйсунганлик ҳолатида қуйидаги боғлиқликлар ноаниқ бўлиб қолади: умумий ҳукм ёлғон бўлганида унга бўйсунган жузъий ҳукм чин ёки хато бўлиши мумкин: $\neg A \rightarrow (I \vee \neg I)$; $\neg E \rightarrow (O \vee \neg O)$; бўйсунган жузъий ҳукм чин

бўлганида умумий ҳукм ҳақиқий ёки хато бўлиши мумкин: $I \rightarrow (A \vee \neg A)$; $O \rightarrow (E \vee \neg E)$.

Айни бир вақтда чин бўлиши мумкин бўлмаган A ва E , A ва O , E ва I ҳукмлари бир-бирига мос келмайдиган ҳукмлардир. Мос келмаслиқнинг икки тури: қарама-қаршилик ва зиддият фарқланади.

1. Айни бир вақтда чин бўлмайдиган, лекин айни бир вақтда хато бўлиши мумкин бўлган A ва E ҳукмлари қарама-қарши (контрар) ҳукмлардир.

Қарама-қарши ҳукмлардан бирининг чинлиги бошқасининг хатолигини белгилайди: $A \rightarrow \neg E$; $E \rightarrow \neg A$. Масалан, “Ҳамма зобитлар - ҳарбий хизматчилардир” деган ҳукмнинг чинлиги “Ҳеч бир зобит ҳарбий хизматчи эмас” деган ҳукмнинг хатолигини белгилайди. Қарама-қарши ҳукмлардан бири хато бўлганида бошқаси ноаниқ бўлиб қолади - у ёки чин, ё хато бўлиши ҳам мумкин: $\neg A \rightarrow (E \vee \neg E)$; $\neg E \rightarrow (A \vee \neg A)$.

2. Айни бир вақтда чин ҳам, хато ҳам бўлмайдиган A ва O , E ва I ҳукмлари зид келадиган (контрадиктор) ҳукмлар дейилади.

Зиддият учун қатъий ёки альтернатив мос келмаслиқ ҳосилдир: ҳукмлардан бири чин бўлганида бошқаси ҳар доим хато бўлади; биринчиси хато бўлганида иккинчиси чин бўлади. Бундай ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар учинчиси мустасно қонуни билан тартибга солинади.

Агар A чин деб эътироф этилса, унда O хато бўлади: $(A \rightarrow \neg O)$; E чин бўлганида I хато бўлади: $(E \rightarrow \neg I)$. Ва аксинча: A хато бўлганида O чин бўлади: $O (\neg A \rightarrow O)$; E хато бўлганида эса I чин бўлади: $(\neg E \rightarrow I)$.

30. Мураккаб ҳукмлар ўртасидаги мантиқий муносабатлар

Мураккаб ҳукмлар қиёсланадиган ва қиёсланмайдиган бўлиши мумкин.

Қиёсланмайдиган ҳукмлар - бу умумий пропорционал ўзгарувчан белгиларига эга бўлмаган ҳукмлардир. Масалан, $p \wedge q$ ва $m \wedge n$.

Қиёсланадиган ҳукмлар - бу бир хилдаги пропозицион ўзгарувчан белгиларга (таркибий қисмларга) эга бўлган ва мантиқий боғловчилар, шу жумладан инкор билан фарқланадиган ҳукмлардир. Масалан, иккита ҳукм: “Норвегия ёки Швеция Болтиқ денгизига чиқиш жойига эга” ($p \vee q$); “На Норвегия, на Швеция Болтиқ денгизига чиқиш жойига эга эмас” ($\neg p \wedge \neg q$) ҳукмлари қиёсланадиган ҳукмлардир.

Мураккаб қиёсланадиган ҳукмлар бир-бирига мос келадиган ва мос келмайдиган бўлиши мумкин.

Айни бир вақтда чин бўлиши мумкин бўлган, қиёсланадиган ҳукмлар бир-бирига мос келадиган ҳукмлар ҳисобланади. Мураккаб ҳукмларнинг бир-бирига мос келишининг уч тури: эквивалентлик, қисман мос келишлик ва бўйсунганлик фарқланади.

1. Эквивалент ҳукмлар - бу айни бир хилдаги маънони қабул қиладиган, яъни айни бир вақтда ё чин, ё хато бўлиб ҳисобланадиган ҳукмлардир.

Эквивалентлик муносабати айрим мураккаб ҳукмларни бошқа ҳукмлар орқали - конъюнкцияни дизъюнкция ёки импликация орқали ифодалашга имкон беради ва аксинча.

1. Конъюнкциянинг дизъюнкция орқали ифодаланиши:

$$\neg (A \wedge B) = \neg A \vee \neg B.$$
2. Дизъюнкциянинг конъюнкция орқали ифодаланиши:

$$\neg (A \vee B) = \neg A \wedge \neg B.$$
3. Импликациянинг конъюнкция орқали ифодаланиши:

$$\neg A \rightarrow B \equiv (A \wedge \neg B).$$
4. Импликациянинг дизъюнкция орқали ифодаланиши:

$$A \rightarrow B = \neg A \vee B.$$

2. Қисман бир-бирига мос келишлик айти бир вақтда чин бўлиб, лекин айти бир вақтда хато бўлмайдиган ҳукмлар учун хосдир.

3. Ҳукмлар ўртасидаги бўйсунганлик бўйсундирувчи чин бўлиб, бўйсунувчи ҳам ҳар доим чин бўладиган ҳолда юз беради.

Бўйсундирувчи ҳукмнинг чинлиги бўйича бўйсунувчининг чинлигини белгилашга имкон берадиган мантикий бўйсунуш муносабати мантиқ фанида фундаментал бўлиб ҳисобланадиган ва мулоҳазаларнинг ҳамма турларини тартибга соладиган мантикий эргашуш тушунчасининг негизини ташкил этади.

Айти бир вақтда чин бўлмайдиган ҳукмлар бир-бирига мос келмайдиган ҳукмлар дейилади. Бир-бирига мос келмаслиқнинг икки туридан бири - қарама-қаршилиқ, бошқаси - зиддиятдир.

1. Қарама-қаршилиқ - бу айти бир вақтда ҳақиқий бўлмайдиган, лекин айти бир вақтда хато бўлиши мумкин бўлган ҳукмлар ўртасидаги муносабат бўлиб, қарама-қарши ҳукмлардан бири чин бўлса, унда бошқасининг маъносини белгилаш мумкин эмас: у ё чин, ё хато бўлиши мумкин.

2. Зиддият - бу айти бир вақтда на чин, на хато бўлмайдиган ҳукмлар ўртасидаги муносабатдир. Улардан бири чин бўлса, унда бошқаси хато бўлади, биринчиси хато бўлганида иккинчиси чин бўлади.

Бошланғич ҳукмга зид бўлган мураккаб ҳукмни олиш учун бошланғич ҳукмни инкор қилиш керак. Масалан, p учун $\neg p$ зид бўлади; $p \wedge q$ конъюнкцияси учун унинг инкори - $\neg (p \wedge q)$ зид бўлади.

31. Ҳукмларнинг модаллиги. Эпистемик модаллик

Тафаккур шакли сифатидаги ҳукм икки хилдаги ахборотни - асосий ва қўшимча ахборотни ўз ичига олади. Асосий ахборот ҳукмнинг субъекти ва предикатида, мантикий боғловчи ва кванторларда ўзининг яққол ифодасини топади. Қўшимча ахборот ҳукмнинг мантикий ёки фактик мақомига, унинг баҳоловчи ва бошқа тавсифномаларига тегишли бўлади. Бундай ахборот ҳукмнинг модаллиги дейилади. У алоҳида сўзлар билан ифодаланиши, шунингдек ўзининг яққол ифодасига эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолда у контекстнинг таҳлили орқали аниқланади.

Модаллик - бу ҳукмдаги унинг асослилиги даражаси, мантикий ёки фактик мақоми, унинг тартибга солувчи, баҳоловчи ва бошқа тавсифномалари ҳақидаги яққол ёки ноаниқ ифодаланган қўшимча ахборотдир.

Эпистемик (грекчадаги: эпистема - ишончли билимнинг олий типи сўзидан олинган) **модаллик - бу ҳукмда ифодаланган унинг қабул қилиниши асослари ва унинг асослилиги даражаси ҳақидаги ахборотдир.** Ишонч ва билим шундай асосларга киради.

Эпистемик мақомига кўра ишонч - бу ўзга, чин ёки хато, илғор ёки реакцион фикрларнинг табиий равишда, танқидсиз қабул қилинишидир.

Мантикий асос сифатидаги билим - бу қабул қилинадиган ҳукмнинг мантикий жиҳатдан оқибат тусини олишига асос бўладиган бошқа ҳукмларнинг асосланганлиги туфайли чин ёки хато ҳукм сифатида қабул қилинишидир.

Асосланганлиги даражасига кўра билимлар орасида ҳукмларнинг иккита кесишмайдиган синфи: ишончли ва эҳтимолли ҳукмлар фарқланади.

1) Ишончли ҳукмлар - бу етарли даражада асосланган чин ёки хато ҳукмлардир. Уларнинг чинлиги ёки хатолиги бевосита текшириш йўли билан ёки билвосита, ҳукмни эмпирик ёки назарий қоидалар билан тасдиқлаш орқали белгиланади.

Ишончлилиқ ҳукмнинг худди чин ва хато тушунчалари каби босқичлари бўйича ўзгармайдиган модал тавсифномасига тегишлидир. Иккита фикр ҳақида уларнинг биттаси бошқасига нисбатан “анча ишончлироқ” деб бўлмайди. Ҳукм етарли даражада асосли бўлганида уни исботланган, шу билан ишончли, яъни босқичлари бўйича ўзгаришларсиз чин ёки хато деб ҳисобланади.

2) Эҳтимолли ҳукмлар - бу уларнинг етарли даражада асосли эмаслиги сабабли ишончли деб бўлмайдиган ҳукмлардир. Бундай ҳукмларнинг чинлиги ёки хатолиги аниқланмаганлиги сабабли улар фақат шундай деб эътироф этишга даъвогар бўлади. Уларнинг номлари: муаммоли, ҳақиқатга яқин ёки эҳтимол бўлган ҳукм деган номлари ҳам шундан келиб чиқади.

Табиий тилда одатда оддий сўзлар: афтидан, эҳтимол, тахминимизча, бўлиши мумкин, гипотеза қилиш мумкин каби ва бошқа сўзлар ҳукмнинг муаммолиги кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилади.

Суд тадқиқотида тергов қилинаётган ишларнинг ҳолатлари ҳақидаги тахминий фикрлар (гипотезалар) эҳтимолли ҳукмлар шаклида қурилади. Ҳақиқатга яқин ҳукмлар асослилиги сабабли терговни тўғри йўналишга йўналтиради ва ҳар бир иш бўйича ишончли натижаларни аниқлашга кўмаклашади.

Эҳтимолли ҳукмларнинг асосланганлиги эҳтимоллик назарияси атамаларида тақдим этилади. Бундай ҳолда ҳукмнинг мантикий эҳтимоллиги унинг асосланганлик даражасини англатади.

Ҳукмнинг объектив мантикий тавсифномаси сифатидаги асосланганликни инсоннинг фикр-мулоҳазага нисбатан субъектив-психологик муносабатини, унинг тегишли ҳукмни қабул қилиш ёки рад қилишга тайёрлигини ифодаладиган ишончлилиқ тушунчасидан фарқлаш лозим. Масалан, “Менинг ишончим комилки, жиноятни Х содир қилган”; “Менинг фикримча, айбланувчи жиноят ҳолатларини тўғри баён қилмаяпти”, дейилганида, одатда, фикр мазмунига нисбатан субъектив муносабатни - унда тавсифланган ахборотни қабул қилиш ёки рад қилишга нисбатан мойиллик ифодаланади.

32. Деонтик модаллик

Деонтик (грекчадан - мажбурият) модаллик - бу ҳукмда ифодаланган, кимнидир аниқ ҳаракатлар қилишга ундайдиган илтимос, маслаҳат, буйруқ ёки кўрсатмадир.

Кўрсатмалар орасидан ҳуқуқ нормаларини ҳам ўз ичига оладиган норматив кўрсатмаларни ажратиб кўрсатиш лозим.

Ҳуқуқ нормалари ичида қуйидагилар фарқланади: 1) ҳуқуқни юклайдиган, 2) ҳуқуқни тақиқлайдиган ва 3) ҳуқуқни тақдим этадиган нормалар.

1) Ҳуқуқни юклайдиган нормалар: “шарт”, “керак”, “бажариш лозим”, “эътироф этилганки” каби ва бошқа сўзлар ёрдамида шакллантирилади. Масалан, процессуал талаблардан бирида шундай дейилади: “Жиноят ишлари бўйича суддан олдинги тергов икки ойлик муддат ичида тугалланиши керак”. Фуқаролик ҳуқуқидан мисол: “Ташкилот унинг ходимлари ўзларининг меҳнат (хизмат) вазифаларини ижро этишида улар айби билан етказилган зарарни қоплаши шарт”.

Грамматик жиҳатдан ҳуқуқнинг юкланиши тасдиқ шаклида ҳам ифодаланиши мумкин, масалан: “Прокурор жиноий ишни қўзғатишнинг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширади”. Бу ҳолда прокурорнинг назоратни амалга оширишга доир вазифаси назарда тутилмоқда. Худди шунга ўхшаб: “Ҳукм Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади” деган кўрсатмани - фактнинг тасдиқланиши эмас, балки муқаррарлик ва вазифа сифатида тушуниш керак бўлади.

2) Ҳуқуқни тақиқлайдиган нормалар: тақиқланади, ҳақли эмас, мумкин эмас, йўл қўйилмайди каби ва бошқа сўзлар ёрдамида шакллантирилади. Масалан: “Айбланувчидан кўрсатмаларни зўравонлик, таҳдид-пўписа ва бошқача ноқонуний чораларни кўриш йўли билан қўярда-қўймай талаб қилиб олиш тақиқланади”. Жиноят ишларининг кўриб чиқилиши амалиёти шуни назарда тутади: “Ҳеч ким суднинг қарорисиз ёки прокурорнинг санкциясиз ҳибсга олиниши мумкин эмас”.

3) Ҳуқуқни тақдим этадиган нормалар: ҳуқуқига эга, эга бўлиши мумкин, қўллаши мумкин каби ва бошқа сўзлар ёрдамида шакллантирилади.

Масалан: “Турар жой хонасини ёлловчи ҳар қандай вақтда шартномани бекор қилишга ҳақлидир”. Бошқа бир нормада шундай дейилади: “Буюмларини сақлаш учун топширган шахс ҳар қандай вақтда уларни қайтариб олишни талаб қилишга ҳақлидир”. Жиноий-ҳуқуқий нормада шундай дейилади: “Ишда манфаатдор бўлмаган ҳар қандай фуқаролар ҳолис гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин” ва ҳоказо.

Мажбурият ва тақиқлаш бир-бири орқали ҳам ифодаланиши мумкин: муайян бир ҳаракатни бажариш мажбурияти унинг бажарилишини тақиқлашга эквивалентлидир.

Оқилона қурилган норматив-ҳуқуқий тизим энг кам модал деонтик талаблар:

1) қарама-қарши бўлмаслик; 2) баланслилик; 3) тўлиқлик талабларини қондириши керак.

33. Алетик (чин) модаллик

Алетик (грекча - хақиқий сўзидан олинган) модаллик - бу ҳукмда зарурийлик-тасодифийлик ёки мумкинлик-мумкин эмаслик атамаларида ҳукмнинг мантиқий ёки фактик детерминациялашганлиги (ўзаро боғлиқлиги) ҳақидаги ахборотдир.

Биз иш олиб борадиган ҳукмлар ўз-ўзидан эмас, балки муайян асослар туфайли мантиқий аҳамиятга эга, яъни чин ёки хато ҳукмлар сифатида қабул қилинади. Ё ҳукмларнинг ўзининг тузилмавий-мантиқий тавсифномалари, ёки уларнинг реал воқеликдаги ишларнинг амалдаги ҳолати билан ўзаро нисбати ҳукмларни қабул қилиш билан боғлиқ асослар бўлади. Ҳукмларнинг ўзаро боғлиқлиги ёки детерминациялашганлигининг икки усули модалликларнинг тегишли типларини олдиндан белгилаб беради.

Мантиқий модаллик - бу чинлиги ёки хатолиги ҳукмнинг тузилмаси ёки шакли билан белгиланадиган ҳукмнинг мантиқий детерминациялашганлигидир.

Масалан, мантиқ қонунларини ифодаладиган ҳукмлар мантиқий чин ҳукмларга; ич-ичидан зид келадиган ҳукмлар - мантиқий хато ҳукмларга киритилади. Чинлиги ёки хатолиги уларнинг тузилмаси асосида белгиланмайдиган бошқа барча ҳукмлар амалда детерминациялашган ҳукмлар синфини ташкил этади.

Ҳукмларнинг чинлиги ёки хатолиги реал воқеликдаги ишларнинг ҳолати билан белгиланадиган ҳолда фактик модаллик ҳукмларнинг объектив ёки физик детерминациялашганлиги билан боғланган бўлади. Атамалар ўртасидаги алоқа предметлар ўртасидаги реал муносабатларга мувофиқ келадиган ҳукмлар фактик чин ҳукмларга киради. Шундай ҳукмга мисол: “Эйфель минораси Парижда жойлашган”. Атамалар ўртасидаги алоқа воқеликка мувофиқ келмайдиган ҳукмлар фактик хато ҳукмларга киради. Мисол учун: “Ҳеч бир сутэмизувчи сувда яшамайди”.

Фан қонунлари ҳақидаги ахборотни ўз ичига оладиган ҳукмлар фактик зарур ҳукмлар бўлади. Табиий тилда бундай ҳукмлар кўпинча “зарур”, “албатта”, “сўзсиз равишда” каби ва бошқа сўзлар ёрдамида ифодаланади.

Фактик тасодифий ҳукмлар - бу фан қонунлари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олмайдиган, чинлиги ва хатолиги аниқ эмпирик шарт-шароитлар билан белгиланадиган ҳукмлардир. Масалан, “Наполеон 1821 йил 5 майда вафот этди” деган ҳукм фактик тасодифий ҳукм ҳисобланади, чунки Наполеоннинг ўлими шу санагача ва ундан кейин ҳам юз берган бўлиши мумкин.

Субъектда ва предикатда ифодаланган ҳодисаларнинг принципал бир-бирига мослиги ҳақидаги ахборотни ўз ичига оладиган ҳукмлар фактик эҳтимол бўлган ҳукмлар дейилади. Масалан: “Жанубий Америкада бу йил зилзила юз бериши мумкин” ёки бошқа бир ҳукм: “А футбол жамоаси В жамоаси билан учрашувда ютиб чиқиши мумкин”. Бу шуни англатадики, ҳар иккала ҳолда ҳам бир-бирига қарама-қарши бўлган натижалар истисно этилмайди - Жанубий Америкада бу йил зилзила бўлмаслиги ҳам мумкин; А футбол жамоаси В жамоаси билан учрашувда уни юта олмаслиги ҳам мумкин.

Табиий тилда кесимлар сифатида (кириш сўзлар эмас) ишлатиладиган қуйидагича сўзлар мумкин бўлган ҳукмларнинг кўрсаткичлари бўлади: эҳтимол, бўлиши мумкин, истисно этилмайди, йўл қўйилади ва бошқалар.

34. Саволларнинг мантикий тавсифномаси

Илгари белгиланган ҳукмлардан янги, мазмунига кўра янада аниқ ва бойроқ ҳукмларга ўтиш қуйидаги изчил босқичларни ўз ичига олади: 1) саволнинг қўйилиши, 2) муайян соҳада янги ахборотнинг изланиши, 3) қўйилган саволга жавобни шакллантириш.

Савол - бу сўроқ гапда ифодаланган бошланғич ёки базис билимни аниқлаштириш ёки тўлдиришга қаратилган фикрdir. Билиш жараёнида ҳар қандай савол бу билимнинг базиси бўлиб, саволнинг шарти ролини бажарадиган қандайдир бошланғич билимга таянади. Саволнинг билишга оид функцияси қўйилган саволга жавоб шаклида амалга оширилади.

Судда ишларни кўриб чиқиш жараёнида савол-жавоб шакли алоҳида рол ўйнайди. Тергов ва судни қизиқтирадиган саволларга жавобларнинг изланиши сўроқ қилиш, тергов экспериментлари, текширув, юзма-юз учрашув ва бошқа кўплаб тергов ҳаракатларининг асосий мазмунини ташкил этади. Судда ишларни кўриб чиқиш жараёнида савол-жавоб шакли жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд тадқиқотининг асосий йўналишлари, энг муҳим позициялари ва чегараларини белгилайдиган процессуал-ҳуқуқий алгоритм бўлиб хизмат қилади.

Саволлар турлари

Саволлар билишга оид функциясига кўра иккита асосий турга: аниқлаштирувчи ёки “-ми”ли саволлар ва тўлдирувчи ёки “нима” сўзи қўшиладиган саволларга бўлинади.

Саволда ифодаланган ҳукмнинг чинлигини аниқлашга қаратилган савол аниқлаштирувчи савол, дейилади. Масалан: “Американи Колумб кашф қилгани тўғрими?”, “Швейцария НАТОга аъзоми?”.

Аниқлаштирувчи саволларнинг грамматик белгиси - гапда “-ми” юкламасининг мавжудлигидир: “... эканлиги тўғрими”; “... шундайми”; “Ҳақиқатан ҳам ... шундайми” - ва бошқа маънодош сўзларdir. Шу сабабли аниқлаштирувчи савол - “**ми**”ли савол, дейилади.

Тўлдирувчи саволларнинг грамматик белгиси - гапда: ким? Нима? Қачон? Қандай қилиб? - каби ва бошқа сўроқ сўзларнинг мавжудлиги бўлиб, улар ёрдамида тадқиқ қилинаётган объектнинг нимадан иборатлиги ҳақидаги қўшимча ахборотни олишга интилишади. Шу асосда тўлдирувчи савол - “**нима**”ли савол, дейилади.

“-ми”ли саволлар ва “нима”ли саволлар ўз таркибига кўра содда ва мураккаб бўлиши мумкин.

Бошқа саволларни таркибий қисм сифатида ўз ичига олмайдиган савол содда савол, дейилади. Юқорида келтирилган “-ми”ли саволлар ва “нима”ли саволларга тегишли мисоллар содда саволлар ҳисобланади.

Мантикий боғламалар билан бириккан бошқа саволларни таркибий қисм сифатида ўз ичига оладиган савол мураккаб савол, дейилади. Мураккаб

саволлар боғловчи типига қараб: а) бириктирувчи (конъюнктив); б) ажратувчи (дизъюнктив); в) аралаш (бириктирувчи-ажратувчи) саволлар бўлиши мумкин.

Муҳокама қилинаётган мавзуга нисбатан муносабатига қараб мавзунинг моҳиятига дахлдор саволлар мавзунинг моҳиятига тегишли бўлмаган саволлардан фарқланади.

Мавзунинг моҳиятига дахлдор савол - бу муҳокама қилинаётган мавзу билан бевосита ёки билвосита боғланган, унга олинадиган жавоб бошланғич ахборотни аниқлаштирадиган ёки тўлдирадиган сўровдир.

Мавзунинг моҳиятига тегишли бўлмаган савол - бу муҳокама қилинаётган мавзуга нисбатан бевосита тегишли бўлмаган саволдир. Одатда бундай саволлар фақат соф ташқи шаклига кўра муҳокамага қўйилган мавзу билан боғланган каби бўлиб туюлади. Бундай саволларни қабул қилиш ва муҳокама қилиш кўпинча мунозарани асосий ғоянинг ечимидан четга чалғитади. Кўпинча улар мунозарани чўзиш мақсадида ҳам ишлатилади.

35. Жавобларнинг мантикий тавсифномаси

Жавоб - бу қўйилган саволга мувофиқ бошланғич билимни аниқлаштирувчи ёки тўлдирувчи янги ҳукмдир. Жавобнинг изланиши жавобларни излаш соҳаси деб аталадиган назарий ёки эмпирик билимларнинг аниқ соҳасига мурожаат этишни назарда тутати. Жавобда олинган билим бошланғич ахборотни кенгайтириб ёки аниқлаштириб, тадқиқот предмети ҳақидаги янги, янада теран саволларни қўйиш учун базис бўлиб хизмат қилади.

Жавоблар орасида: ҳақиқий ва ёлғон; бевосита ва билвосита; қисқа ва кенг; тўлиқ ва нотўлиқ; аниқ (муайян) ва ноаниқ жавоблар фарқланади.

1. Чин ва ёлғон жавоблар воқеликка нисбатан муносабати бўйича фарқланади.

2. Бевосита ва билвосита ҳукмлар улар изланадиган соҳага қараб фарқланади. Бевосита жавоблар изланадиган соҳадан олинган, шакллантирилишида қўшимча маълумотлар ва мулоҳазалар қўлланилмайдиган жавобга бевосита жавоб дейилади. Масалан, “Рус-япон уруши қайси йили тугаган?” деган “нима”ли саволга: “Рус-япон уруши 1904 йилда тугаган” деган ҳукм бевосита жавоб бўлади. “Кит балиқ бўлиб ҳисобланадими?” деган “-ми”ли саволга: “Йўқ, кит балиқ бўлиб ҳисобланмайди” деган ҳукм бевосита жавоб бўлади.

Жавоблар изланадиган соҳага нисбатан анча кенгроқ бўлган соҳадан олинган ва керакли ахборотни фақат чиқариш йўли билан олиш мумкин бўлган жавоб билвосита жавоб дейилади. Масалан, “Рус-япон уруши қайси йили тугаган?” деган савол учун: “Рус-япон уруши Биринчи рус революциясидан бир йил илгари тугаган” деган жавоб билвосита жавоб бўлади. “Кит балиқ бўлиб ҳисобланадими?” деган саволга: “Кит сутэмизувчи хайвонлар тоифасига киради” деган ҳукм билвосита жавоб бўлади.

1. Қисқа ва кенг жавоблар грамматик шакли бўйича фарқланади.

Қисқа жавоблар - бу бир бўғинли тасдиқловчи ёки инкор этувчи: “ха” ёки “йўқ” деган жавоблардир.

Кенг жавоблар - бу ҳар бирида саволнинг барча элементлари такрорланадиган жавоблардир. Масалан, “Ж.Кеннеди католик бўлганми?” деган саволга шундай тасдиқловчи жавоблар: қисқача - “Ҳа”; кенг - “Ҳа, Ж.Кеннеди католик бўлган” деган жавоблар олиниши мумкин. Инкор жавоблар шундай бўлади: қисқача - “Йўқ”; кенг - “Йўқ, Ж.Кеннеди католик бўлмаган”.

2. Тўлиқ ва нотўлиқ жавоблар жавобда тақдим этилган ахборотнинг ҳажми бўйича фарқланади.

3. Аниқ (муайян) ва ноаниқ жавоблар саволнинг тавсифномасига мувофиқ келишига қараб фарқланади. Жавобларнинг аниқ эмаслиги тушунчалар ва сўроқ сўзларининг икки хил маънода ишлатилишида ифодаланади.

Икки хил маъноли тушунчалар кўпинча аниқловчи ёки пинҳоний ахборотни ўз ичига оладиган саволларда қўлланилади.

Жавоблардаги ноаниқлик саволларни қўйишда ишлатиладиган тушунчаларнинг ноаниқлиги натижаси бўлиши мумкин.

“Нима”ли саволга жавобнинг аниқлиги ўз-ўзидан, вазиятни ва контекстни ҳисобга олмасдан, етарлича аниқлиги билан фарқланмайдиган сўроқ сўзлар: ким? Нима? Қачон? Қандай қилиб? ва шу кабиларнинг аниқлик даражасига боғлиқ бўлади.

М А Ш Қ Л А Р

1-машқ. Ҳукмни ифодаловчи гапларни топинг. Ҳукм атамаларини аниқланг.

Намуналар: 1. Яшасин тинчлик! Ундов гап, ҳукмни ифодаламайди.

2. Нега ўйланиб қолдингиз? Сўроқ гап, ҳукмни ифодаламайди.

3. Давлат сиёсий тузумнинг асосий институтидир. Дарак гапда ифодаланган ҳукм.

1.1. Олий Мажлис депутатлари кўпчилик овоз бериш йўли билан сайланади.

1.2. Қани, айт, мақсадинг нимадир сенинг, нега тилкалайсан бағримни, оҳанг? (А.Орипов).

1.3. Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!

1.4. Яшасий қуёш, йўқолсин қоронғулик!

1.5. Ижтимоий тараққиёт қонунларини билиш орқали ижтимоий жараёнларни олдиндан кўриш мумкин;

1.6. Терроризм ва диний ақидапарастлар таҳдидидан огоҳ бўлинг!

1.7. Ўзбекистон Республикаси демократик давлатдир.

1.8. Деразани чертган ким?

1.9. Шошилма, лекин тез ҳаракат қил.

1.10. Олға, ўртоқлар, мардона.

2-машқ. Ҳукмнинг кўринишини аниқланг, ҳукмларининг чизмасини келтириб, муносабат ва мавжудлик ҳукмларини атрибутив ҳукм шаклида ифодаланг.

Намуналар: 1. Ахборотлашган жамиятда илмий билим тараққиётнинг асосидир. Атрибутив ҳукм. S P дир. 2. Ахлоқ диндан илгари вужудга келган. Муносабат ҳукми. x Ry Атрибутив ҳукм шакли: Ахлоқ

диндан илгари шаклланган ижтимоий ҳодисадир. 3. Илм ҳақида жуда кўп адабиёт мавжуд. Мавжудлик ҳукми. Атрибутив ҳукм шакли: Илм ҳақида мавжуд бўлган адабиёт жуда кўпдир.

- 2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – ҳаётимизнинг асосий қонуни-дир.
- 2.2. Холмат Ғофирдан катта.
- 2.3. Ҳар бир темир йўл вокзалида оналар ва болалар хонаси мавжуд.
- 2.4. Мулк ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади.
- 2.5. Ўзбекистоннинг иқтисодий-сиёсий тизими мулклар хилма-хиллигига асосланади.
- 2.6. Самарқанд шаҳрида кўп ёдгорликлар мавжуд.
- 2.7. Тошкент кўп шаҳарларга нисбатан қадимийроқдир.
- 2.8. Зўравонлик маънавий ожизликнинг нишонасидир.
- 2.9. Тафаккур тилсиз мавжуд эмас.
- 2.10. Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур 1997 йилда қабул қилинган.

3-машқ. Қуйидаги атрибутив ҳукмларда субъект, предикат ва боғловчини топинг. Ҳукмнинг сифати ва миқдорини аниқлаб, квантор сўзни кўрсатинг.

Намуна: Ўзбекистоннинг барча (квантор) фуқаролари (S) давлатимизнинг тинчликпарвар сиёсатини маъқуллайдилар (P). Миқдорига кўра – умумий, сифатига кўра – тасдиқ.

- 3.1. Барча талабалар семинарда фаол иштирок этишди.
- 3.2. Айрим талабалар синовдан ўта олмадилар.
- 3.3. Ҳеч бир жиноятчи жазодан қутилиб қолмайди.
- 3.4. Айрим талабалар спортчидирлар.
- 3.5. Ҳеч бир ҳайдовчи маст ҳолда машина бошқариши мумкин эмас.
- 3.6. Мамлакатимизда виждон эркинлиги таъминланган.
- 3.7. Ҳар бир фуқарога сифатли тиббий хизмат кафолатланади.
- 3.8. Айрим олимлар – иқтисодчи.
- 3.9. Айрим файласуфлар депутат эмас.
- 3.9. Маҳалла – тарбия ўчоғи.
- 3.10. Айрим китоблар иқтисодий муаммоларга бағишланган.


4-машқ. Ҳукмларнинг бирлашган таснифини беринг, уларнинг схемасини келтиринг.

Намуна: Айрим талабалар – аълочидир. Баъзи S P дир – жузъий тасдиқ ҳукми (1).

- 4.1. Ҳеч бир тараққийпарвар одам тинчликка қарши эмас.
- 4.2. Ҳар бир профессионал фулболчи ўз маҳорат даражасига эга.
- 4.3. Амир Темур – жаҳондаги буюк саркарда ва сиёсатчиларидан бири.
- 4.4. Балиқлар сувда яшайди.
- 4.5. Тараққиётнинг ўзбек модели асосида беш тамойил ётади.
- 4.6. Ҳеч бир ҳодиса сабабсиз бўлмайди.
- 4.7. Айрим тўртбурчаклар квадрат эмас.

- 4.8. Айрим ҳудудларда чекиш таъқиқланади.
 4.9. Шу азиз Ватан ҳаммамизники.
 4.10. Раҳбариятга берилган ҳеч бир шикоят жавобсиз қолмаслиги керак.


5-машқ. Ҳукмларнинг бирлашган таснифини беринг. Эйлер айланаси ёрдамида атамалар ўртасидаги муносабатни тасвирланг, субъект ва предикатнинг тақсимланишини аниқланг.



Намуна: Ҳукм – тафаккур шаклидир. Умумий тасдиқ ҳукми (А). S бўлинган, P – бўлинмаган.

- 5.1. Ҳеч бир инсон адолат учун азоб чекиши мумкин эмас.
 5.2. 15 ёшга кирган айрим шахслар ишга қабул қилиниши мумкин.
 5.3. Одам савдоси билан шуғулланиш оғир жиноятдир.
 5.4. Чет элдан тарқатилган айрим маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмайди.
 5.5. Ўзбекистон Конституциясининг айрим моддалари жамоат ташкилотлари фаолиятига бағишланган.
 5.6. Фақат талантли нотикқина ёдлаб олган сўзларни айтмайди.
 5.7. Китоблардаги баъзи фикрлар эскирган.
 5.8. Баъзи ёзувчилар драматургдирлар.
 5.9. Баъзи иқтисодчилар олимдирлар.
 5.10. ТДИУ – юқори обрўга эга олий ўқув юртидир.

6-машқ. Чизмалардан қайси бири келтирилган ҳукмларда терминлар муносабатини тўғри ифодалайди?



- 6.1. ТДИУ талабалари мантиқ фанини ўқийдилар.
 6.2. Айрим янги экспонатлар музейга топширилди.
 6.3. 8-гуруҳнинг фақат 4 талабаси мантиқ бўйича қўшимча машғулотга келмади.
 6.4. Талабанинг ҳеч бир саволи жавобсиз қолмаслиги керак.
 6.5. Хусусий мулк инсон эркинлигининг иқтисодий асосидир.
 6.6. Ошкоралик – демократиянинг муҳим белгисидир.
 6.7. Ҳеч бир инсон 300 йил яшамайди.
 6.8. Баъзи балиқлар лаққа балиқдир.
 6.9. Ҳамма тирик организм нафас олади.

6.10. Кўпчилик ёшлар ижтимоий фаоллик билан ажралиб турадилар.

7-машқ. Мураккаб ҳукмнинг кўринишини аниқланг, унинг таркибий қисмларини (оддий ҳукмларни) кўрсатинг, ҳукмни символлар ёрдамида ёзинг.

Намуна: Вазирликнинг қарори вазир ёки унинг бир ўринбосари имзоси билан эълон қилинади. Айирувчи (дизъюнктив) ҳукм, таркибидаги оддий ҳукмлар: 1. Вазирлик-нинг қарори вазир имзоси билан эълон қилинади. 2. Вазирликнинг қарори вазирнинг бир ўринбосари имзоси билан эълон қилинади (q). Символлик ёзуви $p \vee q$ –қатъий дизъюнкция.

7.2. Афлотун, Арасту – Қадимги грек фалсафасининг вакиллари дир.

7.2. Анахарсис Туркистон фалсафасини Грецияда тарғиб қилди, 7 донишманднинг бири ҳисобланди.

7.3. Шартнома асосида ўқийдиган талаба ёки белгиланган пулни тўлайди, ёки ўқишни тўхтатади.

7.4. Ўзбекистон фуқаролари миллатлари, динлари, жинсларидан қатъий назар тенг ҳуқуққа эга дirlар.

7.5. Машғулотларга қатнамайдиган, ўқимайдиган талаба имтиҳондан қониқарсиз баҳо олади.

7.6. Прокурор суд мажлисида айбловни ёки қувватлаши, ёки инкор қилиши керак.

7.7. Кечирим оҳанги ҳам, қўполлик ҳам, қайсарлик ҳам мунозарани беэамайди.

7.8. Агар Н. Ўзбекистон фуқароси бўлса, у 18 ёшга киргандан кейин сайлаш ҳуқуқига эга бўлади.

7.9. ТДИУда ўқиган талаба ё бизнесмен, ё иқтисодчи, ё банкир бўлади.

7.10. Бу касал ё ўлади, ё мажруҳ бўлиб қолади.

8-машқ. Бирлаштирувчи ва айирувчи ҳукмларни топинг, уларда дизъюнкция кўринишини кўрсатиб, ҳукмнинг символик ёзувини келтиринг.

Намуна: жамият антагонистик ёки ноантагонистик бўлиши мумкин. Дизъюнктив ҳукм. $p \vee q$ (кучли дизъюнкция).

8.1. Барчамиз табиат учун келгуси авлод олдида, тарих олдида жавобгармиз.

8.2. Инсон ёки ўғил, ёки қиз туғади.

8.3. Адвокат ишни ёки тўпланган фактик материал бўйича, ёки далилларнинг ишончлилиги бўйича, ёки фактлар ҳуқуқий баҳосининг тўғрилигига асосланиб кўради.

8.4. Касал бўлган одам ёки иш жойи бўйича, ёки яшаш жойи бўйича докторга мурожаат қилиши керак.

8.5. Бундан кейинги жаҳон урушида на фронт, на жангчи, на бетараф бўлади.

8.6. Хусусий мулк ёки жамоавий, ёки бир кишига тегишли бўлиши мумкин.

8.7. Кечалар ёки ойдин, ёки қоронғу бўлади.

8.8. Ҳар бир фуқаронинг иши табиатни асраш, унинг бойлигини сақлаб қолиш бўлиши керак.

8.9. Қўзиқоринлар ёки заҳарли, ёки заҳарсиз бўлади.

8.10. Алининг ёшидан Валининг ёши ёки кичик, ёки катта, ёки улар тенгдирлар.

9-машқ. Қуйидаги шартли ҳукмлардан антецедент ва консеквентни кўрсатинг, унинг символик ёзувини келтиринг.

Намуна: Агар талаба имтиҳонга тайёрланган бўлса (р) уни муваффақиятли топшириши мумкин (q) Антецедент (асос) – р, консеквент (натижа) – $q \cdot p \rightarrow q$.

9.1. Агар етарли балл тўплай олсанг, албатта ўқишга қабул қилинасан.

9.2. Агар ҳайдовчи тормозни босганида эди – асфалтда ғилдиракнинг изи қолган бўларди.

9.3. Агар менинг тахминим тўғри чиқмаса, мен жуда хайрон қолган бўлардим.

9.4. Агар унинг дипломи бўлганида эди, ишга шубҳасиз қабул қилинади.

9.5. Агар ўқитувчи содда ва аниқ қилиб тушунтирганда эди, ўзлаштириш қийин бўлган материал тушунарли бўлган бўлар эди.

9.6. Чексанг – соғлигингга зарар етказасан.

9.7. Агар вақтинчалик иш муддати давомида ходим билан шартнома тўхтатилмаса, у доимий ишга кирган ҳисобланади.

9.8. Агар сен қаттиққўл бўлсанг, аввало ўзингга нисбатан қаттиққўл бўл.

9.9. Агар сенга одамлар яхшилик қилишса – унутма; агар сен одамларга яхшилик қилсанг – бу ҳақда унут.

9.10. Денгиз устида кушлар пайдо бўлди – ер яқин.

10-машқ. Алетик модал ҳукмларни аниқланг: у зарурийми ёки тасодифийми, мумкин ёки мумкин эмаслигини белгиланг. Ҳукмни медал операторлар ёрдамида ёзинг.

Намуна: Иқтисодий асос ўзгариши билан устқурмада ҳам ўзгариш тез ёки секин амалга ошади. Мазкур ҳукм (р) зарурий. Унинг ёзуви: $\square p$.

10.1. Материяни ҳаракатсиз фикрлаб бўлмаганидай, ҳаракатни ҳам материясиз тушуниб бўлмайди.

10.2. Жамият ривожланишининг тезлашуви демократиянинг кенгайиши ва чуқурлашувисиз бўлмайди.

10.3. Айбланувчи оқланиши мумкин.

10.4. Материя ва энергиянинг айнийлиги ҳақидаги фикр албатта ҳатодир.

10.5. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши юрак-қон томир ва ўпка касалликларининг келиб чиқишига туртки беради.

10.6. Ғафур Ғулом 1903 йилда Тошкентда туғилган.

10.7. Қисқа муддатли уйқу қочиши соғлом одамларда чарчоқдан келиб чиқиши мумкин.

10.8. 1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

10.9. Эҳтимол, эртага иссиқроқ бўлиши мумкин.

10.10. Диний экстремизм – диний фанатизмнинг зарурий натижасидир.

11-машқ. Деонтик ва эпистемик модалликни аниқланг, уларни маълум операторлар ёрдамида О, Р, F операторлари ёрдамида ёзинг.

Намуна: Ёнғин хавфи бўлган кимёвий ашёларни иссиқлик манбаларидан узоқроқ жойда ёпиқ ҳолда сақланг: Рухсат берилган Рр.

11.1. Ёнғин бўлган тақдирда 01 телефон рақамига қўнғироқ қилинг.

11.2. Пойтахтимизнинг кўркем жойлари билан танишишни истаганлар, саёхатлар бюросининг автобусларига ўтиринглар.

11.3. Қудуққа тупурма – ундан сув ичишингга тўғри келиши мумкин.

11.4. Ласетти машинаси ҳайдовчиси, тўхтаг!

11.5. Жамоат транспортида осон ёниб кетадиган нарсаларни ташиш тақиқланади.

11.6. Фуқаролар, махсус ёрдамчилар хизматидан фойдаланинг, ўз нарсаларингизни тасодиқий кишиларга ишонманг.

11.7. Ҳурматли йўловчилар, бутун рейс давомида чекишдан сақланишингизни сўраймиз.

11.8. Кўчадан яшил чироқ ёнганда ўтаётганда, аввал чапга, кейин ўнгга қараш керак.

11.9. Барча ходимлар диққатига: хизмат хоналарида электр асбобларидан фойдаланманг.

11.10. Эшикнинг олдида тўхтаб қолманг, автобуснинг салонига ўтинг!

36. Хулоса тафаккур шакли сифатида. Хулосалар турлари

Хулоса - бу бир ёки бир неча ҳукмлардан янги ҳукм ясаладиган тафаккур шаклидир.

Ҳар қандай хулоса асос, хулоса ва натижадан иборат бўлади. Янги ҳукмни яшашга асос бўладиган бошланғич ҳукмлар хулосанинг асослари дейилади. Мантикий йўл билан асослардан олинган янги ҳукм хулоса дейилади. Асослардан хулосага мантикий ўтиш натижа дейилади.

Масалан: “Агар судья жабрланувчи бўлиб ҳисобланадиган бўлса, унда у ишнинг кўриб чиқилишида қатнашиши мумкин эмас (1). Судья Н. - жабрланувчи (2). Демак, у ишнинг кўриб чиқилишида қатнашиши мумкин эмас (3)”.

Ушбу хулосада 1- ва 2-ҳукмлар асослар, 3-ҳукм - хулоса бўлиб ҳисобланади.

Хулосани таҳлил этишда асослар билан хулосани алоҳида, бирини бошқасининг остида жойлаштириб, ёзиб қўйиш қабул қилинган. Хулоса уни асослардан ажратиб турадиган ва мантикий эргашишни ифодаладиган горизонтал чизик остига ёзилади. “Бинобарин” сўзи ва маъносига кўра унга яқин бошқа сўзлар (“демак”, “шунинг учун” ва шу кабилар) одатда чизик остига ёзилмайди. Шунга мувофиқ равишда келтирилган мисол шундай кўринишда бўлади:

Агар судья жабрланувчи бўлиб ҳисобланадиган бўлса, унда у ишнинг кўриб чиқилишида қатнашиши мумкин эмас.

Судья Н. - жабрланувчидир.

Судья Н. ишнинг кўриб чиқилишида қатнашиши мумкин эмас.

Асослар ўртасидаги уларнинг мазмунига кўра алоқа асослар билан хулоса ўртасидаги мантикий эргашув муносабатларини назарда тутати. Агар ҳукмлар бири-бири билан мазмунига кўра боғланмаган бўлса, унда улардан хулоса чиқариш мумкин эмас. Асослар ўртасида мазмунли алоқа мавжуд бўлганида биз мулоҳаза жараёнида қуйидагича икки шартга риоя қилган ҳолда янги чин билимни олишимиз мумкин: биринчидан, бошланғич ҳукмлар - хулосанинг асослари чин бўлиши керак; иккинчидан, мулоҳаза жараёнида хулосанинг мантикий жиҳатдан тўғри бўлишини назарда тутадиган натижа қоидаларига риоя қилиш лозим.

Хулосалар қуйидаги турларга бўлинади.

1. Натижа қоидаларининг қатъийлигига қараб ошкора (зарурий) ва ошкор бўлмаган (ҳақиқатга ўхшаш) хулосалар фарқланади. **Ошкора хулосалар улардаги хулосанинг зарурий тарзда асослардан келиб чиқиши билан тавсифланади, яъни бунга ўхшаган хулосаларда мантикий эргашув мантикий қонундан иборат бўлади. Ошкор бўлмаган хулосаларда фақат асослардан чиқарилган хулосанинг эҳтимолли эргашуви хулоса қоидаларини таъминлайди.**

2. Умумийликнинг турли даражасига эга билим ўртасидаги алоқанинг асослар ва хулосада ифодаланган шакли бўйича хулосаларнинг уч тури фарқланади: **дедуктив** (умумий билимдан хусусий билим сари), **индуктив** (хусусий билимдан умумий билим сари), **ўхшашлигига қараб хулосалар** (хусусий билимдан хусусий билим сари).

37. Бевосита дедуктив хулосалар: ўзгариш

Умумий билимдан хусусий билимга томон ўтиш мантикий зарурият бўлиб ҳисобланадиган хулосалар дедуктив (лотинча - чиқариш сўзидан) хулосалар дейилади.

Дедуктив хулосалар асослар сонига қараб бевосита ва билвосита хулосаларга бўлинади. Хулоса бир асос негизида чиқариладиган хулосалар бевосита хулосалар, хулоса иккита ёки ундан ортиқ асос негизида чиқариладиган хулосалар билвосита хулосалар, дейилади.

Бевосита хулосалар қуйидагиларни ўз ичига олади: ўзгариш, ундалма, предикатга қарама-қарши қўйиш, мантикий квадрат бўйича хулосалар.

Ушбу хулосаларнинг ҳар биридан натижа ҳукмнинг тури - унинг миқдорий ва сифатга оид тавсифномалари билан боғлиқ бўлган мантикий қоидаларга мувофиқ олинади.

Ўзгартириш

Ҳукмнинг сифатига кўра бошланғич ҳукмнинг предикатига зид келадиган предикатга эга ҳукмга айлантирилиши ўзгартириш, дейилади. Ўзгартириш шундай қоидага таянади: икки марталик инкор тасдиққа тенгдир: $\neg \neg p = p$.

Умумий тасдиқ, умумий инкор, жузъий тасдиқ ва жузъий инкор ҳукмларни ўзгартириш мумкин.

Умумий тасдиқ ҳукм (А) умумий инкор ҳукм (Е) қилиб ўзгартирилади. Масалан: “Бизнинг жамоамиздаги барча ходимлар - малакали мутахассислар. Бинобарин, бизнинг жамоадаги ҳеч бир ходим малакасиз мутахассис ҳисобланмайди”.

Барча S лар P дир.

Ҳеч бир S P эмас.

Умумий инкор этувчи ҳукм (Е) умумий тасдиқловчи ҳукм (А) қилиб ўзгартирилади. Масалан: “Диний таълимотларнинг ҳеч қайсиси илмий бўлиб ҳисобланмайди. Бинобарин, ҳар қандай диний таълимот ғайриилмий ҳисобланади”.

Ҳеч бир S P эмас.

Барча S P дир.

Жузъий тасдиқ ҳукми (I) жузъий инкор ҳукм (O) қилиб ўзгартирилади. Масалан: “Айрим давлатлар федератив давлат бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, айрим давлатлар федератив давлат бўлиб ҳисобланмайди”.

Айрим S P дир.

Айрим S P эмас.

Жузъий инкор ҳукми (O) жузъий тасдиқ ҳукм (I) қилиб ўзгартирилади. Масалан: “Айрим жиноятлар қасддан қилинган жиноят бўлиб ҳисобланмайди. Бинобарин, айрим жиноятлар қасддан қилинмаган жиноятлар ҳисобланади”.

Айрим S лар P эмас.

Айрим S лар P дир.

38. Бевосита дедуктив хулоса: айлантириш

Бошланғич ҳукм субъекти предикат, предикат эса - хулосанинг субъектига айланишига олиб келадиган ўзгартириш айлантириш, дейилади.

Айлантириш шундай қоидага бўйсунади: асосда тақсимланмаган атама хулосада тақсимланиши мумкин эмас.

Содда (соф) айлантириш ва чеклашга эга айлантириш фарқланади.

Ҳукм сони ўзгартирилмайдиган айлантириш содда ёки соф айлантириш дейилади. Ҳар иккала атама ҳам тақсимланган ёки иккаласи ҳам тақсимланмаган ҳукмлар шу тарзда юритилади. Агар бошланғич ҳукм предикати тақсимланмаган бўлса, унда у субъектга айланадиган хулосада ҳам тақсимланмайди. Шунинг учун унинг ҳажми чеклангандир. Бундай айлантириш чеклашга эга ундалма, дейилади.

Умумий тасдиқловчи ҳукм (А) жузъий тасдиқловчи ҳукмга (I), яъни чеклашга эга ҳукмга айланади. Масалан, “Бизнинг гуруҳнинг ҳамма талабалари (S) имтиҳонларни топширишди (P). Бинобарин, имтиҳонларни топширган айрим талабалар (P) - бизнинг гуруҳ талабаларидир (S)”.

Ҳамма S P дир.

Айрим P S дир.

Умумий тасдиқловчи ажратувчи ҳукмлар (уларда предикат тақсимланган) чеклашларсиз қуйидаги чизма бўйича ўзгаради.

Ҳамма S ва фақат S P дир.

Ҳамма P S дир.

Умумий инкор ҳукми (E) умумий инкор ҳукмига, яъни чеклашсиз ҳукмга айланади. Масалан, “Бизнинг гуруҳнинг биронта талабаси (S) ўзлаштирмовчи бўлиб ҳисобланмайди (P). Бинобарин, биронта ҳам ўзлаштирмовчи (P) - бизнинг гуруҳ талабаси ҳисобланмайди (S)”.

Ҳеч бир S P эмас.

Ҳеч бир P S эмас.

Жузъий тасдиқ ҳукми (I) жузъий тасдиқ ҳукмига (I) ҳукмга айланади. Бошланғич ҳукмда тақсимланмаган предикат хулосада ҳам тақсимланмаган. Ҳукмлар сони ўзгармайди. Масалан, “Бизнинг гуруҳнинг айрим талабалари (S) - аълочилардир (P). Бинобарин, айрим аълочилар (P) - бизнинг гуруҳ талабаларидир (S)”.

Айрим S P дир.

Айрим P S дир.

Жузъий тасдиқловчи ажратувчи ҳукм (предикат тақсимланган) умумий тасдиқловчи ҳукмга айланади. Масалан, “Айрим ижтимоий хавфли қилмишлар (S) одил судловга қарши жиноятлар ҳисобланади (P). Бинобарин, одил судловга қарши барча жиноятлар (P) - ижтимоий хавфли қилмишлар ҳисобланади (S)”.

Айрим S лар ва фақат S лар P дир.

Ҳамма P лар S дир.

Жузъий инкор этувчи ҳукм ўзгармайди.

39. Бевосита дедуктив хулоса: предикатга қарама-қарши қўйиш

Субъект предикатга зид келадиган тушунчага айланадиган, предикат эса - бошланғич ҳукмнинг субъекти бўлиб қоладиган ўзгартириш предикатга қарама-қарши қўйиш, дейилади.

Предикатга қарама-қарши қўйиш ўзгартириш ва айлантириш натижаси сифатида кўриб чиқилиши мумкин: S - P бошланғич ҳукми ўзгартириш билан S нинг P-эмасга муносабатини аниқлаймиз; ўзгартириш йўли билан олинган ҳукм ўзгаргач, P-эмаснинг S га нисбатан муносабати белгиланади.

Предикатга қарама-қарши қўйиш йўли билан олинган хулоса бошланғич ҳукмнинг сони ва сифатига боғлиқ бўлади.

Умумий тасдиқ ҳукми (А) умумий инкор ҳукми (Е) бўлиб ўзгаради. Масалан: “Ҳамма адвокатлар юридик маълумотга эга. Бинобарин, юридик маълумотга эга бўлмаган биронта шахс адвокат ҳисобланмайди”.

Ҳамма S лар P дир.

Ҳеч бир P-эмас S эмас.

Умумий инкор этувчи ҳукм (Е) жузъий тасдиқ ҳукми (I) бўлиб ўзгаради. Масалан: “Бизнинг шаҳардаги биронта ҳам саноат корхонаси зарар билан ишлайдиган корхона бўлиб ҳисобланмайди. Бинобарин, айрим зарар билан ишламайдиган корхоналар бизнинг шаҳардаги саноат корхоналари ҳисобланади”.

Ҳеч бир S P эмас.

Айрим P-эмаслар S дир.

Жузъий тасдиқ ҳукми (I) предикатга қарама-қарши қўйиш йўли билан ўзгармайди.

Жузъий инкор ҳукми (O) жузъий тасдиқ ҳукм (I) бўлиб ўзгаради. Масалан: “Айрим гувоҳлар балоғат ёшига етмаган бўлади. Бинобарин, айрим балоғат ёшига етмаганлар гувоҳлар бўлиб ҳисобланади”.


Айрим S лар P эмас.

Айрим P-эмас S дир.

40. Мантикий квадрат бўйича бевосита дедуктив хулоса чиқариш

Мантикий квадрат чизмаси бўйича тасвирланган А, Е, I, О қатъий ҳукмлари ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, бир ҳукмнинг чинлиги ёки хатолиги бошқа ҳукмнинг чинлиги ёки хатолигига эргашишини белгилаб, хулосаларни қуриш мумкин.

Мантикий квадратнинг юқори қисми умумий ҳукмларни, қуйи қисми жузъий ҳукмларни ифодалайди. Мантикий квадратнинг чап томонидан тасдиқ ҳукмлар, ўнг томонидан инкор ҳукмлар жойлашган.



Мантикий квадрат

Зиддият (контрадикторлик) муносабати: А - О, Е - І.

Бир-бирига зид келадиган ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар учинчиси истисно қонунига бўйсунмиш туфайли бир ҳукмнинг чинлигидан бошқа ҳукмнинг хатолиги, бир ҳукмнинг хатолигидан - бошқа ҳукмнинг чинлиги келиб чиқади. Масалан, “Ҳамма халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадир”, деган умумий тасдиқ ҳукми (А) нинг чинлигидан “Айрим халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга эмас”, деган жузъий инкор ҳукми (О) нинг хатолиги келиб чиқади; “Суднинг айрим ҳукмлари оқлов ҳукмлари бўлиб ҳисобланади” деган жузъий тасдиқ ҳукми (І) нинг чинлигидан “Суднинг биронта ҳам ҳукми оқлов ҳукми бўлиб ҳисобланмайди” (Е) деган умумий инкор ҳукмининг хатолиги келиб чиқади.

Хулосалар шундай чизмалар бўйича қурилади:

$A \rightarrow \neg O; \neg A \rightarrow O; E \rightarrow \neg I; \neg E \rightarrow I.$

Қарама-қаршилик (контрарлик) муносабати: А - Е. Бир ҳукмнинг чинлигидан бошқа ҳукмнинг хатолиги келиб чиқади, лекин улардан бирининг хатолигидан бошқасининг чинлиги келиб чиқмайди. Масалан, “Ҳамма халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадир”, деган умумий тасдиқ ҳукми (А) нинг чинлигидан “Ҳеч бир халқ ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга эмас”, деган умумий инкор этувчи ҳукм (Е) нинг хатолиги келиб чиқади. Лекин “Суднинг ҳамма ҳукмлари оқлов ҳукмлари бўлиб ҳисобланади” деган А ҳукмнинг хатолигидан “Суднинг биронта ҳам ҳукми оқлов ҳукми бўлиб ҳисобланмайди” (Е) деган ҳукмнинг чинлиги келиб чиқмайди. Бу ҳукм ҳам хатодир.

Қарама-қарши ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар зиддик қонунига бўйсунди:

$A \rightarrow \neg E, E \rightarrow \neg A, \neg A \rightarrow (E \vee \neg E), \neg E \rightarrow (A \vee \neg A).$

Қисман мутаносиблик (субконтрарлик) муносабати: І - О. Бир ҳукмнинг хатолигидан бошқа ҳукмнинг чинлиги келиб чиқади, лекин улардан бирининг чинлигидан бошқа ҳукмнинг чинлиги ҳам, хатолиги ҳам келиб чиқиши мумкин. Ҳар иккала ҳукм чин бўлиши ҳам мумкин. Масалан, “Айрим врачлар тиббий маълумотга эга эмас”, деган хато ҳукмдан “Айрим врачлар тиббий маълумотга эгадир”, деган чин ҳукм келиб чиқади, “Айрим гувоҳлар сўроқ қилинган”, деган чин ҳукмдан “Айрим гувоҳлар сўроқ қилинмаган”, деган ҳукм келиб чиқадики, бу ҳукм чин ҳам, хато ҳам бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, субконтрар ҳукмлар биргаликда хато бўлиши мумкин эмас; жуда бўлмаганда, уларнинг биттаси чин бўлади:

$\neg I \rightarrow O; \neg O \rightarrow I; I \rightarrow (O \vee \neg O); O \rightarrow (I \vee \neg I).$

Бўйсунганлик муносабати (A - I, E - O). Бўйсундирувчи ҳукмнинг чинлигидан бўйсунувчи ҳукмнинг чинлиги келиб чиқади, лекин аксинча бўлмайди: бўйсунган ҳукмнинг чинлигидан бўйсундирувчи ҳукмнинг чинлиги келиб чиқмайди, у ё чин, ё хато бўлиши мумкин. Масалан, A “Ҳамма врачлар тиббий маълумотга эгадир” деган бўйсундирувчи ҳукмнинг чинлигидан унга бўйсунувчи I “Айрим врачлар тиббий маълумотга эгадир” деган ҳукмнинг чинлиги келиб чиқади. “Айрим гувоҳлар сўроқ қилинган”, деган чин бўйсунувчи ҳукмдан “Ҳамма гувоҳлар сўроқ қилинган”, деган бўйсундирувчи ҳукмнинг чинлигини зарурий тарзда тасдиқлаш мумкин эмас:

$A \rightarrow I; E \rightarrow O; I \rightarrow (A \vee \neg A); O \rightarrow (E \vee \neg E).$

Бўйсунган ҳукмнинг чинлигидан бўйсундирувчи ҳукмнинг хатолиги келиб чиқади, лекин бунинг тескариси бўлмайди: бўйсунтирувчи ҳукмнинг хатолигидан бўйсунувчи ҳукмнинг хатолиги зарурий равишда келиб чиқмайди; у чин ҳам, хато ҳам бўлиши мумкин. Масалан, (O) “Айрим халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлмайди” бўйсунувчи ҳукмнинг хатолигидан (E) “Ҳеч бир халқ ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлмайди” деган бўйсундирувчи ҳукмнинг хатолиги келиб чиқади. Агар (A) “Ҳамма гувоҳлар сўроқ қилинган” бўйсундирувчи ҳукми хато бўлса, унда унга бўйсунадиган (I) “Айрим гувоҳлар сўроқ қилинган” ҳукми чин ҳам, хато ҳам бўлиши мумкин (эҳтимол, биронта ҳам гувоҳ сўроқ қилинмаган бўлиши мумкин).

Мантикий квадратда “айрим” сўзи “жуда бўлмаганда, айрим” деган маънода ишлатилади.

$\neg I \rightarrow \neg A; \neg O \rightarrow \neg E; \neg A \rightarrow (I \vee \neg I); \neg E \rightarrow (O \vee \neg O).$

41. Содда қатъий силлогизм, унинг тузилиши ва аксиома

Содда қатъий силлогизм учта қатъий ҳукмлардан иборат бўлиб, улардан икитаси асослар, учинчиси эса - хулоса бўлади. Масалан,

“Айбланувчи ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

Тошев - айбланувчи.

Тошев ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир”.

Силлогизмни ташкил этадиган ҳукмларни тушунчаларга ажратамиз. Бундай тушунчалар учта бўлади, бунда уларнинг ҳар бири иккита ҳукмнинг таркибига киради: “Айбланувчи” - 1-(асос)га субъект сифатида ва 2-(асос)га предикат сифатида; “ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир” - 1-(асос)га ва 3-(хулоса)га уларнинг предикатлари сифатида; “Тошев” - 2-(асос)га ва 3-(хулоса)га уларнинг субъектлари сифатида киради.

Силлогизм таркибига кирадиган тушунчалар силлогизм атамалари дейилади. Кичик, катта ва ўртача атамалар фарқланади.

Хулосада субъект бўладиган тушунча (бизнинг мисолда: “Тошев” тушунчаси) силлогизмнинг кичик атамаси дейилади. Хулосада предикат бўладиган тушунча

(“ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир”) силлогизмнинг катта атамаси дейилади. **Кичик ва катта атамалар четки атамалар дейилади** ва тегишлича лотинча S (кичик атама) ва P (катта атама) ҳарфлари билан белгиланади.

Четки атамаларнинг ҳар бири нафақат хулосага, шу билан бирга асослардан бирига ҳам киради. **Кичик атамани ўз ичига оладиган асос кичик асос, катта атамани ўз ичига оладиган асос катта асос, дейилади.** Бизнинг мисолда биринчи ҳукм (1) катта асос, иккинчи ҳукм (2) - кичик асос, дейилади.

Ҳар иккала асосга ҳам кирадиган ва хулоса таркибида бўлмайдиган тушунча (бизнинг мисолда - “айбланувчи”) силлогизмнинг ўрта атамаси, дейилади. Ўрта атама лотинча M ҳарфи билан белгиланади.

Айбланувчи (M) ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

Тошев (S) - айбланувчи (M).

Тошев (S) ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир (P).

Шундай қилиб, **содда қатъий силлогизм - бу иккита четки атамаларнинг уларнинг ўртача атамага муносабати асосидаги муносабати ҳақидаги хулосадир.**

Силлогизм аксиомаси хулосанинг, яъни асослардан хулосага мантиқий ўтишнинг қонунийлигини асослайди: **айрим синфнинг жами предметларига нисбатан тасдиқланадиган ёки рад этиладиган ҳамма нарса ушбу синфдаги ҳар бир предмет ва уларнинг ҳар қандай қисмига нисбатан ҳам тасдиқланади ёки рад этилади.**

Ушбу мисолда - жами айбланувчиларга нисбатан тасдиқланадиган ҳамма нарса аниқ бир айбланувчига нисбатан ҳам тасдиқланади.

42. Содда қатъий силлогизм атамалари қоидалари

Оддий асослардан ҳақиқий хулосани фақат силлогизм қоидаларига риоя этилгани ҳолда олиш мумкин бўлади. Бундай қоидалар еттита бўлиб, улардан учтаси атамаларга ва тўрттаси - асосларга тегишлидир.

1-қоида: силлогизмда фақат учта атама бўлиши керак. Силлогизмдаги асос иккита четки атамаларнинг ўрта атамага муносабатига асосланган, шунинг учун унда фақат учта атама бўлиши мумкин. Ушбу қоиданинг бузилиши бир тушунча деб қабул қилинадиган ва ўрта атама сифатида кўриб чиқиладиган турли тушунчаларнинг айнан бир хил деб қаралиши билан боғлиқдир. Бундай хато айният қонуни талабларининг бузилишига асосланади ва **атамаларнинг тўрттага кўпайтирилиши** дейилади. Масалан, қуйидаги асослардан хулосани олиш мумкин эмас: “Қонунларни одамлар яратмайди” ва “Қонун - бу давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатдир”, чунки биз учта атаманинг ўрнига тўртта атама билан иш олиб борамиз: биринчи асосда одамларнинг онгидан қатъи назар амал қиладиган объектив қонунлар, иккинчисида - давлат томонидан белгиладиган юридик қонун назарда тутилмоқда. Бу четки атамалар боғлай олмайдиган иккита турли хил тушунчалардир.

2-қоида: ўрта атама жуда бўлмаганда асослардан бирида тақсимланиши лозим. Агар ўрта атама асослардан ҳеч бирида тақсимланмаган бўлса, унда четки атамалар ўртасидаги алоқа ноаниқлигича қолади. Масалан, “Айрим юристлар (M) -

адвокатлар хайъатининг аъзоларидир (P)”, “Бизнинг жамоадаги ҳамма ходимлар (S) - юристлардир (M) асосларида ўрта атама (M) катта асосда тақсимланмаган, чунки у жузъий ҳукм субъекти ҳисобланади ва тасдиқловчи ҳукмнинг предикати сифатида кичик асосда ҳам тақсимланмаган. Бинобарин, ўрта атама асослардан ҳеч бирида тақсимланмаган. Бундай ҳолда четки атамалар (S ва P) ўртасидаги зарурий алоқани белгилаш мумкин эмас.

3-қоида: асосда тақсимланмаган атама хулосада ҳам тақсимланмайди.

Масалан,

“Маънавий нормалар (M)га давлат томонидан санкция берилмайди (P)”.

Маънавий нормалар (M) - ижтимоий тартибга солиш шакллари (S).

Ижтимоий тартибга солинадиган маънавий нормаларнинг айрим шакллари (S) га давлат томонидан санкция берилмайди (P).

Кичик атама (S) асосда тақсимланмаган (тасдиқловчи ҳукмнинг предикати сифатида), шунинг учун у хулосада ҳам тақсимланмаган (хусусий ҳукмнинг субъекти сифатида). Умумий ҳукм шаклидаги (“Ижтимоий тартибга солинадиган маънавий нормаларнинг ҳеч бир шаклига давлат томонидан санкция берилмайди”) тақсимланган субъектли хулосани чиқаришни қоида таъқиқлайди. Четки атамаларнинг тақсимланиши қоидасининг бузилиши билан боғлиқ бундай хато кичик (ёки каттароқ) атаманинг ноқонуний кенгайтиши дейилади.

43. Содда қатъий силлогизмнинг асослари қоидалари

1-қоида: асосларнинг жуда бўлмаганда биттаси тасдиқловчи ҳукм бўлиши керак. Иккита инкор этувчи асослардан зарурий тарздаги хулоса келиб чиқмайди.

Масалан, “Бизнинг институт талабалари (M) биологияни ўрганишмайди (P)”, “ИТИ ходимлари (S) бизнинг институт талабалари ҳисобланмайди (M)” асосларидан зарур хулосани чиқариб бўлмайди, чунки ҳар иккала четки атамалар (S ва P) ўрта атамадан истисно этилади. Шунинг учун ўрта атама четки атамалар ўртасида муайян муносабатни белгилаши мумкин эмас.

2-қоида: агар асослардан биттаси - инкор этувчи ҳукм бўлса, унда хулоса ҳам инкор этувчи бўлиши керак.

Масалан:

Жабрланувчининг қариндоши бўлган судья (M) ишнинг кўриб чиқилишида қатнашиши мумкин эмас (P).

Судья К. (S) - жабрланувчининг қариндошидир (M).

Судья К. (S) ишнинг кўриб чиқилишида қатнашиши мумкин эмас (P).

3-қоида: асосларнинг жуда бўлмаганда биттаси умумий ҳукм бўлиши керак. Иккита хусусий асослардан зарурий хулоса келиб чиқмайди.

Агар ҳар иккала асос – жузъий тасдиқловчи ҳукмлар (II) бўлса, унда атамаларнинг 2-қоидасига кўра хулоса чиқариб бўлмайди: жузъий тасдиқловчи ҳукмда на субъект, на предикат тақсимланмаган бўлади, шунинг учун ўрта атама ҳам асосларнинг ҳеч бирида тақсимланмаган.

Агар ҳар иккала асослар – жузъий инкор этувчи ҳукмлар (OO) бўлса, унда асосларнинг 1-қоидасига кўра хулоса чиқариб бўлмайди.

Агар битта асос - жузъий тасдиқловчи бўлиб, иккинчиси - жузъий инкор этувчи (IO ёки OI) бўлса, унда бундай силлогизмда фақат битта атама - жузъий инкор этувчи хукмнинг предикати тақсимланган бўлади. Агар бу атама ўрта атама бўлса, унда хулоса чиқариб бўлмайди, чунки асосларнинг 2-қоидасига биноан хулоса инкор этувчи бўлиши керак. Лекин бундай ҳолда хулосанинг предикати тақсимланган бўлиши керакки, бу атамаларнинг 3-қоидасига зид келади: 1) асосда тақсимланмаган катта атама хулосада тақсимланади; 2) агар катта атама тақсимланган бўлса, унда атамаларнинг 2-қоидасига биноан хулоса чиқарилмайди.

4-қоида: агар асослардан биттаси - жузъий ҳукм бўлса, унда хулоса ҳам жузъий бўлиши керак.

Агар бир асос умумий тасдиқловчи бўлиб, бошқаси эса - жузъий тасдиқловчи (AI, IA) бўлса, унда уларда фақат бир атама - умумий тасдиқловчи хукмнинг субъекти тақсимланган бўлади.


Атамаларнинг 2-қоидасига биноан бу ўрта атама бўлиши керак. Лекин бундай ҳолда иккита четки атамалар, шу жумладан, кичик атама, тақсимланмайди. Шунинг учун атамаларнинг 3-қоидасига мувофиқ кичик атама жузъий ҳукм бўладиган хулосада тақсимланмайди.

Агар асослардан биттаси тасдиқловчи бўлиб, бошқаси эса - инкор этувчи ва уларнинг биттаси жузъий асос (EI, AO, OA) бўлса, унда иккита атама: умумий инкор этувчи хукмнинг (EI) субъекти ва предикати ёки умумий хукмнинг субъекти ва жузъий хукмнинг предикати (AO, OA) тақсимланган бўлади. Лекин ҳар иккала ҳолда ҳам асосларнинг 2-қоидасига кўра хулоса инкор этувчи, яъни тақсимланган предикатли ҳукм бўлади. Ўрта атама иккинчи тақсимланган атама бўлиши кераклиги сабабли (атамаларнинг 2-қоидаси) кичик атама натижада тақсимланмаган бўлади, яъни ҳукм жузъий бўлади.

44. Қатъий силлогизмнинг биринчи фигураси, унинг қоидалари, модуслари ва билишдаги роли

Содда қатъий силлогизмнинг асосларида ўрта атама субъект ёки предикатнинг ўрнини эгаллаши мумкин. Шунга қараб силлогизмнинг фигуралар деб аталадиган тўртта тури фарқланади. **Силлогизм фигуралари - бу унинг ўрта атаманинг асослардаги ҳолатига қараб фарқланадиган ҳар хил турларидир.**

Биринчи фигурада ўрта атама катта асосда субъектнинг ва кичик асосларда предикатнинг ўрнини эгаллайди.



Сифати ва сонига кўра турлича бўлган ҳукмлар: умумий тасдиқловчи (А), умумий инкор этувчи (Е), жузъий тасдиқловчи (I) ва жузъий инкор этувчи (О) ҳукмлар силлогизмнинг асослари бўлиши мумкин.

Силлогизм асосларининг миқдорий ва сифатга оид тавсифномалари билан фарқланадиган турлари содда қатъий силлогизмнинг модуслари, дейилади. Тўртта фигурадаги вариантларнинг умумий сони 64 та модусдир, лекин уларнинг фақат 19 таси тўғри, яъни ҳамма қоидаларга мувофиқ келадиган бўлиб ҳисобланади. Биринчи фигура бўйича булар: **ААА, ЕАЕ, АП, ЕЮ** модусларидир.

Умумий қоидалардан ташқари, фигураларнинг махсус қоидалари ҳам амал қилади.

1-фигура қоидалари:

1. Катта асос - умумий ҳукм.
2. Кичик асос - тасдиқловчи ҳукм.

Биринчи фигура - дедуктив хулосанинг энг типик шаклидир. Кўпинча фан қонуни, ҳуқуқий нормани ифодаладиган умумий қоидадан алоҳида факт, ягона ҳолат, аниқ шахс ҳақидаги хулоса чиқарилади. Бундай фигура амалиётда кенг қўлланилади. Ҳуқуқий ҳодисаларнинг юридик баҳоси (квалификацияси), ҳуқуқ нормаларининг алоҳида ҳолатга нисбатан қўлланилиши, аниқ бир шахс содир этган жиноят учун жазонинг тайинланиши ва бошқа суд ечимлари силлогизмнинг 1-фигурасининг мантиқий шаклини қабул қилади.

45. Қатъий силлогизмнинг иккинчи фигураси, унинг қоидалари, модуслари ва билишдаги роли

Иккинчи фигурада ўрта атама ҳар иккала асоснинг ҳам предикати бўлиб келади.



Силлогизм асосларининг миқдорий ва сифатга оид тавсифномалари билан фарқланадиган турлари содда қатъий силлогизмнинг модуслари дейилади. Тўртта фигурадаги вариантларнинг умумий сони 64 та модусдир, лекин уларнинг фақат 19 таси тўғри, яъни ҳамма қоидаларга мувофиқ келадиган бўлиб ҳисобланади, шундан иккинчи фигура бўйича: **ЕАЕ, АЕЕ, ЕЮ, АОО.**

Умумий қоидалардан ташқари, фигураларнинг махсус қоидалари ҳам амал қилади.

2-фигура қоидалари:

1. Катта асос - умумий ҳукм.
2. Кичик асос - инкор этувчи ҳукм.


Алоҳида бир ҳолат (аниқ шахс, факт, ҳодиса)нинг умумий қоида остига келтирилиши мумкин эмаслигини кўрсатиш зарур бўлганида 2-фигура қўлланилади. Ушбу ҳолат катта асосда айтиб ўтилган предметлар қаторидан истисно этилади. Амалиётда 2-фигура мазкур аниқ ҳолатда хулосалар, умумий

қоидани ифодалайдиган асосда сўз борадиган нарсага зид келадиган қоидаларни инкор қилиш учун қўлланилади.

46. Қатъий силлогизмнинг учинчи фигураси, унинг қоидалари, модуслари ва билишдаги роли

Учинчи фигурада ўртача атама ҳар иккала асосда ҳам субъект бўлиб келади.

Сифати ва сонига кўра турлича бўлган ҳукмлар: умумий тасдиқловчи (А), умумий инкор этувчи (Е), жузъий тасдиқловчи (І) ва жузъий инкор этувчи (О) ҳукмлар силлогизмнинг асослари бўлиши мумкин.



Силлогизм асосларининг миқдорий ва сифатга оид тавсифномалари билан фарқланадиган турлари содда қатъий силлогизмнинг модуслари, дейилади. Тўртта фигурадаги вариантларнинг умумий сони 64 та модусдир, лекин уларнинг фақат 19 таси тўғри, яъни ҳамма қоидаларга мувофиқ келадиган бўлиб ҳисобланади, шундан учинчи фигура бўйича: **AAI, IAI, AII, EAO, OAO, EIO**.


Умумий қоидалардан ташқари, фигураларнинг махсус қоидалари ҳам амал қилади.

3-фигура қоидалари:

1. Кичик асос - тасдиқловчи ҳукм.
2. Хулоса - хусусий ҳукм.

3-фигура фақат хусусий хулосаларни бериш билан кўпинча бир предметга тегишли белгиларнинг қисман бир-бирига мослигини белгилаш учун қўлланилади. Амалиётда 3-фигура мулоҳазалари нисбатан кам ишлатилади.

Силлогизмнинг тўртинчи фигурасида ўрта термин катта асоснинг предикати, кичик асоснинг субъекти бўлиб келади.



Тўртинчи фигура 5 модусга эга: **AAI, AEE, IAI, EAO, EIO**.

47. Соф шартли хулоса

Ҳар иккала асослари шартли ҳукмлар бўлган хулоса соф шартли хулоса дейилади. Масалан:

Агар ихтиро бир неча фуқароларнинг (p) биргаликдаги ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, унда уларнинг ҳаммаси ихтиронинг ҳаммуаллифлари (q) дейилади.

Агар улар ихтиронинг ҳаммуаллифлари (r), деб эътироф этилса, унда ҳаммуаллифликда яратилган ихтиро учун ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби **ҳаммуаллифлар (r) ўртасидаги** битимга кўра белгиланади.

Агар ихтиро бир неча фуқароларнинг (p) биргаликдаги ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, унда ҳаммуаллифликда яратилган ихтиро учун ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби **ҳаммуаллифлар (r) ўртасидаги** битимга кўра белгиланади.

Келтирилган мисолда ҳар иккала асос - шартли ҳукмлардир, бунда биринчи асоснинг оқибати иккинчисининг асоси (q) ҳисобланади, ундан, ўз навбатида, муайян оқибат (r) келиб чиқади. Ҳар иккала асоснинг умумий қисми (q) биринчисининг асосини (p) ва иккинчисининг оқибатини (r) боғлашга имкон беради. Шунинг учун хулоса ҳам шартли ҳукм шаклида ифодаланади.

Соф шартли хулосанинг чизмаси:

$$(p \rightarrow q) \wedge (q \rightarrow r)$$

$$(q \rightarrow r)$$

Соф шартли хулосадаги натижа шундай қоидага асосланади: **оқибатнинг оқибати асоснинг оқибатидир.**

Хулосаси иккита шартли асосдан иборат бўладиган хулоса содда хулосаларга киради. Бироқ хулоса шартли ҳукмлар тизимини ҳосил қиладиган кўп сонли асослардан ҳам келиб чиқиши мумкин. Бундай хулосалар мураккаб хулосалар дейилади.

48. Шартли-қатъий хулоса

Асосларидан бири - шартли, бошқа асоси ва хулосаси - қатъий ҳукмлар бўладиган хулоса шартли-қатъий хулоса дейилади.

Бундай хулоса иккита тўғри модусга: тасдиқловчи ва инкор этувчи модусларга эга бўлади.

1) **Тасдиқловчи модусда** (modus ponens) қатъий ҳукм орқали ифодаланган асос шартли асоснинг негизлари чинлигини тасдиқлайди, хулоса эса оқибатнинг чинлигини тасдиқлайди; мулоҳаза асоснинг чинлигини тасдиқлашдан оқибатнинг чинлигини тасдиқлашга йўналтирилган.

Масалан:

Агар даъво юридик салоҳиятга эга бўлмаган шахс (p) томонидан қўйилган бўлса, унда суд даъвони кўриб чиқмайди (q).

Даъво юридик салоҳиятга эга бўлмаган шахс (p) томонидан қўйилган.

Суд даъвони кўриб чиқмайди (q).

Биринчи асос - асос (р) билан оқибат (р) нинг алоқасини ифодаладиган шартли хукмдир. Иккинчи асос - асоснинг ҳақиқатлигини (р) тасдиқлайдиган қатъий хукмдир: даъво юридик салоҳиятга эга бўлмаган шахс томонидан қўйилган. Биз асоснинг ҳақиқатлигини (р) эътироф этиб, оқибатнинг ҳақиқатлигини (q) ҳам тан оламиз: суд даъвони кўриб чиқмайди.

Тасдиқловчи модус ишончли хулосаларни беради. У қуйидаги чизмага эга бўлади:

$$\frac{p \rightarrow q, p}{q}$$

2) **Инкор этувчи модусда (modus tollens)** қатъий хукм орқали ифодаланган асос шартли асоснинг оқибати чинлигини инкор этади, хулоса эса асоснинг чинлигини инкор қилади. Мулоҳаза оқибатнинг чинлигини инкор қилишдан асоснинг чинлигини инкор қилишга йўналтирилган. Масалан:

Агар даъво юридик салоҳиятга эга бўлмаган шахс (р) томонидан қўйилган бўлса, унда суд даъвони кўриб чиқмайди (q).

Суд даъвони кўриб чиққан ($\neg q$).

Даъвонинг юридик салоҳиятга эга бўлмаган шахс (р) томонидан қўйилганлиги тўғри эмас ($\neg p$).

Инкор этувчи модуснинг чизмаси:

$$\frac{p \rightarrow q, \neg q}{\neg p}$$

Шуни аниқлаш мумкинки, шартли-қатъий силлогизмнинг: асоснинг ҳақиқатлигини инкор этишдан оқибатнинг ҳақиқатлигини инкор этишга ва оқибатнинг ҳақиқатлигини тасдиқлашдан асоснинг ҳақиқатлигини тасдиқлашга йўналтириладиган яна иккита тури бўлиши мумкин.

Бироқ бу модусларга доир хулоса ишончли бўлмайди. Шундай қилиб, шартли-қатъий хулосанинг асосларнинг барча эҳтимол тутилган комбинацияларини истисно этадиган тўртта модусларидан иккитаси: тасдиқловчи ва инкор этувчи модуслар ишончли хулосаларни беради. Улар мантиқ қонунларини ифодалайди ва шартли-қатъий хулосанинг тўғри модуслари дейилади. Бу модуслар шундай қоидага бўйсунди: **асоснинг тасдиқланиши оқибатнинг тасдиқланишига ва оқибатнинг инкор этилиши - асоснинг инкор қилинишига олиб боради.** Бошқа иккита модус ишончли хулосаларни бермайди. Улар нотўғри модуслар дейилади ва шундай қоидага бўйсунди: **асоснинг инкор этилиши зарурий инкор қилишга олиб бормайди ва оқибатнинг тасдиқланиши асоснинг зарурият билан тасдиқланишига олиб бормайди.**

49. Ажратувчи-қатъий хулоса

Асосларидан бири - ажратувчи, бошқа асоси ва хулоса қатъий ҳукмлар бўлган хулоса ажратувчи-қатъий хулоса дейилади.

Ажратувчи (дизъюнктив) ҳукмни ташкил этадиган содда ҳукмлар дизъюнкциянинг аъзолари ёки дизъюнктлар, дейилади. Масалан, “Облигациялар тақдим этиладиган ёки эгасининг номи кўрсатилган бўлиши мумкин” деган ажратувчи ҳукм “ёки” мантикий боғловчиси билан бириккан: “Облигациялар тақдим этиладиган бўлиши мумкин” ва “Облигациялар эгасининг номи кўрсатилган бўлиши мумкин” деган иккита ҳукм - дизъюнктлардан иборат бўлади.

Биз дизъюнкциянинг битта аъзосини тасдиқлаш билан бошқасини зарурий тарзда инкор этишимиз керак ва уларнинг биттасини инкор этиш билан - бошқасини тасдиқлашимиз лозим. Шунга мувофиқ равишда ажратувчи-қатъий хулосанинг иккита модуси: тасдиқловчи-инкор этувчи ва инкор этувчи-тасдиқловчи модуслари фарқланади.

1. Тасдиқловчи-инкор этувчи модусда (*modus ponendo tollens*) қатъий ҳукм бўлган кичик асос дизъюнкциянинг бир аъзосини тасдиқлайди, яна бир қатъий ҳукм - хулоса - унинг бошқа аъзосини инкор этади. Масалан:

Облигациялар тақдим этиладиган (*p*) ёки эгасининг номи кўрсатилган (*q*) бўлиши мумкин.

Ушбу облигация тақдим этиладиган (*p*) облигациядир.

Ушбу облигация эгасининг номи кўрсатилган (*q*) облигациядир.

Тасдиқловчи-инкор этувчи модуснинг чизмаси:

$$p \vee q \quad \text{¶} \quad q, p$$

¶ - қатъий дизъюнкция рамзи.

Агар қуйидаги қоидага риоя қилинса, унда ушбу модус бўйича хулоса ҳар доим ишончли бўлади: катта асос истисно этувчи-ажратувчи ҳукм ёки қатъий дизъюнкция ҳукми бўлиши керак. Агар бундай қоидага риоя этилмаса, унда ишончли хулосани олиб бўлмайди. Аслида, “Ўғирликни К. ёки Л. содир қилган” ва “Ўғирлик К. томонидан содир этилган” деган асослардан “Л. ўғирликни содир қилмаган” деган зарурий хулоса келиб чиқмайди. Эҳтимол, Л. ҳам ўғирлик содир этилишига дахлдор, К.нинг шериги бўлиши ҳам мумкин.

2. Инкор этувчи-тасдиқловчи модусда (*modus tollendo ponens*) кичик асос бир дизъюнктни инкор этади, хулоса бошқасини тасдиқлайди. Масалан:

Облигациялар тақдим этиладиган (*p*) ёки эгасининг номи кўрсатилган (*q*) бўлиши мумкин.

Ушбу облигация тақдим этилмайдиган ($\neg p$) облигациядир.

Ушбу облигация эгасининг номи кўрсатилган (*q*) облигациядир.

Инкор этувчи-тасдиқловчи модуснинг чизмаси:

$$\neg p \vee q \quad \text{¶} \quad p$$

q

<> - ёпиқ дизъюнкция рамзи.

Тасдиқловчи хулоса инкор этиш воситасида олинди: биз бир дизъюнктни инкор этиш билан бошқасини тасдиқлаймиз.

Агар қуйидаги қоидага риоя қилинса, унда ушбу модус бўйича хулоса ҳар доим ишончли бўлади: катта асосда барча эҳтимол тутилган ҳукмлар - дизъюнктлар санаб ўтилиши керак, бошқача айтганда, катта асос тўлиқ (ёпиқ) дизъюнктив фикр бўлиши лозим. Нотўлиқ (очиқ) дизъюнктив фикрни қўллаш билан ишончли хулосани олиб бўлмайди. Масалан:

Битим икки томонлама ёки кўп томонлама бўлиши мумкин.

Тузилган битим икки томонлама эмас.

Тузилган битим кўп томонламадир.

Бироқ бу хулоса ёлғон бўлиши ҳам мумкин, чунки катта асосда битимларнинг барча эҳтимол бўлган турлари ҳисобга олинмаган: асос нотўлиқ ёки очиқ, дизъюнктив фикрдан иборатдир (битим бир томонлама бўлиши ҳам мумкин, уни тузиш учун бир шахснинг ўз розилигини билдириши - ишончномани бериши, васиятнома тўлдириши, меросдан воз кечиши ва шу кабилар етарли бўлади).

Ажратувчи асос дизъюнкциянинг иккита эмас, балки учта ва ундан кўпроқ аъзосини ўз ичига олиши мумкин.

Ажратувчи-қатъий хулоса амалиётда, айниқса тахминий фикрларни қуриш ва текширишда кенг қўлланилади.

50. Шартли-ажратувчи хулоса

Бир асоси шартли ҳукм бўлиб, бошқаси - ажратувчи ҳукм бўлган хулоса шартли-ажратувчи ёки лемматик (лотинчадан - гипотеза) хулоса, дейилади.

Ажратувчи ҳукм икки, учта ва ундан кўпроқ сонли альтернативаларни ўз ичига олиши мумкин, шунинг учун лемматик хулосалар дилеммалар (иккита альтернатива), трилеммалар (учта альтернатива) ва шу кабиларга бўлинади.

Дилемма мисолида шартли-ажратувчи хулосанинг тузилмаси ва турларини кўриб чиқамиз. Дилеммаларнинг икки тури: конструктив (бунёдкор) ва деструктив (бузғунчи) дилеммалар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири содда ва мураккаб дилеммаларга бўлинади.

Содда конструктив дилеммада шартли асос иккита асосни ўз ичига олади, улардан айна бир хил оқибат келиб чиқади. Ажратувчи асос ҳар иккала эҳтимол тутилган асосларни, хулоса эса - оқибатни тасдиқлайди. Мулоҳаза асосларнинг чинлигини тасдиқлашдан оқибатнинг чинлигини тасдиқлашга йўналтирилган.

Содда конструктив дилемманинг чизмаси:

$$\frac{(p \rightarrow q) \wedge (r \rightarrow s), p \vee r}{q \vee s}$$

Агар айбланувчи олдиндан маълум бўлган ноқонуний ҳибсга олишда (p) айбдор бўлса, унда у одил судловга қарши жиноят (r) учун жиноий жавобгарликка тортилиши керак; агар у олдиндан маълум бўлган ноқонуний қамоққа олишда (q)

айбдор бўлса, унда у ҳам одил судловга қарши жиноят (r) учун жиноий жавобгарликка тортилиши керак.

Айбланувчи ё олдиндан маълум бўлган ноқонуний ҳибсга олишда (p) айбдор ёки у олдиндан маълум бўлган ноқонуний қамоққа олишда (q) айбдор.

Айбланувчи одил судловга қарши жиноят (r) учун жиноий жавобгарликка тортилиши керак бўлади.

Мураккаб конструктив дилеммада шартли асос иккита асосни ва иккита оқибатни ўз ичига олади. Ажратувчи асос ҳар иккала эҳтимол тутилган оқибатларни тасдиқлайди. Мулоҳаза асосларнинг чинлигини тасдиқлашдан оқибатнинг чинлигини тасдиқлашга йўналтирилган.

Мураккаб конструктив дилемманинг чизмаси:

$$\frac{(p \rightarrow q) \wedge (r \rightarrow s), p \vee r}{q \vee s}$$

Сертификат тақдим этиладиган (p) ёки эгасининг номи кўрсатилган (r) бўлиши мумкин.

Содда деструктив дилеммада шартли асос битта асосни ўз ичига олади, ундан иккита эҳтимол тутилган оқибат келиб чиқади. Ажратувчи асос ҳар иккала оқибатни, ҳулоса эса - асосни инкор қилади. Мулоҳаза оқибатларнинг чинлигини инкор қилишдан асоснинг чинлигини инкор қилишга йўналтирилган.

Содда деструктив дилемманинг чизмаси:

$$\frac{(p \rightarrow q) \wedge (r \rightarrow s), \neg q \vee \neg r}{\neg p}$$

Мисол.

Агар Н. қасддан қилинган жиноятни (p) содир этган бўлса, демак, унинг ҳаракатларида бевосита (q) ёки билвосита ният (r) бўлган.

Лекин Н.нинг ҳаракатларида на бевосита (q), на билвосита (r) ният бўлмаган. Н. содир этган жиноят қасддан қилинган жиноят (p) ҳисобланмайди.

Мураккаб деструктив дилеммада шартли асос иккита асосни ва иккита оқибатни ўз ичига олади. Ажратувчи асос ҳар иккала оқибатларни инкор қилади. Мулоҳаза оқибатларнинг чинлигини инкор қилишдан асосларнинг чинлигини инкор этишга йўналтирилган.

Мураккаб деструктив дилемманинг чизмаси:

$$\frac{(p \rightarrow q) \wedge (r \rightarrow s), \neg q \vee \neg s}{\neg p \vee \neg r}$$

Мисол.

Агар корхона ижара корхонаси (p) бўлса, унда у тадбиркорлик фаолиятини ўзи ижарага олган мулкӣ комплекс (q) асосида амалга оширади; агар у жамоа

корхонаси (r) бўлса, унда бундай фаолиятни ўз мулкчилигида бўлган мол-мулк (s) асосида амалга оширади.

Мазкур корхона ўз фаолиятини ўзи ижарага олган мулккий комплекс (q) асосида (7 q) ҳам, **ўз мулкчилигида бўлган мол-мулк (7 s)** асосида ҳам амалга оширмайди.

Мазкур корхона ижара (7 p) ёки жамоа (7 r) корхонаси ҳам эмас.

51. Қисқартирилган силлогизм (энтимема)

Ҳамма қисмлари - ҳар иккала асоси ва хулоса ифодаланган силлогизм тўлиқ силлогизм, дейилади. Бироқ амалиётда кўпинча асосларидан бири ёки хулоса яққол ифодаланмайдиган, балки назарда тутиладиган силлогизмлар қўлланилади.

Асоси ёки хулоса тушириб қолдирилган силлогизм қисқартирилган силлогизм ёки энтимема (грекчадан - хотирада), дейилади.

Содда қатъий силлогизмнинг энтимемалари, айниқса биринчи фигура бўйича хулосалар кенг қўлланилади. Масалан: “Н. жиноят содир қилган ва шунинг учун жиноий жавобгар бўлиши керак”. Бу ерда “Жиноятни содир қилган шахс жиноий жавобгар бўлиши лозим”, деган катта асос тушириб қолдирилган. У шакллантирилиши шарт бўлмаган умумий маълум қоидадир.

Тўлиқ силлогизм 1-фигура бўйича курилади:

Жиноятни содир қилган шахс (М) жиноий жавобгар бўлиши лозим.

Н. (S) жиноят (М) содир қилган.

Н. (S) жиноий жавобгар бўлиши (Р) керак.

Нафақат катта асос, шу билан бирга кичик асос ва хулоса ҳам тушириб қолдирилиши мумкин: “Жиноятни содир қилган шахс жиноий жавобгар бўлиши лозим, демак Н. жиноий жавобгар бўлиши керак”. Ёки: “Жиноятни содир қилган шахс жиноий жавобгар бўлиши лозим, Н. эса жиноятни содир қилган”. Силлогизмнинг тушириб қолдирилган қисмлари гипотеза қилинади.

Силлогизмнинг қайси қисми тушириб қолдирилганлигига қараб энтимеманинг уч тури: катта асоси тушириб қолдирилган, кичик асоси тушириб қолдирилган ва хулосаси тушириб қолдирилган энтимемалар фарқланади.

Энтимема шаклидаги хулоса 2-фигура бўйича ҳам курилиши мумкин; у 3-фигура бўйича жуда кам курилади.

Шунингдек, шартли ва ажратувчи ҳукмлар асос бўладиган хулосалар ҳам энтимема шаклини қабул қилиши мумкин.

Катта асоси тушириб қолдирилган шартли-қатъий силлогизм: “Жиноий иш қўзғатилиши мумкин эмас, чунки жиноят ҳодисаси юз бермаган”. Бу ерда катта асос - “Агар жиноят ҳодисаси юз бермаган бўлса, жиноий иш қўзғатилиши мумкин эмас”, деган шартли ҳукм тушириб қолдирилган. У Жиноят-процессуал кодексининг гипотеза қилинадиган маълум қоидасини ўз ичига олади.

Катта асоси тушириб қолдирилган шартли-қатъий силлогизм: “Мазкур иш бўйича оқлов ҳукми чиқарилиши мумкин эмас, ҳукм айблов ҳукми бўлиши керак”.

Катта асос - “Мазкур иш бўйича ё оқлов ҳукми, ё айблов ҳукми чиқарилиши мумкин” ажратувчи ҳукми ифодаланмайди.

Хулоса тушириб қолдирилган шартли-қатъий силлогизм: “Ўлим ё қотиллик натижасида, ё ўзини ўзи ўлдириш натижасида, ё бахтсиз ҳодиса натижасида, ё табиий сабаблар сабабли юз берган. Ўлим бахтсиз ҳодиса натижасида юз берган”.

Бошқа барча альтернативаларни инкор этадиган хулоса одатда ифодаланмайди.

Қисқартирилган силлогизмларнинг қўлланилиши шу билан боғлиқки, тушириб қолдирилган асос ёки хулоса ё оғзаки ёки ёзма баён қилишга муҳтож бўлмаган маълум қонидани ўз ичига олади, ё у хулосанинг ифодаланган қисмлари контекстида осонлик билан гипотеза қилинади. Айнан шунинг учун мулоҳаза, одатда, энтимемалар шаклида кечади. Лекин энтимемада хулосанинг ҳамма қисмлари ҳам ифодаланмаганлиги сабабли унда пинҳон бўлган хатони топиш тўлиқ хулосадаги хатони топишга нисбатан қийинроқдир. Натижада мулоҳазанинг тўғрилигини текшириш учун хулосанинг тушириб қолдирилган қисмларини топиш ва энтимемани тўлиқ силлогизм қилиб қайта тиклаш керак бўлади.

52. Индуктив хулоса, унинг турлари ва мантикий тузилиши

Алоҳида ҳодисалар ҳақидаги билимдан умумийни билишга мантикий ўтиш индуктив хулоса ёки индукция (лотинчадан - тўғрилаш) шаклида содир этилади.

Белгининг муайян синфнинг алоҳида предметлари ёки қисмларига мансублиги асосида унинг умуман синфга тегишли эканлиги ҳақида чиқариладиган хулоса индуктив хулоса, дейилади.

Масалан, физика тарихида темир стерженлар электр қувватини яхши ўтказиши тажриба йўли билан аниқланган. Худди шундай хусусият мис стерженларда ва кумушда ҳам аниқланган. Кўрсатилган ўтказувчиларнинг металлларга мансублигини ҳисобга олиб, электр ўтказиш хусусияти ҳамма металлларга хосдир, деган индуктив умумлаштириш қилинган.

Тажриба йўли билан олинган, P белгисининг айнан бир K синфига тегишли бир қатор: $S_1, S_2, \dots, S_n$ ҳодисаларида такрорланиши ҳақидаги ахборот қайд қилинадиган ҳукмлар индуктив хулосанинг асослари бўлади. Хулоса чизмаси шундай кўринишда бўлади:

1) S_1 P белгисига эга;

S_2 P белгисига эга;

.....

S_n P белгисига эга.

2) $S_1, S_2, \dots, S_n$ - K синфининг унсурлари (қисмлари).

K синфидаги ҳамма предметларга P белгиси хосдир.

Индуктив хулосада оламнинг қонуний ривожланиши сабабли алоқанинг умумий туси, ҳодисаларнинг зарурий белгиларининг уларнинг умумийлиги ва барқарор такрорланувчанлиги орқали намоён бўлиши ҳақидаги минг йиллик амалиёт билан тасдиқланадиган қоида асослардан хулосага мантикий ўтишга асос бўлади. Айти шу методологик қоидалар индуктив хулосаларнинг мантикий яроқлилиги ва самарадорлигини оқлайди.

Билиш жараёнида индуктив хулосаларнинг асосий функцияси - умумий ҳукмларни олишдир. Бундай умумлаштиришлар ўзининг мазмуни ва билишга оид

аҳамиятига кўра - кундалик амалиётнинг энг оддий умумлаштиришларидан фандаги эмпирик умумлаштиришларгача ёки умумий қонунларни ифодаладиган универсал ҳукмларгача бўлган турлича тусга эга бўлиши мумкин.

Амалиётда индуктив хулосалар муҳим ўрин тутди - улар асосида одамлар, ҳаракатларнинг мотивлари ва мақсадлари, ҳаракат усуллари, ҳаракатларига билдириладиган типик муносабатлари ва шу кабилар ўртасидаги оддий муносабатларга тегишли кўп сонли умумлашмалар шакллантирилади.

Эмпирик тадқиқотнинг тўлиқлиги ва тугалланганлигига қараб индуктив хулосаларнинг икки тури: тўлиқ индукция ва нотўлиқ индукция фарқланади. Нотўлиқ индукцияда бошланғич материалнинг танлаб олиниши усулига кўра оммавий ва илмий индукция фарқланади. Илмий индукция тадқиқот усулига қараб танлаб олиш услуби билан олинган индукция ва истисно қилиш услуби билан олинган индукцияга бўлинади.

53. Тўлиқ индукция ва унинг билишдаги роли

Тўлиқ индукция - бу синфнинг ҳар бир унсур ёки ҳар бир қисмига муайян белгининг тегишли эканлиги асосида унинг умуман синфга мансублиги ҳақида хулоса чиқариладиган хулосадир.

Бундай типдаги индуктив хулосалар фақат унсурлари сони пировард ва осонлик билан шарҳланадиган ёпиқ синфлар билан ишлайдиган ҳолларда қўлланилади. Масалан, Европадаги давлатлар сони, ушбу минтақадаги саноат корхоналари сони, мазкур давлатдаги федерация субъектлари сони ва ҳоказо.

Тасаввур қилайликки, аудиторлик комиссияси олдида аниқ бир банк бирлашмаси филиалларидаги молиявий интизом ҳолатини текшириш вазифаси қўйилган. Маълумки, унинг таркибига бешта алоҳида филиаллар киради. Бундай ҳолларда текширишнинг одатдаги усули - бешта банкнинг ҳар бири фаолиятини таҳлил қилишдир. Агар улардан биттасида ҳам молиявий тартиб бузишлар аниқланмаса, унда шу билан умумлаштирувчи хулоса чиқарилади: банк бирлашмасининг ҳамма филиаллари ҳам молиявий интизомга риоя этади.

Тўлиқ индукция хулосаларининг чизмаси шундай шаклда бўлади:

- 1) S_1 Р белгисига эга;
 S_2 Р белгисига эга;
 S_n Р белгисига эга.
- 2) $S_1; S_2, \dots, S_n$ - К синфини ташкил этади.

К синфидаги ҳамма предметларга Р белгиси хосдир.

Ушбу хулосанинг асосларида ифодаланган синфнинг ҳар бир унсури ёки ҳар бир қисми ҳақидаги ахборот тадқиқот тўлиқлигининг кўрсаткичи ва белгини бутун синфга мантикий ўтказиш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади. Бу билан тўлиқ индукция хулосасидаги натижа ошкора тус олади. Бу асослар ҳақиқат бўлганида хулосанинг ҳам зарурий тарзда ҳақиқий бўлишини англатади.

Тўлиқ индукциядаги хулосанинг билишга оид роли ҳодисалар синфи ёки жинси ҳақидаги янги билимни шакллантиришда намоён бўлади. Белгининг алоҳида предметлардан умуман синфга мантикий ўтказилиши оддий бир жамлаш бўлмайди.

Синф ёки жинс ҳақидаги билим - бу ягона асосларга нисбатан янги босқичдан иборат бўладиган умумлашмадир.

Суд тадқиқотида кўпинча инкор этувчи хулосаларга эга тўлиқ индукция шаклидаги далилловчи мулоҳазалар қўлланилади. Масалан, ҳар хил турларни истисно этадиган тарзда қайта санаб ўтиш орқали жиноят содир этилишининг муайян усули, жиноятчининг жиноят содир этиладиган жойга кириб олиш усули, жароҳат етказилган қурол типи ва шу кабилар истисно этилади.

Тўлиқ индукциянинг мулоҳазаларда қўлланилиши кўплаб ҳодисаларнинг амалда қайта санаб чиқилиши билан белгиланади. Агар предметларнинг бутун синфини қамраб олиш мумкин бўлмаса, унда умумлашма нотўлиқ индукция шаклида қурилади.

54. Нотўлиқ индукция ва унинг турлари

Нотўлиқ индукция - бу белгининг синфнинг муайян элементларига ёки қисмларига мансублиги асосида унинг умуман синфга тегишли эканлиги ҳақидаги хулоса чиқариладиган хулосадир.

- 1) S_1 Р белгисига эга;
 S_2 Р белгисига эга;
.....
 S_n Р белгисига эга.

- 2) $S_1; S_2, \dots, S_n$ - К синфига тегишлидир.
Афтидан, К синфига Р белгиси хосдир.

Индуктив умумлашманинг нотўлиқлиги унинг ҳамма нарсани эмас, балки фақат синфнинг S_1 дан S_n гача бўлган айрим унсурлари ёки қисмларини тадқиқ қилишида ифодаланади. Нотўлиқ индукциянинг синфнинг айрим элементларидан унинг барча элементлари ёки қисмларига мантикий ўтиши асоссиз бўлмайди. У эмпирик асослар - белгиларнинг умумий туси билан уларнинг тажрибада айрим ҳодисалар тури учун барқарор такрорланувчанлиги ўртасидаги объектив боғлиқлик билан оқланади. Шу сабабли нотўлиқ индукция амалиётда кенг қўлланилади. Масалан, ҳосилни йиғиб-териш пайтида олинган алоҳида намуналар асосида доннинг катта туркумининг ифлосланганлиги, намлиги ва бошқа тавсифномалари тўғрисида хулоса чиқарилади. Ишлаб чиқариш шароитларида танлаб олинган намуналар бўйича у ёки бошқа оммавий маҳсулотнинг сифати ҳақида хулоса чиқарилади.

Айрим белгилардан ҳамма белгиларга томон индуктив ўтиш мантикий зарурат бўла олмайди, чунки белгининг такрорланувчанлиги оддий мос келишнинг натижаси бўлиши ҳам мумкин.

Шу билан нотўлиқ индукция учун сусайган мантикий оқибат хос бўлади - чин асослар ишончли эмас, балки фақат муаммоли хулосани олишни таъминлайди. Бунда умумлашмага зид келадиган ҳеч бўлмаганда битта ҳолатнинг аниқланиши индуктив хулосани яроқсизга чиқаради.

Шу асосда нотўлиқ индукция ҳақиқатга яқин (ошкор бўлмаган) хулосаларга киритилади. Бундай натижаларда хулоса энг кам эҳтимолликдан анча чинликка

яқинликкача ўзгариб турадиган муайян эҳтимоллик даражасига эга чин асослардан келиб чиқади.

Индуктив хулоса асосларини шакллантиришнинг услубийлиги ёки бир тизимлигида намоён бўладиган бошланғич материални танлаб олиш усули нотўлиқ индукция натижаларида мантикий оқибат тусига катта таъсир кўрсатади. Танлаб олиш усулига кўра нотўлиқ индукциянинг икки тури: ўтказиш йўли билан олинган оммавий индукция ва танлаб олиш йўли билан олинган илмий индукция фарқланади.

55. Оммавий индукция

Белгининг синфнинг айрим предметлари ёки қисмларига мансублиги ўтказиш йўли билан аниқланадиган ва шу негизда унинг бутун синфга тегишли эканлиги ҳақида муаммоли тарзда хулоса чиқариладиган умумлашма оммавий индукция дейилади.

Одамлар кўп асрлик фаолият жараёнида кўпгина ҳодисаларнинг барқарор такрорланувчанлигини кузатишади. Юз берган воқеа ва ҳодисаларни изоҳлаш ҳамда келгусида бўлиши мумкинларини башорат қилиш учун қўлланиладиган умумлашмалар шу асосда пайдо бўлади. Бу турдаги умумлашмалар об-ҳавони, иқлим шароитларининг ҳосилга таъсири, касалликларнинг тарқалиши сабаблари, одамларнинг муайян вазиятлардаги феъл-атвори, уларнинг ўзаро муносабатлари ва бошқаларни кузатишлар билан боғлиқ бўлади. Бундай умумлашмаларнинг кўпчилигининг мантикий механизми - оммавий индукциядир. Уни баъзан содда ўтказиш орқали индукция деб ҳам аташади.

Белгиларнинг такрорланувчанлиги кўп ҳолларда ҳақиқатан ҳам ҳодисаларнинг умумий хусусиятларини акс эттиради. Унинг негизда қурилган умумлашмалар одамларнинг амалий фаолиятида муҳим йўналтирувчи асослар функциясини бажаради. Ана шундай энг содда умумлашмаларсиз меҳнат фаолиятининг меҳнат қуролларини такомиллаштириш, денгизда сузишнинг ривож, деҳқончиликнинг муваффақиятли юритилиши, ижтимоий муҳитда одамлар ўртасидаги алоқалар каби бирон бир турини бажариш мумкин бўлмайди.

Жиноятларни тергаш жараёнида кўпинча жиноятга дахлдор шахсларнинг феъл-атворида тегишли эмпирик индуктив умумлашмалар ишлатилади. Масалан: жиноят содир қилган шахслар суд ва терговдан яширинишга интилишади; ўлдириш ҳақидаги пўписа кўпинча ижро қилинади; ўғирланган (жиноят устида қўлга туширилган) буюмларнинг аниқланиши жиноятга дахлдорликдан далолат беради. Тажрибадан ўтган бундай умумлашмалар ёки кўпинча юридик адабиётларда айтиладиганидек: фактик презумпциялар аслида муаммоли ҳукмлар бўлишига қарамасдан, кўпинча терговга катта ёрдам беради.

Оммавий индукция илмий билимлар ривожига илк қадамларни ҳам белгилаб беради. Ҳар қандай фан эмпирик тадқиқотдан - тегишли объектларни баён қилиш, таснифлаш, барқарор алоқалари, муносабатлари ва ўзаро боғлиқликларини аниқлаш мақсадида улар устидан олиб бориладиган кузатувдан бошлайди. Фандаги дастлабки умумлашмалар такрорланадиган белгиларни оддий санаб ўтиш йўли билан чиқарилган энг содда индуктив хулосалар туфайли амалга оширилган. Улар

кейинчалик текшириш ва аниқлаштиришга муҳтож бўлган бошланғич гипотезалар, тахминлар ва гипотетик изоҳлашларнинг муҳим эвристик функциясини бажаради.

Синфнинг фақат айрим вакиллари тадқиқ қилинадиган шароитда хато умумлашма қилиниши эҳтимоли ҳам истисно этилмайди.

Оммавий индукция ёрдамида олинган ва узоқ вақт давомида Европада кенг ёйилган: “Ҳамма оққушлар оппоқдир” деган умумлашма шунга мисол бўлиши мумкин. Бундай фикр зид келадиган ҳоллар учрамаган кўп сонли кузатувлар асосига қурилган. XVII асрда Австралияга бориб қолган европаликлар қора оққушларни учратганидан кейин мазкур қарор топган фикр инкор этилган.

Оммавий индукция натижалари ҳақидаги хато хулосалар умумлашмани яроқсизга чиқарадиган, бир-бирига зид келадиган ҳолларни ҳисобга олиш ҳақидаги талабларга риоя этилмаслиги туфайли пайдо бўлади. Далилларнинг тегишлилиги муаммоси ҳал этиладиган суд олдидан ўтказиладиган тергов жараёнида, яъни кўпгина фактик ҳолатлардан фақат терговчининг фикрича, ишга дахлдор бўлганларини танлаб олиш пайтида шундай ҳол юз беради. Бундай ҳолда, эҳтимол, фақат битта, ҳақиқатга ўхшаб кетадиган ёки “юралка энг яқин” тахминий фикрга таяниб, ишнинг нуқул тасдиқловчи ҳолатлари танлаб олинади. Бошқа фактлар ва, аввало, бошланғич тахминий фикрга зид келадиган фактлар эътиборсиз қолдирилади. Кўпинча уларни шунчаки кўришмайди ва шу сабабли ҳисобга олишмайди. Шунингдек, бир-бирига зид келадиган фактлар ҳам маданият етишмаслиги, эътиборсизлик ёки кузатувдаги нуқсонлар туфайли эътибор доирасидан четда қолади. Бундай ҳолда терговчи фактлар асири бўлиб қолади: у кўплаб ҳодисалар орасидан фақат тажрибада энг кўп учратганларини қайд қилади ва улар асосида шошилишча умумлашма чиқаради. Ана шундай хомхаёл таъсирида кейинги кузатувларда бир-бирига зид келадиган ҳолатларни нафақат кутишмайди, балки уларнинг бўлиши мумкинлигини бутунлай инкор этишади.

Хато индуктив хулосалар нафақат адашиш натижасида, шу билан бирга бир-бирига зид келадиган ҳолатларни онгли равишда менсимаслик ёки яшириш билан нотўғри, олдиндан ўйлаб қўйилган умумлашма чиқарилишида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бундай сохта индуктив умумлашмалар ҳийла сифатида ишлатилиши мумкин.

Янглиш қурилган индуктив умумлашмалар кўпинча турли хил хурофотлар, жоҳил афсоналарга асос бўлади ва “ёмон кўз”, “яхши” ва “нохуш” тушлар, йўлни кесиб ўтадиган қора мушук ва шу қабила тусини олади.

56. Илмий индукция

Умумлашма зарурий ҳолатларни танлаб олиш ва тасодифий ҳолатларни рад қилиш йўли билан қуриладиган хулоса илмий индукция дейилади.

Тадқиқот усулларига қараб танлаб олиш услубига кўра олинган индукция (селекция) ва истисно этиш услубига кўра олинган индукция (элиминация) фарқланади.

1. Танлаб олиш услубига кўра олинган индукция

Танлаб олиш услубига кўра олинган индукция ёки селектив индукция - бу белгининг синфга (кўпчиликка) мансублиги ҳақидаги хулоса ушбу

синфнинг ҳар хил қисмларидан услубий танлаб олиш йўли билан олинган намуна (кичик кўпчилик) ҳақидаги билимга асосланадиган хулосадир.

Агар оммавий умумлашмада P белгисининг K синфида бир текисдаги тақсимланиши ҳақидаги гипотезага асосланиб, шу билан унинг оддий такрорланувчанликда ($S_1, S_2, \dots, S_n$) K га ўтишига йўл қўйилса, унда илмий индукцияда K кўпчиликнинг турли қисмларида P нотекис тақсимланган бир хилда бўлмаган кўпчиликдан иборат бўлади.

Намунани шакллантиришда кузатув шароитларини ўзгартириш керак. K нинг турли қисмларидан P нинг танлаб олиниши намунанинг ваколатини ёки репрезентативлигини таъминлаш учун бу қисмларнинг ўзига хос хусусиятлари, вазни ва моҳиятини ҳисобга олиши лозим.

Жанубий вилоятлардан бирини кесиб ўтадиган катта йўл бўйлаб ўтишда йўл давомида бир неча (масалан, олти) туманлардаги далаларга кузги буғдойнинг айнаи бир хил нави экилганлигини қайд қилишади. Агар шу асосда умумлашма қилинадиган бўлса, унда 25 та туманнинг ҳаммасида, демак, бутун вилоятда айнан бир нав экилган, деган умумлашма чиқариш мумкинки, шубҳасиз, бундай оммавий индукция жуда ҳам тўғри хулосани бермайди.

Агар худди шу сондаги туманлар тасодифан, йўл бўйлаб кетаётиб танлаб олинмасдан, балки уларнинг жойлашган жойи ва иқлим шароитларидаги тафовутларни ҳисобга олиб танланганида иш бошқача бўлади. Агар жанубий ва шимолий, ички ва четдаги, чўл ва ўрмон-даштли туманлар танланиб, бунда навнинг такрорланиши белгиланганида: бутун вилоятда кузги буғдойнинг айнаи бир хилдаги нави экилади, деган кўпроқ эҳтимолли гипотеза қилиш мумкин бўларди.

Бу ҳолда ишончли хулосанинг асосли бўлиши мушкул, чунки бевосита кузатилмаган бошқа туманларда бошқа нав экилган бўлиши эҳтимолини истисно қилиб бўлмайди.

2. Истисно этиш услубига кўра олинган индукция ёки элиминатив индукция - бу тадқиқ қилинаётган ҳодисаларнинг сабаблари ҳақидаги натижалар тасдиқловчи ҳолатларни аниқлаш ва сабабли алоқа хусусиятларига мос келмайдиган ҳолатларни инкор этиш йўли билан қуриладиган хулосалар тизимидир.

Элиминатив индукциянинг билишдаги роли - сабабли алоқалар таҳлилидир. Биттаси олдин юз берадиган ва бошқа ҳаракатни келтириб чиқарувчи сабаб бўладиган иккита ҳодиса ўртасидаги алоқа сабабли алоқа, дейилади. Сабабли алоқанинг элиминатив индукциянинг услубийлигини олдиндан белгилаб берадиган: умумийлик, замондаги изчиллик, зарурийлик ва бир маънолилик каби тавсифномалари унинг энг муҳим хусусиятлари бўлади.

(1) Сабабли алоқанинг умумийлиги дунёда сабабсиз ҳодисалар бўлмаслигини англатади.

(2) Замондаги изчиллик сабабнинг ҳар доим оқибатдан олдин юришини билдиради. Айрим ҳолларда оқибат сабабдан кейин дарҳол, санокли дақиқалар ичида юз беради. Масалан, патрон ичидаги капсуль аланга олиши ҳамон ўқотар қуролдаги ўқ отилиб кетади. Бошқа ҳолларда сабаб бирмунча кўпроқ вақт ўтганидан кейин оқибатни келтириб чиқаради. Масалан, захар билан захарланиш

заҳарнинг кучига ва организмнинг ҳолатига қараб бир неча дақиқа, минут, соат ёки кундан кейин юз бериши мумкин. Ижтимоий соҳада сабабли алоқалар кўплаб ойлар ва йиллар давомида, геологияда эса - асрлар ва минг йилликлар мобайнида амалга ошиши мумкин.

Сабаб ҳар доим оқибатдан олдинда юриши сабабли индуктив тадқиқот жараёнида кўплаб ҳолатлар ичидан фақат бизни қизиқтирадиган оқибатдан олдин юз берганлари танлаб олинади ва у билан айна бир вақтда юз берганлари ва ундан сўнг пайдо бўлганлари кўриб чиқилмайди (элиминация қилинади).

Замондаги изчиллик - бу сабабли алоқанинг зарурий шартидир, лекин унинг ўзидан ўзи ҳақиқий сабабни аниқлаш учун етарли бўлмайди. Бундай шартнинг етарли деб эътироф этилиши кўпинча: “шундан сўнг, демак, шу сабабга кўра” (*post hoc, ergo propter hoc*), дейиладиган хатога олиб келади. Масалан, гарчи булар айна бир вақтда юз берадиган ҳодисалар бўлса-да, лекин момақалдироқ овози чакмоқ чакнашидан кейин эшитилиши сабабли илгари яшинни момақалдироқ гумбирлаши учун сабаб бўлади, деб ҳисоблашарди. Тергов амалиётида, гарчи дўқ-пўписалар ҳар доим ҳам ижро этилавермаслиги яхши маълум бўлса-да, баъзан муайян бир шахснинг бошқа шахс номига билдирган пўписаси фактини ва кейинчалик иккинчи шахс устидан қилинган зўравонликни сабабли алоқа сифатида хато талқин қилишади.

(3) Сабабли алоқа зарурият хусусиятидан фарқ қилади. Бу шуни англатадики, оқибат фақат сабаб мавжуд бўлганида амалга оширилиши мумкин, зарурий сабабнинг йўқлиги оқибатнинг ҳам бўлмаслигига олиб келади.

(4) Сабабли алоқанинг бир хил маъноли туси ҳар бир аниқ сабабнинг ҳар доим бутунлай аниқ, унга мувофиқ келадиган оқибатни келтириб чиқаришида намоён бўлади. Сабаб билан оқибат ўртасидаги боғланиш шундайки, зарурий сабабдаги тур ўзгаришлари оқибатдаги тур ўзгаришларини келтириб чиқаради ва аксинча, оқибатдаги ўзгаришлар сабабдаги ўзгаришларнинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

57. Ўхшашлик услуги илмий индукция услуги сифатида

Ҳозирги мантиқ сабабли алоқаларни белгилашнинг бешта услуги: ўхшашлик услуги, фарқланиш услуги, ўхшашлик ва фарқланишнинг бириккан услуги, қўшимча ўзгаришлар услуги, қолдиқлар услуги баён қилади.

1. Ўхшашлик услуги

Ўхшашлик услуги бўйича ҳар бирида тадқиқ қилинаётган ҳодиса юз берадиган бир неча ҳоллар қиёсланади; бунда барча ҳоллар фақат бир ҳолатда ўхшаш бўлиб, бошқа ҳамма ҳолларда турли хилда бўлади.

Ўхшашлик услуги турличадан умумийликни топиш услуги дейилади, чунки биттасидан ташқари барча ҳоллар бир-биридан сезиларли тарзда фарқ қилади.

Ўхшашлик услугига доир мулоҳазага мисолни кўриб чиқамиз. Бир посёлкадаги тиббиёт шохобчаларидан бири ёзги даврда қисқа вақт ичида дизентерия (d) билан касалланишга оид учта ҳолатни қайд этди. Касаллик манбаини аниқлашда асосий эътибор ёзги даврда ички касалликларга энг кўп сабаб бўладиган қуйидаги сув ва овқат турларига қаратилди: А - қудуқлардаги ичимлик суви; М -

дарё суви; В - сут; С - сабзавотлар; F - мевалар. Тадқиқот шуни кўрсатдики, дизентериянинг тарқалиши, афтидан, сутни истеъмол қилиш билан боғлиқ экан. Кейинчалик бу қўшимча тадқиқотлар билан ўз тасдиғини топди.

Ўхшашлик услубига оид мулоҳаза чизмаси қуйидаги шаклда бўлади:

- 1) ABC d ни келтириб чиқаради.
- 2) MBF d ни келтириб чиқаради.
- 3) MBC d ни келтириб чиқаради.
- 4) Афтидан, В d га сабаб бўлган.

Агар қуйидагича бўлса, унда ўхшашлик услуби юксак даражадаги ҳақиқатга яқин хулосаларни беради:

- 1) Тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг барча эҳтимол тутилган сабаблари аниқланган;
- 2) d ҳодисасидан олдин В ҳолати юз берганлиги аниқланган;
- 3) Тадқиқ қилинаётган ҳаракат учун зарурий бўлмаган барча ҳолатлар истисно этилган;
- 4) Ҳолатларнинг ҳеч бири бошқалари билан ўзаро таъсирга киришмайди.

Хулосанинг муаммолигига қарамасдан ўхшашлик услуби билиш жараёнида муҳим эвристик функцияни бажаради, у самарали гипотезаларни қуришга кўмаклашадиги, уларнинг текширилиши фанда янги ҳақиқатларнинг очилишига олиб келади.

58. Фарқланиш услуби илмий индукция услуби сифатида

Биттасида тадқиқ қилинаётган ҳодиса юз берадиган, бошқасида эса бундай ҳодиса юз бермайдиган иккита ҳолат фарқланиш услубига кўра қиёсланади; бунда иккинчи ҳолат биринчисидан фақат бир ҳолат бўйича фарқланади, бошқалари эса бир-бирига ўхшаш бўлади.

Фарқланиш услуби ўхшашликдан турличаликни топиш услуби дейилади, чунки қиёсланадиган ҳолатлар бир-бири билан кўпгина хусусиятлари бўйича мос келади.

Фарқланиш услуби табиий шароитларда ҳодисаларни кузатиш жараёнида ва лабораториядаги ёки ишлаб чиқаришдаги тажриба шароитида қўлланилади. Кимё тарихида ўхшашлик услуби воситасида кўпгина моддалар - кейинчалик катализаторлар номини олган реакцияларни тезлаштирувчилар кашф этилган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, масалан, ўғитларнинг самарадорлиги ушбу услуб билан текширилади.

Биология ва тиббиётда фарқланиш услуби турли хил моддалар ва доривор препаратларнинг организмга таъсирини тадқиқ этишда қўлланилади. Шу мақсадда ўсимликлар, тажриба ҳайвонлари ёки одамларнинг назоратли ва тажриба гуруҳлари ажратилади. Ҳар иккала гуруҳ бир хил шароитларда тутиб турилади - А, В, С. Сўнгра тажриба гуруҳига янгича ҳолат олиб кирилади - М. Кейинги қиёслаш шуни кўрсатадики, тажриба гуруҳи назоратли гуруҳдан янгича натижа билан фарқланади - d. Бундан шундай хулоса чиқади: афтидан, М d нинг сабабчиси бўлган.

Фарқланиш услубига кўра мулоҳаза ҳам бир қатор асосларни назарда тутди.

(1) Бундан илгари юз берган ва ҳар бири тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг сабаби бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақидаги умумий билим талаб этилади. Келтирилган чизмада бу - А, В, С, М ҳолатлари бўлиб, улар дизъюнктив кўпчилиқни ташкил этади:

$$A \vee B \vee C \vee M.$$

(2) Тадқиқ қилинаётган ҳаракат учун етарлилик шартига жавоб бермайдиган ҳолатни дизъюнкция аъзолари таркибидан чиқариб ташлаш керак бўлади. Келтирилган чизмада А, В ва С элиминация қилиниши керак, чунки уларнинг иккинчи ҳолатда мавжуд бўлиши d ни келтириб чиқармайди. Истисно этиш натижаси: “На А, на В, на С d нинг сабабчиси бўлмайди” деган инкор этувчи ҳукмда ифодаланади.

Элиминация мулоҳазада фарқланиш услуби бўйича шунингдек тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг нима сабабли юз бермаганлиги ҳақидаги салбий билимни шакллантиради.

(3) Кўплаб эҳтимол тutilган сабаблар орасида ҳақиқий сабаб сифатида кўриб чиқиладиган ягона ҳолат қолади. Келтирилган чизмада А нинг сабабчиси бўладиган М ана шундай ягона ҳолат бўлади.

Мулоҳаза фарқланиш услуби бўйича фақат бундан олдинги, ёпиқ дизъюнктив кўпчилиқни ташкил этадиган ҳолатларнинг аниқ ва тўлиқ билими мавжуд бўлсагина, далилловчи билим тусига эга бўлади.

Эмпирик билим шароитида ҳамма ҳолатларни узил-кесил қайд қилиш қийинлиги сабабли фарқланиш услубига кўра натижалар кўпчилик ҳолларда фақат муаммоли хулосаларни беради. Кўпгина тадқиқотчиларнинг эътироф қилишича, фарқланиш услуби орқали ҳақиқатга энг яқин индуктив натижаларга эришилар экан.

59. Қўшимча ўзгаришлар услуби илмий индукция услуби сифатида

Услуб бундан олдинги ҳолатлардан бири тадқиқ қилинаётган ҳаракатнинг ҳам турини ўзгартирадиган ҳолда ўзгарадиган ҳолларнинг таҳлил қилинишида қўлланилади.

Бундан олдинги индуктив услублар муайян ҳолатнинг такрорланувчанлиги ёки бўлмаслигига асосланар эди. Бироқ ҳамма сабабли боғланган ҳодисалар ҳам уларни ташкил қиладиган айрим омилларнинг нейтраллаштирилиши ёки алмаштирилишига йўл қўявермайди. Масалан, ишқаланишнинг жисм ҳаракати тезлигига таъсирини тадқиқ этишда амалда ишқаланишнинг ўзини истисно этиб бўлмайди. Худди шунга ўхшаб, Ойнинг денгиздаги сув тошишларининг катталигига таъсирини белгилашда Ойнинг массасини ўзгартириб бўлмайди.

Бундай шароитда бундан олдинги ва кейинги ҳодисалардаги қўшимча ўзгаришларни кузатув жараёнида қайд қилиш сабабли алоқаларни аниқлашнинг ягона усули ҳисобланади. Бундай ҳолда бундан олдин юз берган ва ўзгариш интенсивлиги ёки даражаси тадқиқ қилинаётган ҳаракатнинг ўзгариши билан мос тушадиган ҳолат сабаб бўлади. Агар бундан олдин содир бўлган ва ҳеч бири тушириб қолдирилиши ёки алмаштирилиши мумкин бўлмайдиган ҳолатларни А, В, С рамзлари билан; ушбу ҳолатларнинг ўзгариш даражасини 1, 2, ..., n индекслари

билан; бизни қизиқтирадиган ҳаракатни - d рамзи билан ифодалайдиган бўлсак, унда мулоҳаза қўшимча ўзгаришлар услуби бўйича қуйидаги шаклни қабул қилади:

- 1) $ABC_1 d_2$ ни келтириб чиқаради;
- 2) $ABC_2 d_2$ ни келтириб чиқаради;

.....

n) $ABC_n d_n$ ни келтириб чиқаради.

Афтидан, $C d$ нинг сабабчисидир.

Қуёшдаги доғларнинг ердаги магнитли бўронларнинг пайдо бўлишига таъсири ҳақидаги хулоса худди шу йўл билан чиқарилган. Кузатувлар магнитли бўронларнинг Қуёшдаги доғларнинг 11 йиллик цикл билан пайдо бўлиши ва доғларнинг катталашуви магнитли бўронларнинг кучайиши билан давом этишига шундай мос келишини кўрсатди.

Қўшимча ўзгаришлар услубини қўлланиш шунингдек бир қатор шартларга риоя этилишини ҳам назарда тутлади.

(1) Тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг барча эҳтимол тутилган сабабларини билиш зарур.

(2) Келтирилган ҳолатлардан сабабли алоқанинг бир хилдаги маънолилиги хусусиятига тўғри келмайдиган ҳолатлар элиминация қилиниши лозим.

(3) Бундан олдинги ҳолатлар ичидан ўзгариши ҳаракатнинг ўзгаришига қўшилиб кетадиган ягона ҳолат ажратиб олиниши керак.

Қўшимча ўзгаришлар бевосита ва тескари бўлиши мумкин.

Бевосита боғлиқлик: бундан олдинги омилнинг намоён бўлиши қанчалик интенсивроқ бўлса, тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг ҳам ўзини шунчалик фаолроқ намоён қилиши ва аксинча - интенсивлик пасайиши билан шунга тегишли равишда ҳаракатнинг намоён бўлиши фаоллиги ёки даражасининг ҳам пасайишини англатади. Масалан, ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан симобнинг кенгайиши юз беради ва унинг градусникдаги даражаси ҳам кўтарилади, ҳарорат пасайиши билан симоб устуни ҳам тегишлича пасаяди. Худди шунга ўхшаб, Қуёшнинг фаоллиги кучайиши ёки сусайишига қараб ер шароитидаги радиация даражаси ҳам тегишлича кўпаяди ёки пасаяди.

Тескари боғлиқлик шунда ифодаланадики, бундан олдинги ҳолатнинг интенсив намоён бўлиши тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг фаоллигини сусайтиради ёки унинг ўзгариши даражасини камайтиради. Масалан, ишқаланиш қанчалик кўп бўлса, жисмнинг ҳаракат тезлиги ҳам шунчалик камроқ бўлади ёки меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, маҳсулотнинг таннархи ҳам шунчалик паст бўлади.

Хулосанинг натижадаги асосланганлиги қўшимча ўзгаришлар услуби бўйича кўриб чиқилган ҳолатлар сони, бундан олдинги ҳолатлар ҳақидаги билимнинг аниқлиги, шунингдек бундан олдинги ҳолат ва тадқиқ қилинаётган ҳодисадаги ўзгаришларнинг адекватлиги билан белгиланади.

Натижанинг асосланганлиги кўп жиҳатдан бундан олдинги омил ва ҳаракатнинг ўзидаги ўзгаришларнинг мувофиқлиги даражасига боғлиқ бўлади. Ҳар қандай ўзгаришлар эмас, балки фақат пропорционал ошиб борувчи ёки камаювчи ўзгаришлар эътибор учун қабул қилинади. Ўзаро бир хил маънодаги

мунтазамлилиги билан ажралиб турмайдиган ўзгаришлар кўпинча назорат этилмайдиган, тасодифий омиллар таъсири остида пайдо бўлади ва тадқиқотчини чалкаштириши ҳам мумкин.

60. Қолдиқлар услуби илмий индукция услуби сифатида

Услубнинг қўлланилиши мазкур ҳаракатнинг бошқа қисмларини келтириб чиқарадиган сабаблар аниқлангани ҳолда мураккаб ҳаракатнинг муайян қисмини келтириб чиқарадиган сабабнинг аниқланиши билан боғлиқдир.

Қолдиқлар услуби бўйича мулоҳаза чизмаси қуйидаги шаклга эга бўлади:

- 1) ABC хуз ни келтириб чиқаради.
- 2) A x ни келтириб чиқаради.
- 3) B y ни келтириб чиқаради.
- C z ни келтириб чиқаради.

Қолдиқлар услуби воситасида айрим кимёвий элементлар - гелий, рубридий ва бошқаларнинг мавжудлиги ҳақидаги хулоса чиқарилган. гипотеза спектрал таҳлил жараёнида олинган натижаларга асосланган: фанга маълум кимёвий элемент-ларнинг ҳеч бирига тегишли бўлмаган янги чизиклар аниқланган.

Илмий ва оддий мулоҳазалар амалиётида кўпинча маълум ҳаракатга қараб маълум сабабга нисбатан янгироқ бўлган сабабнинг амал қилиши ҳақида хулоса чиқарилади. Масалан, Мария Складовская-Кюри айрим уран рудаларининг интенсивлигига кўра ураннинг нурланиши интенсивлигидан ҳам юқорироқ бўлган радиоактив нур тарқатишини аниқлагач, ушбу бирикмаларда қандайдир янги моддаларнинг мавжудлиги ҳақидаги хулосага келади. Янги радиоактив элементлар: полоний ва радий шу тариқа кашф этилган.

Бошқа индуктив хулосалар каби қолдиқлар услуби ҳам, одатда, муаммоли билим беради. Бундай натижадаги хулосанинг эҳтимоллиги даражаси, биринчидан, орасидан тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг сабаблари изланаётган бундан олдинги ҳолатлар ҳақидаги билимнинг аниқлиги, иккинчидан, маълум сабаблардан ҳар бирининг умумий натижага таъсири даражаси ҳақидаги билимнинг аниқлиги билан белгиланади. Бундан олдинги ҳолатларнинг тахминий ва ноаниқ рўйхати ҳам маълум сабаблардан ҳар бирининг умумий натижага таъсири ҳақидаги ноаниқ тасаввур сингари шунга олиб келиши мумкинки, натижанинг хулосасида зарурий ҳолат эмас, балки фақат қўшимча ҳолат номаълум сабаб сифатида тақдим этилиши мумкин.

Қолдиқлар услуби бўйича мулоҳазалар кўпинча жинойтларни тергаш жараёнида асосан тадқиқ этилаётган ҳаракатларнинг яққол номутаносиблиги белгиланадиган ҳолларда қўлланилади. Агар ҳаракат ўзининг ҳажми, миқёслари ёки интенсивлиги бўйича маълум сабабга мувофиқ келмаса, унда қандайдир бошқа ҳолатларнинг мавжудлиги ҳақидаги масала қўйилади.

Масалан, омбордан молларнинг ўғирланганлиги ҳақидаги жинойт иши бўйича айбланувчи ўғирлаш фактини тан олди ва у ўғирланган буюмни омбордан битта ўзи олиб чиқиб кетганлигини кўрсатди. Ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, бундай оғир буюмни бир кишининг олиб чиқиб кетишга кучи етмасди. Терговчи

ўғирликда бошқа шахсларнинг иштирок этганлиги ҳақидаги хулосага келди, шу муносабат билан қилмишнинг квалификацияси ҳам ўзгартирилди.

Сабабли алоқаларни аниқлашга доир кўриб чиқилган услублар ўзининг мантикий тузилишига кўра мураккаб мулоҳазаларга кирадики, бундай мулоҳазаларда индуктив умумлашмалар дедуктив хулосалар иштирокида курилади. Дедукция сабабли алоқа хусусиятларига таяниб, тасодифий ҳолатларнинг элиминацияси (истисно этилиши)нинг мантикий воситаси бўлади, бу билан у индуктив умумлашмани мантиқан ўзгартиради ва йўналтиради.

Индукция билан дедукциянинг ўзаро алоқаси услубларни қўлланишда мулоҳазаларнинг мантикий лаёқатлигини таъминлайди, билим асосларида ифодаланган аниқлик олинадиган хулосаларнинг асосланганлиги даражасини белгилайди.

61. Ўхшашлик бўйича хулоса: моҳияти ва мантикий тузилиши

Фанда ва амалий ишларда кўпинча ягона, ўзининг индивидуал тавсифно-маларига кўра такрорланмайдиган ҳодисалар, предметлар ва воқеалар тадқиқот объекти бўлади. Уларни изоҳлаш ва баҳолашда дедуктив ва индуктив мулоҳазаларни қўлланиш мушкул бўлади. Бундай ҳолда мулоҳазанинг учинчи усули - ўхшашлиги бўйича хулосага мурожаат қилинади: **янги ягона ҳодиса бошқа, маълум ва у билан ўхшаш бўлган ягона ҳодисага қиёсланади ва илгари олинган ахборот ушбу ўхшаш ҳодисага ҳам тегишли деб олинади.**

Физика тарихида товушнинг тарқалиши механизмини аниқлашда уни суюқлик ҳаракати билан қиёслаб хулоса чиқариш шундай шаклда кечган эди. Шундай қиёслаш асосида товушнинг тўлқинли назарияси пайдо бўлди. Бундай ҳолда суюқлик ва товуш қиёслаш объектлари, уларнинг тарқалишининг тўлқинсимон усули эса - ўтказилган белги бўлган.

Ўхшашлик бўйича хулоса - бу муайян белгининг тадқиқ қилинаётган ягона объект (предмет, ҳодиса, муносабат ёки синф)га мансублиги ҳақида ушбу объектнинг муҳим белгилар бўйича бошқа бир маълум ягона объектга ўхшашлиги асосида чиқарилган хулосадир.

Ўхшашлик бўйича хулосадан илгари ҳар доим иккита объектнинг ўхшашлиги ва улар ўртасидаги фарқни аниқлашга имкон берадиган қиёслаш операцияси ўтказилади. Бунда ўхшатиш учун нафақат мос келишлар, балки фарқлар номуҳим бўлгани ҳолда энг муҳим белгилардаги ўхшашлик талаб этилади. Айнан шундай ўхшашликлар иккита моддий ёки идеал объектларни таққослаш учун асос бўлади.

Маълум билимдан янги билимга томон мантикий ўтиш ўхшашлик бўйича хулосаларда: **агар иккита ягона предметлар муайян белгиларига кўра ўхшаш бўлса, унда улар бошқа, қиёсланаётган предметлардан бирида аниқланган белгиларда ҳам ўхшаш бўлиши мумкин, деган қоида орқали тартибга солинади.**

62. Ўхшашлик турлари

Таққосланадиган объектларнинг тусига қараб ўхшашликнинг икки тури фарқланади: (1) предметларнинг ўхшашлиги ва (2) муносабатларнинг ўхшашлиги.

(1) Предметларнинг ўхшашлиги - бу иккита бир-бирига ўхшаш ягона предмет ўхшатиладиган объект, ушбу предметларнинг хусусиятлари - ўтказилувчи белги бўладиган хулосадир.

Агар иккита ягона предметлар ёки воқеаларни a ва d рамзлари билан, унда P , Q , S , T - билан уларнинг белгиларини ифодаласак, унда ўхшашлик бўйича хулосани қуйидаги чизма орқали тасвирлаш мумкин:

a P , Q , S , T га хосдир;

b P , Q , S га хосдир;

b T га хосдир.

Физика тарихидаги ёруғликнинг тарқалиши механизмининг изоҳи бундай ўхшашликка мисол бўлиши мумкин. Физика олдида ёруғлик ҳаракатининг табиати ҳақидаги масала кўндаланг бўлганида XVII асрдаги голланд физиги ва математиги Гюйгенс ёруғлик билан товушнинг уларнинг тўғри чизиқли тарқалиши, акс этиши, синиши ва интерференцияси каби хусусиятларининг ўхшашлигига асосланиб, ёруғлик ҳаракатини товуш ҳаракати билан таққослади ва ёруғликнинг ҳам тўлқинсимон табиатга эгалиги ҳақидаги хулосага келди.

Таққосланадиган предметларнинг бир қатор хусусиятлардаги ўхшашлиги шу каби ўхшашликларда белги ўтказилишининг мантикий асоси бўлади.

(2) Муносабатларнинг ўхшашлиги - бу икки жуфт предметлар ўртасидаги ўхшаш муносабатлар таққослаш объекти, ушбу муносабатларнинг хусусиятлари - ўтказиладиган белги бўладиган хулосадир.

Масалан, икки жуфт шахслар x ва y , m ва n қуйидаги муносабатларда бўлишади:

1) x балоғат ёшига етмаган y ўғилнинг отасидир (R_1 муносабати);

2) m балоғат ёшига етмаган n набиранинг бобоси ва ягона қариндошидир (R_2 муносабати);

3) маълумки, ота-оналарга доир муносабатларда (R_1) отаси ўзининг балоғат ёшига етмаган фарзандини боқиши шарт. R_1 ва R_2 муносабатлари ўртасидаги муайян ўхшашликни ҳисобга олиб, шундай хулоса чиқариш мумкин: қайд қилинган хусусият, яъни айнан бобосининг муайян вазиятда ўз набирасини боқиши вазифаси R_2 учун ҳам хосдир. Муносабатларнинг ўхшашлиги бўйича хулоса қуйидаги чизма орқали тақдим этилиши мумкин:

1) xR_1y R_1 P , Q , S , T га хосдир;

2) mR_2y R_2 P , Q , S га хосдир;

Афтидан, R_2 T га хосдир.

Муносабатлар ўхшашлигига мурожаат этишда ушбу натижанинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутиш керак ва уни предметлар ўхшашлиги бўйича натижалар билан аралаштирмаслик лозим. Агар кейинги ҳолатда иккита ягона ҳодиса ёки воқеа таққосланадиган бўлса, унда биринчисида предметларнинг ўзлари қиёсланмайди ва ҳатто таққосланиши ҳам мумкин эмас. x билан y нинг ўртасидаги муносабатнинг m билан n ўртасидаги муносабатга таққосланиши x нинг m билан, y

нинг n билан ўхшаш бўлиши кераклигини англатмайди. Шуниси муҳимки, биринчи жуфтликдаги предметлар ўртасидаги муносабат (xR_1y) биринчи жуфтликдаги предметлар ўртасидаги муносабат (mR_2n) каби бўлиши керак. Муносабатлар ўхшашлиги бўйича натижаларнинг нотўғри тушунилиши баъзан муносабатларнинг $(R_1$ ва $R_2)$ эмас, балки предметларнинг ўзларининг асоссиз тарзда айнан бир хил деб тушунилишидан иборат мантикий хатога олиб келади: x m билан, y - n билан айнан бир хил, деб олинади.

Ўхшашлик бўйича натижаларнинг асосланганлиги қуйидаги шартларга боғлиқ бўлади:

(1) Агар фақат муҳим белгиларда тахминий, тасодифий эмас, балки қатъий аниқ ва муайян ўхшаш бўладиган ҳақиқий ўхшашлик аниқланиб, қайд этилганида натижа яроқли бўлади. Бундай ўхшашликнинг бўлмаслиги ўхшашлиги бўйича хулосани яроқсиз қилиб қўяди.

(2) Таққосланадиган объектлар ўртасидаги фарқларнинг ҳисобга олиниши - ўхшашлиги бўйича натижалар яроқчилигининг иккинчи муҳим шартидир. Табиатда мутлақо ўхшаш ходисалар бўлмайди: ўхшашликнинг энг юқори даражаси ҳам ҳар доим фарқларни назарда тутаяди. Демак, таққосланадиган ҳар қандай ҳолатда қиёсланаётган предметлар ўртасида тафовут ҳам мавжуд бўлади. Тафовутлар номуҳим, яъни ўтказилаётган белгига мутаносиб ва муҳим, ёки белгининг бир предметдан бошқасига ўтказилишига тўсқинлик қиладиган бўлиши ҳам мумкин.

(3) Ўхшашлиги бўйича натижаларнинг асосланганлиги даражаси ўхшаш ва ўтказиладиган белги ўртасидаги алоқа сифатига боғлиқ бўлади.

Қатъий ўхшашлик. Унинг фарқланувчи хусусияти - ўтказиладиган белгининг ўхшашлик белгилари билан зарурий алоқасидир.

Қатъий бўлмаган ўхшашлик - бу шундай таққослашқи, унда ўхшаш ва ўтказиладиган белгилар ўртасидаги боғланиш фақат эҳтимоллилиكنинг кўпроқ ёки камроқ даражасига эга зарурий боғланиш сифатида фикрланади. Бундай ҳолда бошқа бир объектда ўхшашлик белгиларини аниқлагач, унга ўтказиладиган белгининг мансублиги ҳақида фақат мантиқан сустроқ, яъни муаммоли шаклда хулоса чиқариш мумкин.

Қатъий бўлмаган ўхшашлик кўпинча ижтимоий-тарихий тадқиқотларда учрайди, чунки бу ерда ходисалар ўртасидаги барча келиб чиқадиган оқибатларни қатъий кўрсатадиган алоқани аниқлаш ғоят қийин кечади.

Қуйидагилар натижаларнинг эҳтимоллилики даражасини оширадиган шарт-шароитлар бўлади: 1) таққосланаётган предметларнинг муҳим белгиларнинг энг кўп сониди ўхшаш бўлиши - муҳим ўхшашликлар қанчалик кўпроқ бўлса, ўхшашлик бўйича хулоса шунчалик асосли бўлади; 2) таққосланадиган предметлар ўртасида муҳим фарқлар бўлмаслиги; 3) ўхшаш ва ўтказиладиган белгилар ўртасидаги боғланиш ҳақидаги билимнинг эҳтимоллиги даражаси.

Қиёсланаётган предметларда ўхшаш белгиларнинг етарли сони аниқланмаганида ёки ўхшаш ва ўтказиладиган белгилар ўртасидаги боғланиш заиф шаклда аниқланган бўлса, ўхшашлиги бўйича натижа етарли асосланмаганлиги сабабли фақат кўп ишончли бўлмаган хулосани бериши мумкин. Агар бунда фарқланиш

белгилари ҳам ҳисобга олинмаса, унда бундай ўхшашлик фақат юзаки деб баҳоланиши мумкин.

63. Ўхшашликнинг фандаги роли

Ўхшашликни тўла ҳуқуқ билан тафаккур ривожининг илк босқичларида кенг қўлланилган хулоса шакли деб аташ мумкин. Ўхшашлик - бу тафаккурининг ривожланиши умуман инсон тафаккурининг ривожланиш тарихини лўнда шаклда такрорлайдиган гўдакнинг мулоҳазаларидаги хулосанинг кўп ишлатиладиган шаклидир

Фан ва техниканинг ривожланиши тарихи шуни кўрсатадики, ўхшашлик кўплаб илмий ва техник кашфиётлар учун асос бўлиб хизмат қилган. Фарадейнинг электр линияларига ўхшаган магнитли линияларнинг физик жиҳатдан мавжудлиги ҳақидаги ажойиб тахмини, шунингдек у ўтказган, бир томондан, магнит билан Қуёш ўртасидаги ўхшашлик, бошқа томондан, ёруғлик нурлари билан магнит линиялари ўртасидаги ўхшашлик шундай кейинги тадқиқотлар ва Максвелл, Гершель, Лебедев, Попов ва бошқа олимларнинг ихтиролари учун дастур бўлиб хизмат қилди.

Ўхшашлиги бўйича хулоса асос бўладиган моделлаштириш услуби ҳозирги фанда катта рол ўйнайди. У кemasозлик, аэродинамика, сув қурилиши, кибернетика ва бошқа соҳаларда қўлланилади.

Ўхшашлиги бўйича хулоса ижтимоий-тарихий фанларда алоҳида рол ўйнайди ва кўпинча тадқиқотнинг ягона мумкин бўлган услуби аҳамиятига ҳам эга бўлади. Тарихчи етарли фактик материалга эга эмаслиги сабабли кўпинча яхши маълум бўлмаган фактлар, ҳодисалар ва вазиятни уларни илгари тадқиқ этилган, иқтисодиёти, маданияти, жамиятдаги сиёсий ташкилотининг ривожланиши даражасида ўхшашлик мавжуд бўлган бошқа халқлар ҳаётидан олинган ҳодисалар ва фактларга таққослаш йўли билан изоҳлайди.

Ўхшашлиги бўйича хулоса сиёсатшунослик ва сиёсатда стратегик вазифаларни ишлаб чиқиш ва ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг аниқ шароитларида тактик линияни белгилашда катта рол ўйнайди.

Алоҳида ҳуқуқий баҳолаш ҳолларида, шунингдек жиноятларни тергаш жараёнида ва криминалистик экспертизаларни ўтказишда ҳам ўхшашликка мурожаат қилинади.

64. Гипотезанинг билишдаги роли, унинг тузилиши ва илмий асослилиги шартлари

Гипотеза - бу билимлар ривожланишининг тадқиқ қилинаётган ҳодисаларнинг хусусиятлари ва сабабларини аниқлаш мақсадида илгари суриладиган асосли тахминдан иборат қонуний шаклидир. Гипотеза - бу янги билимнинг ҳосил бўлишини таъминлайдиган билиш тизимидаги ҳал қилувчи бўғиндир.

Гипотеза қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1 - бошланғич маълумотлар ёки асослар;

2 - тахмин;

3 - бошланғич маълумотларнинг мантикий ишланиши ва гипотезага ўтиш;

4 - гипотезанинг ишончли билимга айлантирилиши ёки унинг рад қили-ниши учун текширилишидир.

Гипотеза табиий, ижтимоий ва техник фанларнинг ривожланиши шакли ҳисобланади. У мантикий тузилма нуқтаи назаридан олганда тафаккурнинг қандайдир бир шакли: тушунча, ҳукм ёки хулосадан иборат бўлади, у ушбу шаклларнинг ҳаммасини ўз таркибига олади.

Гипотезани қуриш тамойиллари

Тадқиқотнинг объективлиги тамойили. У икки маънода: психологик ва мантикий-методологик маъноларда талқин қилиниши мумкин.

Психологик жиҳатдан олганда объективлик олдиндан била-кўра туриб қарор қабул қилишнинг бўлмаслигини англатади, бунда тадқиқотчи ўзининг субъектив майллари, афзал кўришлари ва хоҳишларидан келиб чиқиб эмас, балки ҳақиқатни белгилаш манфаатларига амал қилиб, иш тутаяди.

Мантикий-методологик жиҳатдан олганда объективлик тадқиқотнинг ҳақиқатни белгилаш мақсадида ҳар томонлама ўтказилишини англатади.

Биринчидан, гипотеза ёки тахминий фикрни илгари суришда жами бошланғич эмпирик материал ҳисобга олиниши керак.

Иккинчидан, ҳар томонламалик муайян шароитда мумкин бўлган барча тахминий фикрларни қуришни талаб этади. Бундай талабни фанда яхши маълум бўлган “кўпчилик гипотезалар” услубининг қўлланилиши тақозо этади. Ҳар қандай эмпирик тадқиқотдаги бошланғич материал, одатда, тўлиқ бўлмаслиги сабабли у ҳодисалар ўртасидаги фақат айрим бўғинлар, айрим боғланишлар ҳақида тасаввур беради. Ўзаро алоқаларнинг бутун тизимини аниқлаш учун барча эҳтимол тутилган изохларни гипотеза қилиш, бир қатор тахминий фикрларни қуриш зарур. Кўпинча фактик ҳолатларнинг шу тарздаги уйқошиб кетиши кузатиладики, бунда қайсидир бир тахминий фикрнинг эҳтимоллилиги анча ишончлилиқ билан гавдаланади ва бошқа тахминлар эҳтимолдан холи бўлиб туюлади.

Бошқа тахминий фикрларни эътиборга олмасдан, энг кўпроқ ҳақиқатга яқин тахминий фикрни қуриш - бу ишга бир томонлама ёндашиш демакдир. Бунинг хавфи шундаки, тадқиқотчи фактлар асири бўлиб қолади ва агар бир ҳолларда битта тахминий фикрга ёпишиб олиш хатога олиб келиши мумкин.

Гипотезанинг яроқли бўлиши шартлари

Фандаги гипотеза ҳам суд тадқиқотидаги тахминий фикр сингари агар қуйидаги мантикий-методологик талабларга жавоб берсагина яроқли бўлиб ҳисобланади.

Гипотеза қарама-қарши маъноли бўлмаслиги керак. Бу шуни англатадики, Н тахмини бошланғич эмпирик базисга зид бўлмаслиги, шунингдек ички зиддиятларга эга бўлмаслиги лозим.

Гипотеза принципиал жиҳатдан текшириладиган тарзда бўлиши, фактлар билан текшириб кўришга йўл қўйиши лозим. Гипотезанинг принципиал жиҳатдан текшириладиган тарзда бўлиши унинг ҳар доим муаммоли бўлишини келтириб чиқаради ва уни ишончли билимга айлантирилишини тақозо этади.

Агар гипотеза эмпирик ва назарий жиҳатдан асосланган бўлса, унда у яроқли бўлиб ҳисобланади. Гипотезанинг эҳтимоллилиги унинг асосланиши даражасига боғлиқ бўлиб, миқдорий ёки сифатга оид баҳоловчи стандартлар ёрдамида белгиланади.

Гипотезанинг билишга оид ёки эвристик қиммати унинг башорат қилишлик ва изоҳловчи кучида ифодаланадиган ахборотлилиги билан белгиланади.

65. Гипотеза турлари

Гипотезалар ўзининг билишга оид функциялари ва тадқиқот объекти бўйича фарқланади.

1. Гипотезалар билиш жараёндаги функциялари бўйича: баён қилувчи ва изоҳловчи гипотезаларга бўлинади.

Баён қилувчи гипотеза - бу тадқиқ қилинаётган объектга хос бўлган хусусиятлар ҳақидаги тахминдир. У одатда шундай саволларга жавоб беради: “Ушбу предмет нима?” ёки “Ушбу предмет қандай хусусиятларга эга?”.

Баён қилувчи гипотезалар объектнинг таркиби ёки тузилишини аниқлаш, унинг фаолият юритиш механизмини ёки бунинг ўз русумига доир хусусиятларини очиқ бериш, объектнинг функционал тавсифномаларини белгилаш мақсадида илгари сурилади.

Масалан, физика назариясида пайдо бўлган ёруғликнинг тарқалиши ҳақидаги гипотеза ёруғлик ҳаракати механизми ҳақидаги гипотеза бўлган эди. Кимёгарнинг янги полимернинг таркибий қисмлари ва атомли занжирлари ҳақидаги тахмини таркиб ва тузилма ҳақидаги гипотезаларга киради. Сиёсатшунос ёки юристнинг янги қабул қилинган қонуний қоидалар туркумининг яқин вақтдаги ёки кейинги вақтдаги ижтимоий самарасини олдиндан башорат қиладиган гипотезаи функционал тахминларга киради.

Қандайдир объектнинг мавжудлиги ҳақидаги гипотезалар баён қилувчи гипотезалар ичида алоҳида ўрин тутати, улар экзистенциал гипотезалар, дейилади. Бир пайтлар ғарбий (Америка) ва шарқий (Европа ва Африка) ярим шарлар қитъасининг биргаликда мавжуд бўлганлиги ҳақидаги гипотеза бунга мисол бўлади. Атлантиданинг мавжуд бўлганлиги ҳақидаги гипотеза ҳам шундай гипотеза бўлади.

Баён қилувчи гипотеза - бу тадқиқотлар объектнинг вужудга келиши сабаблари ҳақидаги тахминдир. Бундай гипотезалар одатда куйидагиларни аниқлайди: “Бу ҳодиса нима учун юз берган?” ёки “Ушбу предмет қандай сабабларга кўра пайдо бўлган?”.

Бундай тахминларга мисоллар: Тунгус метеорити ҳақидаги гипотеза; Ерда музлик даврларининг пайдо бўлганлиги ҳақидаги гипотеза; турли геологик даврларда ҳайвонларнинг қирилиб кетганлиги сабаблари ҳақидаги тахминлар; айбланувчини аниқ бир жиноятни содир этишга ундаган сабаблар ва мотивлар ҳақидаги гипотезалар ва ҳоказо.

Фан тарихининг кўрсатишича, билимларнинг ривожланиши жараёнида аниқ объектларнинг мавжудлиги фактини аниқлайдиган экзистенциал гипотезалар пайдо бўлади. Сўнгра ушбу объектларнинг хусусиятларини аниқлайдиган баён қилувчи гипотезалар вужудга келади. Энг сўнгги босқич - тадқиқ қилинаётган объект-

ларнинг пайдо бўлиши механизми ва сабабларини очиб берадиган баён қилувчи гипотезаларни қуришдир.

2. Тадқиқот объектига кўра: умумий ва хусусий гипотезалар фарқланади.

Қонуний алоқалар ва эмпирик мунтазамликлар ҳақидаги асосланган тахмин умумий гипотеза, дейилади. Модданинг атомистик қурилиши ҳақидаги гипотеза; академик О.Ю.Шмидт ва академик В.Г.Фесенковнинг фазовий жисмларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги ҳозирги рақобатлашувчи гипотезалар; нефтнинг органик ва ноорганик келиб чиқиши ҳақидаги гипотезалар ва бошқалар умумий гипотезаларга мисол бўлади.

Умумий гипотезалар илмий билимлар ривожда қурилиш тахталари ролини бажаради. Улар исботлангач, илмий назарияларга айланади ва илмий билимлар ривожда қимматли улуш бўлиб ҳисобланади.

Хусусий гипотеза - бу ягона фактлар, аниқ ҳодисалар ва воқеаларнинг келиб чиқиши ва уларнинг хусусиятлари ҳақидаги асосланган тахминдир. Агар ягона ҳолат бошқа фактларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган бўлса ва агар уни бевосита идрок этиш мумкин бўлмаса, унда уни билиш ушбу ҳолатнинг мавжудлиги ёки унинг хусусиятлари ҳақидаги гипотезалар шаклини олади.

Хусусий гипотезалар табиатшуносликда ва ижтимоий-тарихий фанларда ҳам илгари сурилади.

“Умумий” ва “хусусий” гипотеза атамалари билан бир қаторда фанда “ишчи гипотеза” деган атама ҳам қўлланилади.

Ишчи гипотеза - бу тадқиқотнинг илк босқичларида илгари суриладиган, кузатувлар натижаларини гуруҳлаштиришга ва уларга бошланғич изохни беришга имкон берадиган шартли йўл қўйиш бўлиб хизмат қиладиган тахминдир.

Ишчи гипотезанинг ўзига хос хусусияти - унинг шартли равишда ва шу билан вақтинчалик қабул қилинишидир. Тадқиқотчи учун мавжуд фактик маълумотларни терговнинг бошланишидаёқ бир тизимга солиб олиш, улар устида оқилона иш олиб бориш ва шундан кейинги изланишлар йўллариини белгилаш ғоят муҳимдир. Ишчи гипотеза тадқиқот жараёнида айна шундай фактларни биринчи бор бир тизимга солувчи функциясини бажаради.

Гипотеза ишчи гипотезадан барқарор ва серунум гипотезага айланиши мумкин. Шунингдек, агар унинг янги фактлар билан номутаносиблиги аниқланадиган бўлса, унда у бошқа гипотезалар билан алмаштирилиши ҳам мумкин.

66. Тахминий фикр гипотезанинг бир тури сифатида

Тарихий, социологик ёки сиёсатшуносликка доир тадқиқотда, шунингдек суд-тергов амалиётида айрим фактларни ёки ҳолатлар мажмуини изоҳлашда кўпинча ушбу фактларни турлича изоҳлайдиган бир қатор гипотезалар илгари сурилади. Бундай гипотезалар тахминий фикрлар дейилади.

Амалий фаолиятда ишларнинг мазмунига ва ҳолатларни қамраб олишига кўра турлича тахминий фикрлар қурилади. Улар орасида умумий ва хусусий тахминий фикрлар фарқланади.

Умумий тахминий фикр - бу умуман жами ҳолатларни аниқ ҳолатларнинг ягона тизими сифатида изоҳлайдиган тахминдир. У битта эмас, балки кўплаб ўзаро боғлиқ саволларга жавоб бериб, ишнинг муҳим ҳолатларининг бутун мажмуини аниқлайди.

Ривожланиш тамойили ёки объектив қонуният эмас, балки ягона ҳодисани содир қиладиган фактик ҳолатларнинг аниқ мажмуи тахминий фикрнинг яратилиши учун номаълум реал сабаб бўлади. Бундай тахминий фикр аниқланиши керак бўлган барча саволларни ёритиш билан умуман бутун ҳодисани изоҳловчи умумий жамловчи тахмин белгиларига эга бўлади.

Хусусий тахминий фикр - бу кўриб чиқиладиган ҳодисанинг айрим ҳолатларини изоҳловчи тахминдир. Ҳолатларнинг ҳар бири номаълум ёки кўп ҳам маълум бўлмасдан мустақил тадқиқот предмети бўлиши мумкин, уларнинг ҳар бири юзасидан бундай ҳолатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва келиб чиқишини изоҳловчи тахминий фикрлар яратилиши ҳам мумкин.

Қуйидаги тахминлар хусусий тахминий фикрларга мисол бўлади: ўғирланган буюмлар яширилган жой ёки жиноятчининг жойлашган жойи ҳақидаги; қилмишдаги шериклар ҳақидаги; жиноятчининг қилмиш содир этилган жойга кириб бориши усули ҳақидаги; жиноятнинг содир қилиниши мотивлари ҳақидаги ва бошқалар.

Хусусий ва умумий тахминий фикрлар тергов жараёнида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Хусусий тахминий фикрлар ёрдамида олинган билимлар умуман жинойий қилмишни изоҳлайдиган умумий тахминий фикрни куриш, аниқлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, умумий тахминий фикр ишнинг шу пайтгача аниқланмаган ҳолатлари юзасидан хусусий тахминий фикрларни илгари суриш учун асосий йўналишларни белгилаш имкониятини беради.

67. Гипотеза (тахминий фикр)ни ишлаб чиқиш босқичлари

Тахминий фикрнинг курилиши учта изчил босқичлардан ташкил топади. Биринчи босқич - айрим фактлар ва улар ўртасидаги муносабатлар таҳлили, иккинчи босқич - фактлар синтези, уларнинг умумлаштирилиши; учинчи босқич - тахминнинг илгари сурилиши.

Фактлар таҳлили

Таҳлилнинг мақсади - кўплаб фактик ҳолатлар орасидан ҳодиса билан бевосита ёки билвосита, яққол ёки пинҳона, яқиндан ёки олисроқдан боғланган ҳолатларни ажратиб олишдир.

Фактларни таҳлил этишда ёрдам берадиган хулосалар фактларнинг ўзига хос хусусиятларига ва илгари олинган билимларнинг тусига боғлиқ бўлади. Агар мутахассис умумий билимларга мурожаат этса, унинг хулосаси дедуктив хулосалар шаклида кечади. Ё фанда текширишдан ўтган қоидалар, ё амалиётда олинган эмпирик умумлашмалар бундай силлогизмларнинг бошланғич асослари ролини бажаради.

Фактлар таҳлили индукция шаклида ҳам кечиши мумкин. Масалан, бир қатор муаллифи кўрсатилмаган тухмат аризаларидаги дастхатнинг ўхшаш хусусиятлари

бўйича терговчи уларнинг ҳаммаси айнан бир шахс томонидан ёзилган, деган тахминий умумлаштирувчи хулоса чиқарди. Ушбу тахмин кейинчалик ўз тасдиғини топди.

Бу даражадаги умумлашма шундай вазифани ҳал этади: кўпгина тадқиқ қилинган фактлар ичидан фақат уларнинг жиноят билан алоқаси ҳақидаги тахмин учун асос бўладиганлари танлаб олинади.

Фактлар синтези

Синтез - бу фактларни мантикий ишлашдаги янги қадам, яъни таҳлил пайтида ажратиб олинган фактларни тасодифий ҳолатлардан четлатиб, ягона бир яхлитликка фикран бирлаштиришдир.

Фактлар ўртасидаги боғланишни аниқлаш, бундай боғлиқликнинг йўналишлари ва изчиллиги сабабли алоқанинг бутун тизимини яна қайта тиклаш, ушбу тизим бошидаги бошқа барча ҳолатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ фактларни билиб олишга имкон беради. Фактик маълумотларнинг ягона бир тизимга синтези гипотеза ёки тахминий фикрни қуришда асос бўлади.

Тахминнинг илгари сурилиши

Бошланғич фактик материал илмий ва амалий умумлашмалар асосида таҳлил этилади, муҳим жиҳат номуҳим жиҳатдан ажратиб олинади ва ишга тегишли бўлган фактлар зиддиятларсиз кўпчиликка синтез қилинади. Бундай кўпчилик эмпирик базис ролини бажариб, унинг асосида ушбу фактларнинг келиб чиқишини изоҳлайдиган эҳтимол тутилган сабаб ҳақида эҳтимолли хулоса чиқарилади.

Хулосанинг муаммолилиги шундаки, гипотеза асослардан фақат қисман чиқарилиши мумкин. Етарли асосланмаганлик шуни англатадики, асослар ҳақиқат бўлганида хулоса ҳақиқий ҳам, ёлғон ҳам бўлиши мумкин. гипотезанинг эҳтимоллилиги даражаси бунда унинг фактлар орқали мазмунан асосланиши даражаси билан белгиланади.

Ягона ҳодисалар ҳақидаги тахминий фикрлар қуриладиган суд тадқиқотида уларнинг эҳтимоллилиги сон билан ифодаланмайди, балки оддий: “жуда эҳтимол”, “шуниси аниқроқ”, “эҳтимоллилиги яқин”, “эҳтимолдан узоқ” каби ва бошқа маъноларни қабул қилади.

Гипотезанинг текширилиши

Гипотеза ёки тахминий фикр икки босқичда текширилади: уларнинг биринчиси - гипотезадан келиб чиқадиган оқибатларнинг дедуктив келтириб чиқарилиши, иккинчиси - оқибатларнинг фактлар билан таққосланишидир.

Оқибатларнинг дедуктив келтириб чиқарилиши.

Оқибатларнинг дедуктив келтириб чиқарилиши бутун жараёни оқилона, яъни изчиллик билан, режали, самарали этиб қуришга имкон беради. Тахминий фикр тадқиқотда ишларни режалаштиришнинг мантикий негизи ролини бажаради.

Оқибатларнинг фактлар билан таққосланиши

Гипотеза ёки тахминий фикрни текширишнинг иккинчи босқичи уни инкор қилиш ёки тасдиқлаш мақсадида мантикий келтириб чиқарилган оқибатларнинг фактлар билан таққосланишидан иборатдир.

(1) Тахминий фикрнинг инкор этилиши ундан келтириб чиқарилган оқибатларга зид келадиган фактларни аниқлаш йўли билан кечади.

Тахминий фикрни ундан келиб чиқадиган оқибатлар ишдаги ҳолатлар билан тасдиқланмагани учунгина яроқли бўлмайди, деб ҳисоблаш мумкин эмас. Тахминий фикрни инкор қилиш учун ундан келиб чиқадиган оқибатларнинг ишдаги фактик ҳолатларга шунчаки мос келмаслиги эмас, балки зид қилиши зарур. Фақат шундай ҳолда тахминий фикрни инкор этилган деб ҳисоблаш учун етарли асос бўлади.

Терговчи тахминий фикрларни инкор қилиш учун қўллайдиган турли усуллар орасида суд ва терговни қизиқтирадиган ҳолатларнинг терговдаги ёки суддаги эксперимент шаклида эмпирик текширилиши алоҳида аҳамият касб этади.

(2) Тахминий фикрнинг тасдиқланиши. Агар гипотеза ёки тахминий фикрдан чиқариладиган оқибатлар янги аниқланган фактларга мос тушса, у тасдиқланган бўлади. Бундай мосликлар қанчалик кўп бўлса ва тергов қанчалик турли-туманлик тусига эга бўлса, гипотеза ҳам шунчалик эҳтимолга яқинроқ бўлади.

68. Гипотезаларни исботлаш усуллари

Қуйидагилар гипотезаларни исботлашнинг асосий усуллари: гипотезада ифодаланган тахминнинг дедуктив асосланиши; гипотезада назарда тутилган предметларнинг бевосита аниқланиши; гипотезанинг мантикий жиҳатдан тасдиқланиши. Тахминларнинг дедуктив чиқарилиши илгари кўриб чиқилди ва энди кейинги иккитасига тўхталамиз.

Изланган предметларнинг бевосита аниқланиши. Фандаги хусусий гипотезалар ва иш фаолиятидаги тахминий фикрлар кўпинча аниқ предметлар ёки ҳодисаларнинг муайян бир вақтда ва муайян бир жойда мавжуд бўлганлиги фактини аниқлашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди ёки бундай предметларнинг хусусиятлари ва сифати ҳақидаги саволга жавоб беради. Изланган предметларнинг тахмин қилинган вақтда ёки тахмин этилган жойда бевосита аниқланиши ёки тахмин қилинган хусусиятларнинг бевосита идрок этилиши бундай тахминнинг ишончли билимга айлантирилишининг энг ишончли усули ҳисобланади.

Масалан, ўғирликлар, шунингдек талончилик, бандитизм, товламачилик каби бошқа жиноий ишларни тергов қилишда жиноий йўл билан орттирилган ёки тўпланган буюмлар, қимматли нарсалар ва пуллик суммаларнинг аниқланиши суд-тергов органларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Жиноятчилар бундай буюмлар ва қимматли нарсаларни, одатда, яшириб қўйишади ёки сотиб юборишади. Шу сабабли бундай буюмлар ва қимматли нарсаларнинг яшириб қўйилган жойи ҳақидаги хусусий тахминий фикрлар вужудга келади.

Тахмин қилинган сабабнинг бевосита аниқланиши билан исботланадиган тахминий фикрлар ҳар доим хусусий тахминий фикрлар бўлади. Одатда, улар ёрдамида ишнинг фақат айрим фактик ҳолатлари, жиноят ҳодисасининг хусусий жиҳатлари аниқланади.

Тахминий фикрларнинг мантикий исботланиши. Тергов қилинаётган ишларнинг муҳим ҳолатларини изоҳлайдиган тахминий фикрлар мантикий асослаш йўли билан ишончли билимга айланади. У билвосита йўл билан бажарилади, чунки ўтмишда содир бўлиб ўтган ҳодисалар ёки ҳозирги вақтда ҳам мавжуд бўлган, лекин бевосита идрок этилмайдиган воқеалар билиб олинади. Масалан, жиноят содир этилган усул, айбдорлик, жиноятнинг содир этилиши учун мотивлар, қилмиш

содир этилганидаги объектив ҳолатлар ва шу кабилар ҳақидаги тахминий фикрлар шу тариқа исботланади.

Гипотезанинг мантиқий исботланиши асослаш усулига қараб билвосита ёки бевосита далиллаш шаклида кечиши мумкин.

Билвосита далиллаш қолган ягона тахминнинг ишончлилигини асослаш учун негиз бўлган барча ёлғон тахминий фикрларни рад этиш ёки истисно қилиш йўли билан кечади.

Бундай натижадаги хулоса, агар, биринчидан, тадқиқ қилинаётган ҳодисани изоҳлайдиган тахминий фикрларнинг узил-кесил қатори қурилган бўлса, ва иккинчидан, тахминий фикрларни текшириш жараёнида ҳамма ёлғон тахминлар рад қилинган бўлса, ишончли хулоса сифатида баҳоланиши мумкин. Қолган сабабни кўрсатувчи тахминий фикр бундай ҳолда ягона бўлиб, унда ифодаланган билим энди муаммоли эмас, балки ишончли бўлади.

Истисно этиш услуби бўйича кечадиган ушбу далиллаш усули кўпинча суд-тергов амалиётида умумий ва хусусий тахминий фикрларни далиллашда қўлланилади.

Билвосита далиллаш қолган тахминнинг бевосита асосланиши билан бирга қўшиб олиб борилиши керак.

Гипотезанинг бевосита далилланиши тахминдан турли хил, лекин фақат ушбу гипотезадан келиб чиқадиган оқибатларни келтириб чиқариш ва уларни янгидан аниқланган фактлар билан тасдиқлаш йўли билан бажарилади.

Билвосита далиллаш бўлмаганида фактларнинг тахминий фикрдан чиқарилган оқибатлар билан шунчаки мос келишини тахминий фикр ҳақиқатлигининг ишончли асоси сифатида баҳоламаслик керак, чунки мос келадиган фактлар бошқа сабабга кўра ҳам келиб чиққан бўлиши мумкин.

69. Мантиқий исботнинг моҳияти ва унинг тузилиши

Далиллаш - бу қайсидир ҳукмнинг ҳақиқатлигини бошқа ҳақиқий ва у билан боғлиқ ҳукмлар ёрдамида асослашдан иборат мантиқий операциядир.

“Далиллаш” атамаси процессуал ҳуқуқда икки маънода ишлатилади:

Жиноят ёки фуқаролик ишининг муҳим жиҳатлари ҳақидаги ахборотнинг ташувчилари бўладиган фактик ҳолатларни ифодалаш учун (масалан, айбланувчининг жабрланувчи номига билдирган дўқ-пўписаси; жиноят содир этилган жойда қолдирилган излар ва шу кабилар);

Ишга тегишли бўлган фактик ҳолатлар ҳақидаги ахборот манбаларини ифодалаш учун (масалан, гувоҳларнинг кўрсатмалари, ёзма ҳужжатлар ва шу кабилар).

Далилланганлик талаби судда ишларнинг кўриб чиқилишидаги билимга ҳам қўйилади; агар жиноят ёки фуқаролик иши бўйича суд қарори судда ишнинг кўриб чиқилиши жараёнида объектив ва ҳар томонлама асосланган бўлса, унда бундай қарор адолатли ҳисобланади. Далил далиллаш жараёнининг турларидан биридир.

Мантиқий услублар билан бир қаторда ишонтирувчи таъсир кўрсатадиган нутқий, эмоционал-психологик ва бошқа номантиқий услублар ва усуллар қўлланиладиган қандайдир ҳукмларни асослайдиган операция далиллаш дейилади.

“Далиллаш” тушунчаси “далил” тушунчасига нисбатан анча кенг (жинсли) тушунчадир.

Далиллаш тузилмаси

Далиллаш учта ўзаро бир-бири билан боғланган элементларни: тезис, далиллар, ошкор қилишликни ўз ичига олади.

Тезис - бу ҳақиқатлиги исботланиши лозим бўлган ҳукмдир. Тезис далиллашда бош тузилмавий элемент бўлади ва “Нима асосланаяпти?”, деган саволга жавоб беради.

Далиллар ёки асослар - бу тезисни асослашда қўлланиладиган бошланғич назарий ёки фактик қоидалардир. Улар далиллашнинг асоси ёки мантиқий пойдевори ролини бажаради ва “Тезис нима билан, нима ёрдамида асосланаяпти?” деган саволга жавоб беради.

Ўз мазмунига кўра турлича бўлган ҳукмлар: назарий ёки эмпирик умумлашмалар; фактлар ҳақидаги таъкидлар; аксиомалар; таърифлар ва конвенциялар далиллар сифатида намоён бўлиши мумкин.

(1) Назарий умумлашмалар нафақат маълум ҳодисаларни изоҳлаш ёки янги ҳодисаларни башорат қилиш мақсадларига хизмат қилади, балки шу билан бирга улар далиллашда асослар ролини ҳам бажаради. Масалан, физикадаги гравитация қонунлари аниқ бир фазовий жисмнинг учиб ўтиши траекториясини ҳисоблашга имкон бериб, бундай ҳисоб-китоблар тўғрилигини тасдиқлайдиган асослар бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, эмпирик умумлашмалар ҳам далиллар ролини бажариши мумкин. Масалан, терговчи айбланувчи бармоқлари излари билан жиноят содир этилган жойдаги бармоқ изларининг бир-бирига мос келиши ҳақидаги экспертиза хулосасига эга бўлгач, айбланувчи жиноят содир этилган жойда бўлган, деган хулосага келади.

Умумий ҳуқуқий қоидалар, ҳуқуқ нормалари ва бошқа баҳоловчи стандартлар ҳам далиллар функциясини бажариши мумкин.

(2) Фактлар ҳақидаги ҳукмлар далиллар ролини бажаради: муайян вақтда, жойда ва аниқ шароитларда пайдо бўлиш ва амал қилиш хос бўлган ягона ҳодисалар ёки воқеалар фактлар ёки фактик маълумотлар, дейилади.

(3) Аксиомалар, яъни муқаррар бўлган ва шу сабабли ушбу соҳада далилланмайдиган қоидалар ҳам далиллар бўлиши мумкин.

(4) Билимларнинг аниқ бир соҳасидаги асосий тушунчалар таърифлари ҳам далиллар ролини бажариши мумкин.

Далилнинг ошкор қилиниши ёки шакли - бу далиллар билан тезис ўртасидаги мантиқий алоқадир.

Далиллардан тезисга сари мантиқий ўтиш хулоса шаклида кечади. Бу алоҳида хулоса бўлиши ҳам мумкин, лекин кўпинча бу уларнинг тизими бўлади. Далиллар ҳақидаги ахборот ифодаланган ҳукмлар натижадаги асослар, тезис ҳақидаги ҳукм - хулоса бўлади. Ошкор қилиш дегани - тезиснинг тегишли хулосалар қоидалари бўйича қабул қилинган далиллардан мантиқий келиб чиқишини кўрсатишдир.

70. Тезиснинг бевосита асосланиши

Далиллаш усули бўйича илгари сурилган қонидани асослашнинг икки тури: бевосита ва билвосита турлари фарқланади.

1. Тезисни у билан рақобатлашадиган йўл қўйишларга мурожаат этмасдан асослаш бевосита асослаш дейилади.

Бевосита асослаш мустақил ҳолда ёки турли аралашмалар ичида қўлланиладиган дедуктив хулосалар, индукция ёки ўхшашлик шаклини қабул қилиши мумкин.

Дедуктив асослаш кўпинча хусусий ҳолатни умумий қоидага бўйсундиришда ифодаланади. Муайян белгининг аниқ бир предметга ёки ҳодисага мансублиги ёки тегишли эмаслиги ҳақидаги тезис фандаги маълум қонунлар, эмпирик умумлашмалар, маънавий ёки ҳуқуқий кўрсатмалар, шубҳасиз аксиоматик қоидалар ёки илгари қабул қилинган таърифларга асосан асосланади. Бундай қоидалар катта асосда ифодаланади ва уларга асосларга таянгани каби таяниб, аниқ фактлар ҳақида ҳукм чиқарилади, улар ҳақидаги билим кичик асосда қайд қилинади.

Дедуктив асослашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, асос-далиллар ҳақиқат бўлганида, шунингдек хулоса чиқариш қоидаларига риоя қилинганида ишончли натижаларни беради. Бундай ҳолда тезиснинг ҳақиқатлиги зарурий равишда асослардан келиб чиқади. Бундан ташқари, катта асосда тақдим этилган умумлаштирувчи асос туфайли дедуктив мулоҳаза шунингдек изоҳловчи ёки баҳоловчи функцияни ҳам бажаради. Бу дедуктив асоснинг тасдиқловчи таъсирини оширади.

Индуктив асослаш - бу муайян жинсдаги айрим ҳолатлар ҳақидаги ахборот тақдим этилган далиллардан ушбу ҳолатларни умумлаштирувчи тезисга томон мантикий ўтишдир.

Кўпинча кузатувлар натижалари ва экспериментал маълумотларни таҳлил этишда, статистик материаллар билан ишлашда индуктив асослаш ишлатилади. Индуктив асослашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу ерда, одатда, фактик маълумотлар далиллар сифатида қўлланилади. Фактларга нисбатан тўғри ёндашилганида индуктив тарзда қурилган далиллаш анча юқори ишонтирувчи кучга эга бўлади.

Ўхшашлик шаклидаги асослаш - бу ягона ҳодисанинг хусусиятлари ҳақидаги таъкид шакллантириладиган тезиснинг бевосита асосланишидир. Асослаш усули сифатидаги ўхшашлик табиий ва ижтимоий фанларда, техникада, оддий мулоҳазалар амалиётида қўлланилади. Бу ерда у, одатда, муаммоли хулосаларни беради. Техниканинг турли соҳаларидаги моделлаштириш услуги, агар ўхшатишнинг назарий жиҳатдан ўзини оқлайдиган мезонлари ишлаб чиқилган бўлса, унда мантикий асосли натижаларни таъминлайди. Тарихий тадқиқотларда ўхшашлик ҳақиқатга яқин, лекин асослашнинг ягона мумкин бўлган усули тарзида қўлланилади.

71. Тезиснинг билвосита асосланиши

Антитезиснинг ёки тезис билан рақобатлашадиган бошқа йўл қўйишларнинг ёлғонлиги асосида тезиснинг асосланиши билвосита асослаш, дейилади.

Билвосита асослашнинг икки тури: апагогик ва ажратувчи асослашлар рақобатлашадиган йўл қўйишлар тузилмасидаги тафовутни белгилайди.

Тезиснинг унга зид келадиган йўл қўйиш - антитезиснинг ёлғонлигини белгилаш йўли билан асосланиши апагогик (грекчадан - олиб кетувчи) асослаш дейилади. Бундай ҳолда далиллаш уч босқичда қурилади.

Биринчи босқич. Тезис мавжуд бўлганида унга зид келадиган қоида - антитезис илгари сурилади; уни шартли равишда ҳақиқий, деб эътироф этишади (билвосита далиллашнинг йўл қўйилиши) ва ундан мантиқан келиб чиқадиган оқибатларни чиқаришади.

Тезис ва антитезис турлича ҳукмлар шаклида ифодаланиши мумкин. Масалан, “Н. ушбу жинойтнинг содир этилишида айбдор”, деган ягона тасдиқловчи ҳукм шаклидаги тезис учун ушбу ҳукмнинг инкори: “Н. ушбу жинойтнинг содир этилишида айбдор эмас”, деган ҳукм антитезис бўлади. Агар тасдиқловчи ҳукмда гап айна бир ҳодисанинг номутаносиб хусусиятлари ҳақида борадиган бўлса, унда тасдиқловчи ҳукм ҳам ягона тасдиқловчи ҳукм учун антитезис бўлиши мумкин. Масалан, “Жиноят қасддан содир этилган”, деган тезис билан “Жиноят эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган”, деган антитезис ўртасида зиддият муносабати мавжуддир.

Агар тезис - “Барча S лар P дир”, деган умумий тасдиқловчи ҳукм орқали тақдим этилган бўлса, унда: “Айрим S лар P эмас”, деган унга зид келадиган жизъий инкор этувчи ҳукм антитезис бўлади. “Ҳеч бир S P эмас”, деган умумий инкор этувчи тезис учун: “Айрим S лар P дир”, деган жизъий тасдиқловчи ҳукм антитезис бўлади. Шундай қилиб, тезис ҳукмлар ўртасидаги муносабат қоидаларига мувофиқ тузилади.

Иккинчи босқич. Антитезисдан мантиқий равишда чиқарилган оқибатлар илгари чинлиги белгиланган қоидалар билан таққосланади. Бир-бирига мос келмагани ҳолда бундай оқибатлар инкор этилади.

Учинчи босқич. Оқибатларнинг ёлғонлиги асосида йўл қўйишнинг ёлғонлиги ҳақида мантиқий равишда хулоса чиқарилади.

Оқибатда йўл қўйишнинг ёлғонлиги асосида инкорни инкор этиш қонунига мувофиқ тезиснинг чинлиги ҳақидаги хулоса чиқарилади.

Билвосита асослашнинг апагогик тури фақат агар тезис ва антитезис зиддият ҳолатида бўлганида қўлланилади. Номутаносибликнинг бошқа турларида, шу жумладан, қарама-қаршилик мавжуд бўлганида апагогик асослаш яроқли бўлмай қолади.

Дизъюнкция аъзоси бўлган тезиснинг ёлғонлигини белгилаш ва дизъюнкциянинг бошқа барча рақобатлашувчи аъзоларини инкор қилиш йўли билан билвосита асосланиши ажратувчи асослаш, дейилади.

Бундай ҳолда тезиснинг асосланиши инкор қилиш услуби орқали қурилади. Далиллаш жараёнида дизъюнкциянинг бир аъзосидан ташқари бошқа барча

аъзоларининг яроқсизлиги кўрсатилади ва бу билан қолган тезиснинг чинлиги билвосита асосланади.

Ажратувчи асослаш фақат агар дизъюнктив ҳукм тўлиқ ёки ёпиқ бўлганида яроқли бўлади. Агар ечимнинг ҳамма вариантлари кўриб чиқилмаётган бўлса, унда инкор қилиш услуби тезиснинг ишончлилигини таъминламайди, балки фақат муаммоли ҳулосани беради.

72. Танқид, унинг шакллари ва усуллари

Танқид - бу илгари бўлиб ўтган далиллаш жараёнини бузишга қаратилган мантиқий операциядир.

Танқид ифодаланиш шаклига кўра пинҳоний ва ошкора бўлади.

Пинҳоний танқид - бу тезиснинг камчиликларини аниқ таҳлил қилмасдан ва заиф жойларини аниқ кўрсатмасдан туриб шубҳали тарздаги баҳоланишидир. Бундай ҳолдаги шубҳа тахминан шундай шаклда ифодаланади: “Сизнинг ғояларингиз менга шубҳали бўлиб туюлаяпти”, “Мен сизнинг таъкидларингизга кўпроқ шубҳа билан қарайман” ва ҳоказо. Бундай танқидни аниқлаштириш ҳақидаги илтимос одатда жавобсиз қолдирилади.

Ошкора танқид - тезиснинг аниқ камчиликларининг кўрсатилишидир.

Йўналтирилишига қараб ошкора танқид уч турда: деструктив, конструктив ва аралаш бўлади.

Тезис, далиллар ёки ошкор қилинган фикрни бузишга қаратилган танқид деструктив танқид дейилади.

(1) Тезис танқиди

Тезис ёлғонлиги олдиндан маълум бўлган фикр сифатида баҳоланади. **“Бемаъниликка олиб бориш”** деган ном олган ҳукм шаклида қурилган тезиснинг бевосита инкор қилинишини кўриб чиқамиз. Аввал-бошда илгари сурилган қониданинг ҳақиқий деб эътироф этилишига шартли равишда йўл қўйилади ва ундан мантиқан келиб чиқадиган оқибатни чиқаришади. Агар оқибатлар фактлар билан таққосланганида улар объектив маълумотларга зид келиши маълум бўлса, улар яроқсиз, деб эътироф этилади. Шу асосда: ёлғон оқибатлар ҳар доим улар асосининг ёлғонлигидан далолат беради, деган тамойил бўйича мулоҳаза юритилиб, тезиснинг ўзи яроқсизлиги қайд этилади.

Далиллаш жараёнида бевосита инкор этиш бузғунчи ёки деструктив функцияни бажаради. Унинг ёрдамида тезиснинг яроқсизлиги ошкор қилинади, лекин унинг ўрнига ҳеч қандай ғоя илгари сурилмайди.

(2) Далиллар танқиди

Далиллар танқиди шунда ифодаланиши мумкинки, оппонент фактларнинг ноаниқ баён қилинганлиги, статистик маълумотларни умумлаштириш русумларининг икки хилдаги маънолилигини кўрсатиб, ҳулосаси асос қилиб олинаётган экспертнинг обрўси хусусида шубҳа билдиради ва ҳоказо.

Асосларнинг тўғрилиги хусусидаги шубҳалар далиллардан мантиқий равишда келиб чиқадиган тезисга ҳам ўтказилади ва у ҳам шубҳали, деб баҳоланади. Далилларнинг ёлғонлиги аниқланганида тезис сўзсиз равишда асоссиз деб ҳисобланади ва у янгидан мустақил тасдиқланишга муҳтож бўлади.

(3) Ошкор қилишликнинг танқиди - деструктив танқиднинг учинчи усулидир. Бундай ҳолда далиллар билан тезис ўртасида мантикий боғланиш йўқлиги кўрсатилади. Агар тезис далиллардан келиб чиқмаса, унда у асоссиз, деб ҳисобланади. Мулоҳазанинг бошланғич ва охири бандлари бир-бири билан мантикий боғланмаган бўлиб қолади.

Ошкор қилишликнинг муваффақиятли танқиди тегишли хулосалар: тезисни асослаш шакли бўладиган дедукция, индукция, ўхшашликнинг қоидалари ва хатолари ҳақида аниқ тасаввур бўлишини назарда тутди.

Далиллар танқиди ва ошкор қилишликнинг танқиди ўз-ўзича фақат далиллашни бузади ва тезиснинг асосланмаганлигини кўрсатади. Бундай ҳолда тезис ҳақида у асосларга таянмайди ёки сифати ёмон асосларга таянади ва янги асосни талаб қилади, дейиш мумкин.

Танқиднинг кўрсатилган усуллари нафақат мустақил операциялар сифатида, шу билан бирга турли хил бирикмаларда ҳам қўлланилади.

Альтернатив таъкидни инкор қилиш мақсадида ўз тезисимизни асослашни конструктив танқид, деб атаймиз.

Конструктив танқид учун қуйидагилар зарур:

Ўз нутқидаги тезисни аниқ ва кенг миқёсда тақдим этиш.

Ушбу тезиснинг таклиф этилаётган тезисдан шунчаки фарқ қилмаслиги, балки унга альтернатива сифатида зид қилишини кўрсатиш.

Максимал тасдиқловчи таъсир кўрсатиш учун тақдим этилган тезис фойдасига далилларни танлашга бутун куч-ғайратларни жамлаш.

Конструктив ва деструктив ёндашувларни ўз ичига оладиган танқид аралаш танқид бўлади.

73. Мантикий исботнинг асосий қоидалари ва уларни бузишда учрайдиган хатолар. Тезисга муносабат бўйича қоидалар ва хатолар

Мантикий фикр юритиш тезисга нисбатан иккита қоидага: тезиснинг аниқлиги ва тезиснинг ўзгармаслиги қоидаларига риоя этишни назарда тутди.

Тезиснинг аниқлиги

Аниқлик қоидаси тезиснинг аниқ ва лўнда шакллантирилиши кераклигини англатади. Аниқлик, илгари суриладиган ҳукмлар маъносининг аниқ ва яққол аниқланишига доир талаб ўз тезисини баён қилишга ва танқид қилинаётган қоида - антитезиснинг баён қилинишига ҳам бирдек тегишли бўлади. Қадимги ҳинд фалсафасида шундай оқилона қоида амал қилган: агар сиз кимнингдир қоидасини танқид қилмоқчи бўлсангиз, унда танқид қилинадиган тезисни такрорлаш ва иштирок этаётган оппонентдан унинг фикри тўғри баён қилинганлиги тўғрисидаги розилигини олиш керак бўлади. Фақат шундан кейин танқид қилишни бошлаш мумкин. Шу ерда иштирок этмаётган оппонентнинг фикри цитата ёрдамида аниқ баён қилиниши мумкин. Ушбу қоидага амал қилиш танқидга объектив, аниқ ва холис тус беради.

Тезиснинг аниқ таърифланиши қуйидаги қадамларни назарда тутди: ишлатиладиган атамалар маъносини аниқлаш; тезис тақдим этиладиган шаклдаги ҳукмни таҳлил этиш: ҳукм субъекти ва предикатини, ҳукмнинг сифатини (унда

тасдиқ ёки ниманингдир инкор этилиши мавжудлигини) аниқлаш; ҳукмнинг миқдорий тавсифномасини билиб олиш.

Тезис миқдорий жиҳатдан ноаниқ фикрлар орқали тақдим этилган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, “Одамлар - худбиндир” ёки “Одамлар ўз-ўзига ҳаддан ортик ишонишади”. Бундай ҳолда ушбу фикрда сўз ҳамма тўғрисидами ёки айрим одамлар ҳақида кетаётгани номаълумдир. Бу турдаги тезисларни ҳимоя қилиш мушкул ва уларни айнан шу мантиқий жиҳатдан ноаниқлиги учун ҳам инкор қилиш осон эмас.

Тезиснинг модаллиги: ушбу фикрнинг ишончли ёки муаммоли; эҳтимол тутилган ёки ҳақиқийлиги; тезиснинг мантиқий ёки фактик ҳақиқийликка даъво қилиши ва шу кабилар ҳақидаги масала муҳим аҳамиятга эгадир.

Агар тезис мураккаб ҳукм орқали тақдим этилган бўлса, унда мантиқий боғламаларнинг қўшимча таҳлили талаб этилади.

Тезиснинг ўзгармаслиги

Тезиснинг ўзгармаслиги қоидаси мазкур мулоҳаза жараёнида аввал-бошда ифодаланган қоиданинг ўзгартирилиши ёки ундан воз кечишни таъқиқлайди. Бундай қоидаларга риоя қилмаслик хатоларга олиб келади.

Тезиснинг йўқотилиши. Бундай хато тезиснинг ифодаланиб, кейин унутиб қўйилиши ва бошқа, у билан бевосита ёки билвосита боғлиқ, лекин аслида бошқача қоидага ўтилишида намоён бўлади.

Тезиснинг алмаштирилиши. Тезиснинг алмаштирилиши тўлиқ ёки қисман юз бериши мумкин.

Тезиснинг тўлиқ алмаштирилиши кўпинча нотик ўзининг асосий фикрини олдиндан аниқ ва равшан ифодаламасдан, уни бутун нутқ давомида тузатиб борадиган ва аниқлаштирадиган ҳолдаги мулоҳазалардаги чалкашлик ёки пала-партишлик натижасида вужудга келади.

Тезиснинг қисман алмаштирилиши шунда ифодаланадики, нутқ давомида ўзининг тезисини ўзгартириш, аввал-бошда ҳаддан ортик умумий, кўпиртирилган ёки ҳаддан зиёд кескин бўлиб туюлган таъкидни торайтириш ёки юмшатишга интилишади.

74. Мантиқий исботнинг асосий қоидалари ва уларни бузишда учрайдиган хатолар. Далилларга муносабат бўйича қоидалар ва хатолар

Далиллар юзасидан қуйидаги қоидаларнинг бажарилиши зарур:

Ишончлилик;

Асоснинг тезисдан алоҳида бўлиши;

Зид келмаслик;

Етарлилик.

(1) Кўрсатилган мантиқий қоиданинг бузилиши иккита хатога: ёлғон далилнинг ҳақиқат деб қабул қилиниши - бу “асосий янглишиш” дейилади - ва асоснинг олдиндан маълум бўлишига олиб келади. Биринчи хатонинг сабаби - мавжуд бўлмаган фактнинг далил сифатида қўлланилиши, аслида мавжуд бўлмаган ҳодисани асос қилиб келтириш, мавжуд бўлмаган гувоҳларни кўрсатиш ва ҳоказо. Бошқа хато - асоснинг олдиндан маълум бўлиши шундан иборат бўладики,

далиллар сифатида исботланмаган, одатда, асоссиз олинган қоидалар ишлатилади: миш-мишлар, одамлар орасида юрган фикрлар ёки кимдир билдирган тахминлар асос қилиб олинади ва улар гўёки асосий тезисни асослайдиган далиллар сифатида тақдим этилади.

(2) Далилларнинг алоҳида тарзда асосланиши қуйидагиларни англатади: асослар ҳақиқий эканлиги сабабли тезисни асослашдан олдин далилларнинг ўзини текшириш керак бўлади. Бунда важлар учун асослар тезисга мурожаат этмасдан қидирилади. Бунда бошқача ҳол бўлиб, исботланмаган тезис орқали исботланмаган далиллар асосланиши ҳам мумкин. Бундай хато “ошкор қилишликдаги доира” дейилади.

(3) Далилларнинг зид келмаслиги ҳақидаги талаб зиддиятдан расмий равишда ҳамма нарса - тезис ҳам, антитезис ҳам келиб чиқиши мумкинлигини таъкидлайдиган мантиқий ғоядан келиб чиқади. Мазмуний жиҳатидан эса зиддиятли асослардан ҳеч бир қоида зарурий тарзда келиб чиқмайди.

(4) Далилларнинг етарлилиги ҳақидаги талаб мантиқий меъёр билан боғлиқдир - асослар мажмуи улардан мантиқ қоидаларига биноан исботланаётган тезис зарурий равишда келиб чиқиши керак.

Далилларнинг етарлилигини уларнинг сони жиҳатидан эмас, балки уларнинг салмоқчилигини ҳисобга олиб баҳолаш керак бўлади. Бунда айрим, ажралиб турган далиллар, одатда, камроқ салмоққа эга бўлади, чунки турлича талқинга йўл қўяди. Агар ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган далиллар катори қўлланилса, бу бошқача иш бўлади.

75. Мантиқий исботнинг асосий қоидалари ва уларни бузишда учрайдиган хатолар. Ошкор қилишликдаги қоидалар ва хатолар

Далилларнинг тезис билан мантиқий алоқаси дедукция, индукция ва ўхшашлик каби хулосалар шаклида кечади. Ошкор қилишликнинг мантиқий батартиблиги тегишли хулосалар қоидаларига риоя қилинишига боғлиқ бўлади.

1) Далиллашнинг дедуктив усули бир қатор методологик ва мантиқий талабларга амал қилишни назарда тутди. Қуйидагилар уларнинг энг муҳимларидир:

(1) Бошланғич назарий ёки эмпирик қоиданинг важ ролини бажарадиган катта асосда аниқ белгиланиши ёки баён қилиниши.

(2) Кичик асосда берилган аниқ ҳодисанинг аниқ ва ишончли баён қилиниши.

(3) Силлогизмларнинг барча қатъий, шартли, ажратувчи ва аралаш шакллари қоидаларига риоя қилиш.

2) Далиллашнинг индуктив усули, одатда, фактик маълумотлар асослар сифатида қўлланилган ҳолларда ишлатилади. Индуктив асоснинг далилли аҳамияти бир хилдаги ҳодисалар хусусиятларининг барқарорлик билан такрорланувчанлигига боғлиқ бўлади. Қанчалик кўп сонли яхши ҳолатлар кузатилса ва уларнинг танлаб олиниши шартлари қанчалик турли-туман бўлса, индуктив далиллаш ҳам шунчалик асосланган бўлади. Кўпинча индуктив асос фақат муаммоли хулосаларга олиб

келади, чунки айрим объектларга хос бўлган нарса ҳодисаларнинг бутун гуруҳига ҳар доим ҳам хос бўлавермайди.

3) Ўхшашлик шаклидаги далиллаш ягона ҳодисалар ва воқеаларнинг таққосланиши ҳолида қўлланилади.

Ижтимоий-тарихий ҳодисаларнинг ўхшашлиги ҳар доим ҳам шубҳасиз ва узил-кесил ҳулосаларни бермаслиги сабабли ундан фақат дедуктив ёки индуктив асослашга қўшимча сифатида фойдаланиш мумкин.

Ошкор қилишликдаги хатолар далиллар билан тезис ўртасида мантиқий боғланиш йўқлиги билан боғлиқдир.

Далиллар билан тезис ўртасида мантиқий боғланишнинг бўлмаслиги “сохта эргашиш” хатоси дейилади.

Сохта эргашув кўпинча далиллар тақдим этилган асосларнинг мантиқий мақоми билан тезисни ўз ичига оладиган ҳукмнинг мантиқий мақоми бир-бирига мувофиқ келмаслиги сабабли юз беради. Ошкор қилишликнинг ишлатиладиган ҳулосалар турларидан қатъи назар бузилишининг типик ҳолларини кўрсатиб ўтамиз.

(1) Торроқ соҳадан бирмунча кенгроқ соҳага мантиқий ўтиш. Масалан, далилларда муайян турдаги ҳодисаларнинг хусусиятлари баён қилинади, тезисда эса, гарчи турнинг ҳамма белгилари ҳам жинсга оид эмаслиги маълум бўлса-да, бутун жинсдаги ҳодисаларнинг хусусиятлари ҳақида асоссиз равишда сўз юритилади.

(2) Шартли тарзда айтилганлардан шартсиз тарзда айтилганларга ўтиш.

(3) Муайян муносабатда айтилганлардан ҳеч нарсага тегишли бўлмаган нарсалар ҳақида айтилганларга ўтиш. Масалан, агар муаммоли, ҳатто жуда эҳтимол бўлган асосларга таяниб, ишончли тезисни асослашга уринишса ҳам бундаги оқибат сохта бўлади.

Сохта эргашув хатоси тезисни асослаш учун муҳокама қилинаётган тезис билан мантиқий боғланмаган далиллар келтирилган ҳолларда ҳам юз беради. Шу тусдаги кўплаб ҳийлалар орасидан қуйидагиларини айтиб ўтамиз:

Куч билан далиллаш. Тезисни мантиқий асослаш ўрнига номантиқий мажбурлаш - жисмоний, иқтисодий, маъмурий, ахлоқий-сиёсий ва бошқа турдаги таъсирлар ишлатилади.

Билмаслик билан далиллаш. Оппонент ёки тингловчиларнинг беҳабарлиги ёки билмаслигидан фойдаланиш ва объектив тасдиқланмайдиган ҳамда фанга зид бўлган фикрларни уларга сингдиришга уриниш.

Фойда билан далиллаш. Тезисни мантиқий асослаш ўрнига ахлоқий-сиёсий ёки иқтисодий жиҳатдан фойдали эканлиги сабабли ушбу тезисни қабул қилиш ташвиқ қилинади.

Соғлом фикр билан далиллаш. Кўпинча реал асослаш ўрнига оддий онгга мурожаат қилиш сифатида қўлланилади. Гарчи соғлом фикр тушунчаси анча нисбий бўлса-да, кўпинча у, мабодо гап уй-рўзғордаги буюмлар ҳақида кетмаётган бўлса, унда ёлғон бўлиб қолади.

Ҳамдардлик билан далиллаш. Аниқ бир қилмишни реал баҳолаш ўрнига раҳмдиллик, инсонпарварлик, ҳамдардлик кўрсатишга чакириладиган ҳолларда

намоён бўлади. Одатда гап шахснинг содир қилган қилмишлари учун ҳукм қилиниши ёки жазоланиши эҳтимоли ҳақида кетадиган ҳолларда бундай далилга мурожаат қилинади.

Садоқат билан далиллаш. Тезисни ҳақиқий тезис сифатида асослаш ўрнига садоқат, яқинлик, ҳурматлаш ва шу кабилар юзасидан уни қабул қилишга ундашади.

Обрў-эътиборлилик билан далиллаш. Тезисни аниқ асослаш ўрнига шахснинг обрў-эътиборли эканлиги ёки жамоа номининг юксаклиги важ қилиб келтирилади.

76. Паралогизмлар, софизмлар ва мантикий парадокслар

Фикр-мулоҳазадаги қонунлар ва мантиқ қоидалари бузилиши билан боғлиқ бўлган атайлаб қилинмаган хато паралогизм дейилади.

Қасддан, кимнидир чалғитиш ниятида билдирилган ёлғон фикр одатда сафсата (софизм) дейилади. Софизм - бу нозик ва ниқобланган ёлғон бўлиб, унинг мақсади - ёлғонни чин деб ўтказишдир. “Сен нимаики йўқотмасанг, шунга эга бўласан”, деган фикр бунга мисол бўлади. Софизмларни ишлатиш умуман алдамчилик ва ёлғон фикрни илгари суриш каби ножўя иш деб ҳисобланган. Софизмларнинг ўзи сингари уни шу тарзда тушуниш ҳам Қадимги Грецияда пайдо бўлган. “Софизм” атамасини Аристотель жорий қилган: у софизмни сохта донолик сифатида тавсифлаган ва Зеноннинг апорияларини ҳам улар қаторига киритган. Ҳозирги вақтда тадқиқотчилар софизмларни юзаки тушунишдан ўзларини тутишади ва софизмлар мантиқ ривожига катта роль ўйнаган, деб ҳисоблашади.

Софизмлар Қадимги Грецияда кенг тарқалган ва ҳозирги тадқиқотчиларнинг фикрича, тафаккурнинг антик услубининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган. Бундай хусусият унинг парадокслилигида кўринади.

Парадокс - бу муайян ҳукмнинг ҳақиқийлигини ҳам, ёлғонлигини ҳам, яъни ҳукмни ҳам, унинг инкорини ҳам исботлайдиган фикр-мулоҳазадир. Кенг маънода олганда парадокс - бу умумий қабул қилинган, қарор топган, ортодоксал фикрдан кескин фарқ қиладиган қоидадир. Назарияда парадоксларнинг мавжудлиги назариянинг мукамал эмаслигидан далолат беради, парадокснинг ечими эса унинг шундан кейинги ривожига олиб боради. Кўп ҳолларда софизмлар парадоксларни ўз ичига олади. Ҳозирги инглиз файласуфи Б.Расселнинг сўзларига қараганда, Зеноннинг ўз вақтида софизмларга мисол бўлиб хизмат қилган апориялари у ёки бошқа шаклда фанда қадимги даврлардан бери амал қилиб келаётган макон, замон ва чексизликнинг қарийб барча назариялари асосларига дахлдордир.

“Ёлғончи” софизми мантиқ ва семантиканинг кўплаб энг муҳим мавзуларига: ҳақиқатни белгилаш, зиддият ва далилни талқин қилиш, номнинг маъноси билан у ифодалайдиган объект ўртасидаги тафовут ва шу кабиларга тегишли бўлади. Фин файласуфи Г. фон Вригт ёзганидек, софизмларни шунчаки ўз ечимини кутаётган муаммолар деб эмас, балки мушоҳада юритиш учун хом материал сифатида кўриб чиқиш лозим. Улар муҳимдир, чунки улар ҳақидаги мушоҳада бутун мантиқ, демак жами тафаккурнинг энг фундаментал масалаларига тегишли бўлади.

МАШҚЛАР

1-машқ. Айлантериш орқали хулоса чиқаринг.

- 1.1. Гуруҳимизнинг барча талабалари аълочидирлар.
- 1.2. Ҳеч бир босқинчилик уруши адолатли эмас.
- 1.3. Айрим Европа мамлакатларида монархия сақланиб қолган.
- 1.4. Мантиқ – фалсафий фан.
- 1.5. Айрим урушлар адолатлидир.
- 1.6. Айрим гувоҳларнинг кўрсатмалари ишончли эмас.
- 1.7. Айрим келишувлар бир томонлама эмас.
- 1.8. Ҳамма йўллар Римга олиб боради.
- 1.9. Ҳеч ким абадий яшамайди.
- 1.10. Айрим урушлар адолатли эмас.

2-машқ. Ўзгартиришнинг тўғрилигини текширинг. Нотўғри ўзгартиришлардан тўғри хулосалар чиқаринг.

- 2.1. Айрим кўзиқоринлар заҳарлидир.
Айрим кўзиқоринлар заҳарсиз эмас.
- 2.2. Айрим мевалар истеъмол қилинадиган эмас.
Айрим мевалар истеъмол қилинадигандир.
- 2.3. Олам чексиздир.
Олам чекли эмас.
- 2.4. Суднинг ҳеч бир қарори асосланмаган бўлмаслиги керак.
Суднинг ҳар қандай қарори асосланган бўлиши керак.
- 2.5. Айрим талабалар – аълочи.
Айрим талабалар – аълочи эмас.
- 2.6. Айрим иқтисодчилар банкир эмас.
Айрим иқтисодчилар банкирмас эмас.
- 2.7. Айрим фанлар ижтимоий фанлардир.
Айрим фанлар ижтимоий фанлар эмас.
- 2.8. Дин илмий билимлар билан келишмайди.
Дин ноилмий билимлар билан келишади.
- 2.9. Давлат ҳамиша мавжуд бўлган.
Давлат ҳамиша мавжуд бўлмаган.
- 2.10. Инсонга хато қилиш хос.
Инсонга хато қилиш хос эмас.

3-машқ. Агар мумкин бўлса, предикатга қарама-қарши кўйиш йўли билан хулоса чиқаринг, уни айлантериш ва алмаштириш ёрдамида текширинг.

Намуна: (А) Ҳар қандай давлат (S) раҳбар ташкилотдир (P)
(Е) Ҳеч бир раҳбар бўлмаган ташкилот (P-эмас) давлат эмас (S)

Айлантериш ва алмаштириш ёрдамида текширамиз:

- (А) Ҳар қандай давлат (S) раҳбар ташкилотдир (P)
(Е) Ҳеч бир давлат (S) раҳбармас ташкилот эмас (P-эмас)
- 3.1. Барча солиқчилар иқтисодчидир.

- 3.2. Айрим файласуфлар мантиқшунос эмас.
- 3.3. Айрим врачлар нейрохирургдирлар.
- 3.4. Ҳеч бир талаба-иқтисодчи биохимияни ўқимайди.
- 3.5. Ўзбекистон фуқаролари сифатли тиббий хизмат олиш ҳуқуқига эгадирлар.
- 3.6. Расман сиёсий мустақилликка эришган айрим давлатлар ҳақиқатда мустақил эмас.
- 3.7. Айрим қушлар сайроқидир.
- 3.8. Ҳайвонларнинг айрим рефлекслари шартсиз эмас.
- 3.9. Гуруҳимизнинг барча талабалари ўзлаштирувчилардир.
- 3.10. Ҳеч бир босқинчилик уруши адолатли эмас.

4-машқ. Силлогизмни тўла таҳлил қилинг. хулоса ва усулларни, ўрта, кичик ва катта атамаларни, катта ва кичик асосларни кўрсатинг. Атамалар ўртасидаги муносабатни доиравий чизмасида тасвирланг.


Намуна: 1. Иккинчи босқичнинг барча талабалари (М) мантиқ фанини ўрганадилар (Р)

2. Сардор-иккинчи босқич талабаси (М)

3. Сардор (S) мантиқ фанини ўрганади (Р)

1-хукм-катта асос, 2-хукм-кичик асос, 3-хукм-хулоса.

Доиравий чизмаси:



- 4.1. Ҳамма табиий ҳодисалар материянинг махсус шаклидир. Кимёвий элементлар табиий ҳодисалардир. Демак, кимёвий элементлар материянинг махсус шаклидир.
- 4.2. Ҳеч бир сайёра ўзича мустақил нурга эга эмас. Марс-сайёра. Демак, Марс ўзича мустақил нурга эга эмас.
- 4.3. Барча металллар электр токини ўтказди. Баъзи қаттиқ жисмлар металлдир. Демак, баъзи қаттиқ жисмлар электр токини ўтказди.
- 4.4. Ҳеч бир бола мактабдан четда қолмасин. Кўчамиздагиларнинг баъзиси – болалар. Демак, кўчамиздагиларнинг барчаси мактабдан четда қолмасин.
- 4.5. Ҳеч қандай босқинчилик уруши адолатли уруш эмас. Ҳалқларимизнинг фашистлар Германиясига қарши уруши адолатли урушдир. Демак, ҳалқларимизнинг фашистлар германиясига қарши уруши босқинчилик уруши эмас.
- 4.6. Барча металллар электр токини ўтказди. Барча жисмлар электр токини ўтказмайди. Демак, баъзи жисмлар метал эмас.

- 4.7. Барча руҳонийлар динга ишонади. Барча руҳонийлар – инсонлар. Демак, баъзи инсонлар динга ишонади.
- 4.8. Баъзи партиялар бизнесменларнинг манфаатини ифодалайди. Барча партиялар – сиёсий ташкилотдир. Демак, баъзи сиёсий ташкилотлар бизнесменларнинг манфаатини ифодалайди.
- 4.9. Барча прокурорлар – юристдир. Барча прокурорлар – шахматчи. Баъзи шахматчилар юристдир.
- 4.10. Ҳеч бир доцент талаба эмас. Барча талабалар имтиҳон топшириши зарур. Баъзи имтиҳон топшириши зарур бўлганлар доцент эмас.

5-машқ. Асослардан хулоса чиқаринг. Хулосанинг тўғрилигини доиравий чизмалар ёрдамида текширинг.


Намуна: 1. Асосларни ёзамиз:

Ўзбекистон фуқаролари (М) қонунга риоя қилишлари шарт (Р).

Валиев (S) Ўзбекистон фуқароси (М)

2. хулоса чиқарамиз: Валиев (S) қонунга риоя қилиши шарт.

3. Хулосанинг тўғрилигини доиравий чизма ёрдамида текширамиз.



- 5.1. Айбланувчи ҳимоя ҳуқуқига эга. Н-айбланувчи. Демак,
- 5.2. Гуруҳимизнинг барча талабалари имтиҳон топширдилар, лекин Бўриев имтиҳон топшира олмади. Демак,
- 5.3. Урушни тарғиб қилиш – давлат жинояти, давлат жиноятлари эса жазоланади.....
- 5.4. Умумий ҳиссадорлик мулкнинг ҳар бир аъзоси умумий бойликдан ўз улушини талаб қилишга ҳақлидир. В-умумий ҳиссадорлик мулкнинг қатнашчиси. Демак,
- 5.5. Икки ўзаро зид ҳукм бир вақтнинг ўзида хато бўлиш эмас. Бу ҳукмлар ўзаро зиддир. Демак,
- 5.6. Қуёш тизимидаги барча сайёралар қуёш атрофида айланади. Ой қуёш атрофида айланади. Демак,
- 5.7. Ҳеч бир сут эмизувчи қуш эмас. Баъзи сут эмизувчилар тоғда ҳаёт кечиради. Демак,
- 5.8. Баъзи медиклар волейбол ўйнамайди. Барча медиклар ўз хунарининг мутахассисиси. Демак,
- 5.9. Ҳеч бир қуш чивин эмас. Барча қушларнинг қаноти бор. Демак,

5.10. Барча дарахтлар ўсимлик. Ҳеч бир ўсимлик сувсиз яшай олмайди.....

6-машқ. Асослардан хулоса чиқаринг, силлогизмнинг фигурасини аниқланг. Фигуралар қоидалари ёрдамида хулосанинг заруран келиб чиқиш-чиқмаслигини аниқланг.


Намуна: 1. Асослардан хулоса чиқарамиз.

Айрим ижодкорлар (М) ёзувчидирлар (Р)

Умаров (S) – ижодкор (М)

Умаров (S) ёзувчидир (Р)

2. Фигурасини аниқлаймиз:



3. Катта асос қоидаси бузилган (катта асос умумий бўлиши керак).

6.1. Олий ўқув юрти барча талабалари логик фанини ўқийдилар.

Вали Олий ўқув юрти талабаси эмас. Демак.....

6.2. Олий ўқув юрти барча талабалари логик фанини ўқийдилар.

Умаров логикни ўқимокда. Демак.....

6.3. Айрим талабалар – аълочи. Умаров – аълочи эмас

6.4. Айрим талабалар – аълочи. Валиев – талаба

6.5. Айрим врачлар – нейрохирург. Кенгашда қатнашаётганларнинг барчаси – нейрохирурглар.

6.6. Айрим зобитлар – артиллерист. Валиев – артиллерист.

6.7. Барча адвокатлар олий юридик маълумотга эга. Валиев олий юридик маълумотга эга.

6.8. Бизнес факультетнинг барча талабалари спорт билан шуғулланидилар. Умаров бизнес факультетининг талабаси эмас.

6.9. Контрабанда билан шуғулланган шахс жиноий жавобгарликка тортилади. К. контрабанда билан шуғулланмаган.

6.10. Айрим жиноятлар онгли равишда қилинган. Билмасдан танага жароҳат етказиш – жиноят.

7-машқ. Қилинган хулоса асосида муносабатнинг сифатини аниқланг. Хулоса схемасини ёзинг.

Намуна: Қарши Самарқанддан жануброқда. Самарқанд Тошкентдан жануброқда. Демак, Қарши Тошкентдан жануброқда.

Транзитив муносабат ($xRy \wedge yRz \rightarrow xRz$)

7.1. А В га тенг. Демак, В А га тенг.

7.2. $A=B$, демак $A=A$ ва $B=B$

7.3. x ходисаси у ходисаси билан бир вақтда содир бўлган.

- 7.4. Ойбек Ғ.Ғуломдан кейин туғилган. А.Қахҳор Ойбекдан кейин туғилган. Демак, А.Қахҳор Ғ.Ғуломдан кейин туғилган.
- 7.5. С предмети D предметидан айрим белгилари билан фарқланади. Демак, D предмети ҳам шу белгилари билан С предметдан фарқланади.
- 7.6. Африка худуд Америка худудидан кичикдир, Америка худуди эса Осиё худудидан кичик. Демак, Африка худуди Осиё худудидан кичик.

8-машқ. Хулоса чиқариш, унинг тўғрилигини аниқланг.

Намуна: Али Вали билан таниш. Вали Ойбек билан таниш.

Хулоса: Али Ойбек билан таниш – заруран келиб чиқмайди, чунки “танишлик” муносабати транзитив эмас.

- 8.1. Али Валининг акаси.
- 8.2. Фотима – Умарнинг қизи.
- 8.3. Тинч океани Атлантика океанидан катта.
- 8.4. Тунис Мисрдан шарқроқда, Миср Мароккодан шарқроқда.
- 8.5. Али Зухрани севади. Зухра Сардорни севади.
- 8.6. Султон Саифнинг тенгдоши.
- 8.7. Фотима Султони севади.
- 8.8. Момо Хаво Одам Атонинг хотинидир.
- 8.9. Амударё Сирдарёдан каттадир.
- 9.10. Абдурахмон Жомий Алишер Навоийдан илгари туғилган.

9-машқ. Шартли хулосадаги асосларни топинг ва хулоса чиқаринг.

Намуна: Агар ҳаво бузилса (P), экскурсия қолдирилади (q).

Агар экскурсия қолдирилса (q), биз театрга берамиз (r)

Агар ҳаво бузилса, биз театрга борамиз.

- 9.1. Агар бош миянинг пешона қисми зарарланса, шахснинг ташқи муҳит билан ўзаро таъсири бузилади. Бундай ҳолда инсон воқеликни реал идрок этмайди ва демак, вазиятнинг қулига айланади.
- 9.2. Агар қорли киш ва серёмғир баҳор бўлса, тоғ дарёлари қирғоғидан тошади. Агар улар қирғоғидан тошса, унинг сувлари йўлларни ювиб кетиши мумкин. Агар йўлларни сув босса уларда ҳаракат имконияти бўлмайди ва натижада кўпгина аҳоли пунктлари ҳом ашё ва озиқ-овқатсиз қолади.
- 9.3. Агар уй-жойни алмаштириш белгиланган қоидаларни бузиш билан амалга оширилган бўлса, алмашув суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади. Ҳақиқий эмас, деб топилган тақдирда томонлар илгари яшаб турган жойларига қайта кўчиб ўтишлари керак.

10-машқ. Шартли асослардан фойдаланиб, а) тасдиқловчи, б) инкор қилувчи модуслар бўйича хулоса чиқаринг.

Намуна: Агар Н. ўғирлик билан шуғулланган бўлса (P), у жиноий жавобгарликка тортилади (q).

1. Тасдиқловчи модус бўйича хулоса чиқарамиз:

Н. ўғирлик билан шуғулланган (Р). Демак, жиноий жавобгарликка тортилади.

2. Инкор қилувчи модус бўйича хулоса чиқарамиз:

Н. Жиноий жавобгарликка тортилмади (¬q). Демак,

Н. ўғирлик билан шуғулланмаган (¬q).

10.1. Агар хаво куруқ келса, экинлар қурийди.

10.2. Агар яхши нотик бўлишини хоҳласанг, яхши ва ифодали ўқишинг керак.

10.3. Агар имтиҳондан қутилсам, саёҳатга бораман.

10.4. Агар осмонни булут қопласа, ой кўринмайди.

10.5. Агар ёмғир ёғса, ер нам бўлади.

10.6. Агар бу рақам 10 га бўлинса, унда 5 га ҳам бўлинади.

10.7. Агар суд бу ҳужжатнинг қалбакилиги ҳақида хулосага келса, уни далиллар сафидан чиқаради.

10.8. Агар ҳужум қилинса, ҳимояланишинг керак.

10.9. Агар муҳит хужайра учун ноқулай бўлса, унинг функцияси аста-секин кучсизланади.

11-машқ. Катта ва кичик асосларни, натижани тушириб қолдириб, хулоса чиқаришни энтимемага айлантиринг.

Намуна: ТДИУ нинг барча талабалари мантиқ фанини ўрганадилар. Самадов - ТДИУ талабаси. Демак, Самадов мантиқ фанини ўрганади.

1. Катта асосни тушириб қолдирамиз:

Самадов - ТДИУ талабаси. Демак, у мантиқ фанини ўрганади.

2. Кичик асосни тушириб қолдирамиз:

ТДИУ нинг барча талабалари мантиқ фанини ўрганадилар.

Демак. Самадов мантиқ фанини ўрганади.

3. Хулосани тушириб қолдирамиз:

ТДИУнинг барча талабалари мантиқ фанини ўрганадилар. Самадов – ТДИУ талабаси.

11.1. Ҳукм оддий ёки мураккаб бўлиши мумкин. “Электрон салбий зарядга эга” ҳукми оддий. Демак, у мураккаб ҳукм эмас.

11.2. Эр-хотинлар бир-бирларига моддий ёрдам беришга мажбурдирлар. М. ва Н – эр-хотин, демак улар бир-бирларига ёрдам беришга мажбурдирлар.

11.3. Барча китлар – сут эмизувчи. Барча дельфинлар – кит.

Демак, барча дельфинлар – сут эмизувчи.

11.4. Барча сут эмизувчилар умуртқали. Барча дельфинлар – сут эмизувчи. Демак, барча дельфинлар – умуртқали.

11.5. Физиканинг барча қонунлари объективдир. Квант механикаси қонунлари – физик қонунлар. Демак, квант физикаси қонунлари объективдир.

12-машқ. Силлогизмнинг тушириб қолдирилган қисмини тикланг.

Намуна: Айбланувчи ҳимоя ҳуқуқига эга. Демак, Л ҳимоя ҳуқуқига эга.

1. Хулосани топамиз: “Л. (S) ҳимоя ҳуқуқига эга” (Р).

2. Асос “Айбланувчи (М) ҳимоя ҳуқуқига эга (Р) – катта асосдир чунки унда катта атама – хулосанинг предикати мавжуд.

3. Тушириб қолдирилган-кичик атамани тиклаймиз: “Л(s) – айбланувчи (р)”.

4. Силлогизм қуйидаги кўринишга эга бўлади: Айбланувчи (М) ҳимоя ҳуқуқига эга (р). Л (s) – айбланувчи (М). Демак, Л.(s) ҳимоя ҳуқуқига эга (р).

12.1. Диний никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Демак, П. ва Ф. ўртасидаги никоҳ ҳуқуқий аҳамиятига эга эмас.

12.2. Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилган. Демак, у оғзаки шаклда тузилган.

12.3. Л. айбланувчи, шунинг учун ҳимоя ҳуқуқига эга.

12.4. Барча Ўзбекистон фуқаролари билим олиш ҳуқуқига эга. Холмат – Ўзбекистон фуқароси.

12.5. Барча дарахтлар сув билан ҳаёт. Терак ҳам дарахт.

12.6. Ҳамма космонавтлар ҳаво кемасида осмонга кўтарилган. Жонибеков космонавт эди.

12.7. Ҳамма мустақил давлатлар бошқа давлат билан бевосита алоқа ўрната олади. Ўзбекистон республикаси – мустақил давлат.

12.8. Ҳамма организмлар парчаланadi. Ўсимликлар - организм.

12.9. Ҳамма ўқитувчилар – педагогдирлар. Холмат - ўқитувчи.

12.10. Ҳамма сайёралар қуёш атрофида айланади. Ер қуёш атрофида айланади.

13-машқ. Қуйидаги хулосаларни тўла индукция ёрдамида олиш мумкинми?

13.1. Бутун ҳафта давомида ҳаво иссиқ бўлди.

13.2. Терма жамоанинг барча ўйинчилари машққа келдилар.

13.3. Гуруҳимизнинг ҳеч бир талабаси қолоқ эмас.

13.4. Барча фуқаролар яшаш ҳуқуқига эгадирлар.

13.5. Барча балиқлар жабралари орқали нафас олади.

13.6. Барча дарахтлар нафас олади.

13.7. Ҳеч бир нарса сабабсиз бўлмайди.

13.8. Ҳар қандай механик ҳаракат иссиқликка айланиши мумкин.

13.9. Ҳар бир иқтисодчи саводлидир.

13.10. Иккинчи босқичнинг барча талабалари тадбирда қатнашдилар.

14-машқ. Нотўлиқ индукция орқали чиқарилган қуйидаги хулосаларнинг эҳтимоллиги етарлими?

14.1. Муқимий, Фурқат, Завқий маърифатпарвар демократ шоирлардир. Демак, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида яшаган ўзбек шоирлари маърифатпарвар бўлганлар.

14.2. Каримнинг ўқиши кун сайин ёмонлашиб борди. Шу билан бирга унинг футбол ўйинига қизиқиши ортиб борганини кузатдилар. Демак, Каримнинг ўқиши ёмонлашувига сабаб унинг футбол ўйинига қизиқишидир.

14.3. Темир йўлда сигнализация ишдан чиққанлиги аниқланган кунда Р. бу жойга яқин эди. Унинг эса бригадир билан муносабати ёмон эди. Шу фактга асосланиб, Р. сигнализация воситаларини атайлаб бузиб қўйганликда айбланди.

14.4. Бу математикка қаранг, - деди логик. — У дастлабки 99 рақам 100 рақамидан кичик эканлигини билиб қолган ва у индукция деб атайдиган метод ёрдамида ҳар қандай рақам 100 рақамидан кичикдир деб хулосага келган.

- Физик, - деди математик, - 60 ҳар қандай рақамга бўлинишига ишонади. У 60 рақами 1,2,3,4,5 ва 6 сонларига бўлинишини кузатган. У тасодифан олинган 10,20 ва 30 рақамларини ҳам текширган. Улар ҳам 60 га бўлинишидан, бу тажрибавий далилларни етарли деб ҳисоблаб, шундай хулосага келган.

- Ҳа, муҳандисга қаранг, - эътироз билдирди физик. - Муҳандис барча ток сонлар соддалигига шубҳаланади. Ҳеч бўлмаганда 1 рақамини содда ҳисоблаш мумкинлигини у исботлайди. Кейин 3,5 ва 7 рақамлари келади. Барчаси, шубҳасиз, соддадир. Сўнг 9 сони келади - кутилмаган ҳодиса, 9 содда сон эмасга ўхшайди, лекин 11 ва 13, албатта, содда сонлардир. 9 сонига қайтамыз, - деди у. — 9 сони экспериментнинг хатоси деб хулоса чиқараман. (Пойа Д Математика и правдоподобные рассуждения М, 1957).

15-машқ. Қуйидаги мунозарани қандай ҳал этмоқ мумкин?

Қадимги Грецияда ўтган машҳур софист Протагорнинг Эватл номли бир шогирди бўлган. Шогирдга таълим берганлик учун тўланадиган ҳаққа икки муддат белгиланган ва Эватл биринчи суд мурофаасида ютиб чиққанидан кейин ҳақнинг иккинчи ярмини тўламоқчи бўлган. Лекин Эватл суд мурофаасида ютиб чиқавермагандан кейин, Протагор суд орқали пулни талаб қилиш қарорига келган ва Эватлга бундай дилемма билан мурожаат қилган: “Мурофаамизда агар сен ютиб чиқсанг, у вақтда сен менга ҳақни шартимизга мувофиқ тўлашинг лозим; агар сен мурофаада ютқизиб қўйсанг, у вақтда сен менга ҳақни суд қарорига мувофиқ тўлашинг лозим; лекин сен мурофаада ё ютиб чиқасан, ё ютқизиб қўясан, ва демак, барибир, сен менга тегишли ҳақни тўлайсан”. Эватл унга тескари дилемма билан жавоб қайтарган: “Мурофаамизда агар мен ютиб чиқсам, у вақтда мен суд қарорига мувофиқ ҳақни тўламаслигим керак, агар мурофаада ютқизиб қўйсам, у вақтда мен, шартимизга мувофиқ ҳақни тўламаслигим керак, лекин мен мурофаада ё ютиб чиқаман ёки ютқизиб қўяман, демак, ундай бўлганда ҳам, бундай бўлганда ҳам мен тегишли ҳақни тўламаслигим керак.”

16-машқ. Қуйидаги мулоҳазадан қандай метод билан қандай хулоса чиқади?

- Ҳаво насоси қалпоғи ичида ҳаво бўлгандагина, унда қўнғироқнинг овози чиқади. Агар унинг ичида ҳаво бўлмаса, овоз чиқмайди.

17-машқ. Қуйидагилар хулосанинг қайси турига киради? Унинг камчилиги нимада?

- Об-ҳавони кузатиб бориш асосида халқ орасида ҳикматли аломатлар тарқалган. Масалан, “Қалдирғочлар пастлаб учса, ёмғир бўлади”, “Кечқурунги шафақ қизғиш товланиб кўринса, шамол бўлади” ва ҳоказо.

18-машқ. Қуйидаги мулоҳазаларни таҳлил қилинг.

1) – Сен бу ёпиб қўйилган одамни танийсанми?

– Йўқ.

– Бу – сенинг отанг. Демак, сен ўз отангни танитайсан.

2) Ёлғончи ўз ёлғончилигини тан олиши мумкин. Бу ҳолда у рост айтади.

Лекин ким рост гапирса, у ёлғончи эмас. Демак, эҳтимол, ёлғончи ёлғончи эмасдир?

3) Тимсоҳ қирғоқда турган аёлдан боласини тортиб олди. Аёлнинг боламини бер деб ялинишига тимсоҳ шундай жавоб берди:

- Мен сенга болани қайтариб олишинг учун имкон бераман.

Болани сенга бераманми, йўқми? Топ! Агар тўғри жавоб берсанг, болани қайтараман.

Ўйлаб туриб, она жавоб берди:

- Сен менга болани бермайсан.

- Сен уни олмайсан, - хулоса қилди Тимсоҳ – Сен ё хато, ё рост гапирдинг.

Агар сенга болани бермаслигим рост бўлса, уни сенга бермайман, акс ҳолда айтганинг тўғри бўлмайди. Агар айтганинг хато бўлса, демак, сен жавобни топа олмадинг ва мен болани келишувга кўра бермайман.

Лекин онага бу муҳокама ишончли туюлмади.

- Агар мен тўғри айтган бўлсам, унда сен, келишганимиздек, болани менга берасан. Агар мен болани бермайсан, деб тўғри топа олмаган бўлсам, болани менга беришинг керак, менинг айтганим хато бўлиб чиқади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Войшвилло Е.К., Дегтярев М.Г. Логика. М.: ВЛАДОС-ПРЕСС, 2001.
2. Гетманова А.Д. Учебник по логике. М.: ЧеРо, 1996.
3. Иванов В.А. Логика. М.: БЕК, 1997.
4. Ивлев А.А. Логика. М.: Гардарики, 1999.
5. Кириллов В.И., Старченко А.А. Логика. М.: Юристъ, 1998.
6. Курбатов В.И. Логика. Ростов-на-Дону: «Феникс», 1997.

МУНДАРИЖА

1. Мантиқ фанининг предмети ва унинг илмий билим тизимидаги аҳамияти.....	3
2. Мантиқ ривожининг асосий тарихий босқичлари.....	4
3. Айният қонуни ва унинг тафаккурга талаблари.....	5
4. Нозидлик қонуни ва унинг инсон фаолиятидаги аҳамияти.....	6
5. Учинчи мустасно қонуни ва унинг билишдаги роли.....	7
6. Етарли асос қонуни ва унинг билишдаги роли.....	8
7. Тушунча тафаккур шакли сифатида.....	9
8. Тушунчаларни ҳосил қилишнинг мантиқий усуллари.....	10
9. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми.....	11
10. Тушунча мазмуни билан ҳажми ўртасидаги тесқари муносабат қонуни.....	12
11. Тушунчалар турлари.....	13
12. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.....	14
13. Тушунчаларни умумлаштириш ва чегаралаш.....	17
14. Тушунчани таърифлаш. Таъриф - турлари.....	17
15. Тушунчаларни таърифлаш қоидалари.....	19
16. Тушунчаларни бўлишнинг мантиқий операцияси. Бўлиш турлари.....	20
17. Бўлиш қоидалари.....	21
18. Таснифлаш.....	22
Машқлар.....	22
19. Ҳукм: унинг моҳияти ва билишдаги роли.....	28
20. Ҳукмларнинг мантиқий тузилиши.....	28
21. Оддий ҳукмлар турлари.....	29
22. Оддий ҳукмларнинг бирлашган таснифи.....	30
23. Ажратувчи ва истисно этувчи ҳукмлар.....	31
24. Ҳукмларда атамаларнинг тақсимланиши.....	32
25. Мураккаб ҳукмлар.....	34
26. Мураккаб ажратувчи (дизъюнктив) ҳукмлар.....	35
27. Шартли (имплектив) ҳукмлар.....	37
28. Эквивалентли ҳукмлар (иккилама импликация).....	38
29. Оддий ҳукмлар ўртасидаги мантиқий муносабатлар.....	38
30. Мураккаб ҳукмлар ўртасидаги мантиқий муносабатлар.....	40
31. Ҳукмларнинг модаллиги. Эпистемик модаллик.....	41
32. Деонтик модаллик.....	43
33. Алетик (чин) модаллик.....	44
34. Саволларнинг мантиқий тавсифномаси.....	45
35. Жавобларнинг мантиқий тавсифномаси.....	46
Машқлар.....	22
36. Хулоса тафаккур шакли сифатида. Хулосалар турлари.....	53
37. Бевосита дедуктив хулосалар: ўзгариш.....	54
38. Бевосита дедуктив хулоса: айлантириш.....	55
39. Бевосита дедуктив хулоса: предикатга қарама-қарши қўйиш.....	56
40. Мантиқий квадрат бўйича бевосита дедуктив хулоса чиқариш.....	56
41. Содда қатъий силлогизм, унинг тузилиши в аксиома.....	58

42. Содда қатъий силлогизм атамалари қоидалари.....	59
43. Содда қатъий силлогизмнинг асослари қоидалари.....	60
44. Қатъий силлогизмнинг биринчи фигураси, унинг қоидалари, модуслари ва билишдаги роли.....	61
45. Қатъий силлогизмнинг иккинчи фигураси, унинг қоидалари, модуслари ва билишдаги роли.....	62
46. Қатъий силлогизмнинг учинчи фигураси, унинг қоидалари, модуслари ва билишдаги роли.....	63
47. Соф шартли хулоса.....	64
48. Шартли-қатъий хулоса.....	64
49. Ажратувчи-қатъий хулоса.....	66
50. Шартли-ажратувчи хулоса.....	67
51. Қисқартирилган силлогизм (энтимема).....	69
52. Индуктив хулоса, унинг турлари ва мантикий тузилиши.....	70
53. Тўлиқ индукция ва унинг билишдаги роли.....	71
54. Нотўлиқ индукция ва унинг турлари.....	72
55. Оммавий индукция.....	73
56. Илмий индукция.....	74
57. Ўхшашлик услуби илмий индукция услуби сифатида.....	76
58. Фарқланиш услуби илмий индукция услуби сифатида.....	77
59. Қўшимча ўзгаришлар услуби илмий индукция услуби сифатида.....	78
60. Қолдиқлар услуби илмий индукция услуби сифатида.....	80
61. Ўхшашлик бўйича хулоса: моҳияти ва мантикий тузилиши.....	81
62. Ўхшашлик турлари.....	82
63. Ўхшашликнинг фандаги роли.....	84
64. Гипотезанинг билишдаги роли, унинг тузилиши ва илмий асослилиги шартлари.....	84
65. Гипотеза турлари.....	86
66. Тахминий фикр гипотезанинг бир тури сифатида.....	87
67. Гипотеза (тахминий фикр)ни ишлаб чиқиш босқичлари.....	88
68. Гипотезаларни исботлаш усуллари.....	90
69. Мантикий исботнинг моҳияти ва унинг тузилиши.....	91
70. Тезиснинг бевосита асосланиши.....	93
71. Тезиснинг билвосита асосланиши.....	94
72. Танқид, унинг шакллари ва усуллари.....	95
73. Мантикий исботнинг асосий қоидалари ва уларни бузишда учрайдиган хатолар. Тезисга муносабат бўйича қоидалар ва хатолар.....	96
74. Мантикий исботнинг асосий қоидалари ва уларни бузишда учрайдиган хатолар. Далилларга муносабат бўйича қоидалар ва хатолар.....	97
75. Мантикий исботнинг асосий қоидалари ва уларни бузишда учрайдиган хатолар. Ошкор қилишдаги қоидалар ва хатолар.....	98
76. Паралогизмлар, софизмлар ва мантикий парадокслар.....	100
Машқлар.....	101
Адабиётлар рўйхати.....	110

Муаллифлар:

А.Мухтаров, А.Бобоев

Такризчилар:

А.Қ.Қодиров – фалсафа фанлари доктори, профессор
М.Шарипов – фалсафа фанлари номзоди, доцент

Босишга рухсат этилди 17.05.2012. Қоғоз бичими 60х90_{1/16}.
Times гарнитураси. Шартли босма табағи 7,2.
Шартнома № 755 – 2012. 500 нусхада. Буюртма № 1994

Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги
“Иқтисодиёт” нашриёти, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49.

